Мавзунинг долзарблиги: кенг кўламли ислохотларнинг муҳим бўғини – инновациялар ҳам бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намоиш қилмоқда. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ -2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг 1- банд бўйича белгиланган вазифаларда “ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш “ кабилар кўрсатилган. Бу борада республикада олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар билан бир қаторда хориж мамлакатларининг замонавий, илғор технологияларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса чет эллик етук мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан маърузалар, маҳорат дарсларни ташкил этиш амалий аҳамиятга эга.

Мақсад ва вазифалари: маҳорат дарсини ўтувчи маълум бир фаолият майдонидаги танланган мавзу ёки муаммони, ўзининг шахсий иш тажрибасини педагогик технологиянинг усуллари, услубларидан фойдаланган ҳолда бевосита ва изоҳлаш орқали иштирокчиларга етказиш;

Материал ва усуллар: Ўқув хонаси, маҳорат дарсида иштирок этувчилар, маълум бир муаммо мавзуси ва уни ёритиш алгоритми (кетма-кетлиги), педагогик технология усуллари, амалиётда татбиқ этилаётган шахсий технологиялардан фойдаланиш. Маҳорат дарсини ўтказиш алгоритми: долзарб мавзу ёки муаммони танлаш, ишлаш учун гуруҳни шакллантириш, муаммони ёритиш ва ечиш, натижаларни ҳавола этиш, уни таҳлил қилиш ва коррекциялаш

Натижалар: Шу нуқтаи назардан ва Тошкент тиббиёт академиясининг Илмий Кенгашида қабул қилинган Қарорга жавобан 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедрасида хориж олимлари иштирокида турли мавзуда маҳорат дарслари ўтказилиб туради. Жумладан, Қозоғистон-Британия Техника Институти декани, техника фанлари доктори, профессор Т. Умаров томонидан “Таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш” мавзусида маҳорат

дарси ўтказилди. Маҳорат дарсида олим таълим жараёнига технологик ёндашув, замонавий педагогик интерфаол усулларни қўллаш- режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топиши, ўқув жараёнининг сўнги натижаларига йўналтирилганлигини кузатишга имконият беришини, ҳар бир ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларига монанд ёндашиш, педагогнинг ўқитиш усуллари ва йўллариининг энг маъқул тизимини танлай олган ҳолда дарс жараёнини тўғри ташкил этишда муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлади. Хориж клиникалари тажрибаси ва ютуқларидан хабардор бўлиш мақсадида эса Тошкент тиббиёт академияси ва “АСАН” тиббиёт маркази ўртасида “Соғлиқни сақлашнинг долзарб масалалари” ва тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган биринчи халқаро илмий-амалий анжумани иштирокчиси Корея Республикаси Самсунг госпитали кардиолог профессори: Джеонг-Еуй Парк томонидан “Ўтқир коронар синдром” мавзусида ўтказилган маҳорат дарси ўзининг долзарблиги ва аҳамиятлилиги билан ажралиб турди. У ўз чиқишида дастлаб ўзи фаолият кўрсатаётган госпитал ҳақида, уерда олиб борилаётган илмий изланишлар, даволашда қўлланилаётган охириги ютуқларнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Сўнгра эса маърузасини давом этдириб, “Ўтқир коронар синдром” ташхисини ўз вақтида ташхислаш учун хавфли омилларни ўз вақтида тўғри баҳолаш, клиник белгиларга эътиборни кучайтириш, тезкор диагностик чора-тадбирларини қўллаш, даволаш усулини шунга монанд танлаш муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлади. Маҳорат дарсларида иштирок этганлар эса мавзуларни ёритишда, таҳлил қилишда ҳаи иккала олимга саволлар орқали мурожат қилишиб, ўзларининг фикрларини, иш тажрибаларини ҳавола этишди.

Хулоса:

1. Маҳорат дарси ўтиш орқали назарий маълум бир мавзуда эришилаётган ютуқлар, амалиётда эса янги технология ёки усулни қўллаш ёритилади.

2. Кичик гуруҳларда мустақил ишлаш фаол ҳаракатланиш, ўзаро фикрлар алмашинувига замин яратади. Муаммони танлаш ва ҳал этиш турлича вазиятларни қўйиш орқали амалга оширилади.

3. Педагогик технология усулларини иштирокчиларнинг ўзлари танлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Асосийси, маҳорат дарси шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради.

МАГИСТРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ХОРИЖИЙ ТИББИЁТ ОЛИЙГОХЛАРИ БИЛАН ХАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ РОЛИ

Л.К. Рахманова., И.А. Каримжанов

Таълим ва ўқитиш сифатини халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш ва бунинг асосида олий таълим муассасалари фаолияти сифати ҳамда самарадорлигини кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Ёшларимизга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини замон талаблари даражасига кўтариш ҳар бир инсоннинг юксак бурчидир.

Ш. Мирзиёев

Маълумки, талабаларга таълим бериш жараёнида уларни педагогик кузатувчанлик, ижодкорлик ва илғор педагогик тажрибаларни мустақил ўзлаштиришга ўргатилади. Бу ўринда ўқитувчи томонидан ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш жараёнида диққатни аниқ тақсимлаш, билим, кўникмалар, психик ҳолатларни бошқара олиш ва педагогик техника маданиятини мустақил ўзлаштириш малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги жамият тараққиётининг ҳар бир соҳасида, шу жумладан таълим муассасалари олдига ҳам замон талабларига жавоб бера оладиган, янги демократик давлат фуқоросини шакллантиришдек муҳим вазифани қўяди. Бу вазифани амалга ошириш жараёни таълим ходимларини ўқитишга янгича ёндошиш, ўқитувчиларни ўз касбига ва таълим олувчиларга ўта талабчанлик билан муносабатда бўлишини тақозо этади. Бу ўринда кўзланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги-янги моделлари яратилмоқдаки, ушбу моделлар ўқув жараёнларини юксак даражада технологиялаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 21 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 5 майдаги 2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 майдаги Қарорини келтиришимиз мумкин.

Ушбу ҳужжатларда таъкидланишича, ёшларимизга таълим бериш жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялар, ҳамкорликда ўқитиш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари, интерфаол таълим услубларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини қўллаш, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш зарурлиги кўрсатилган. Амалдаги ўқитиш тизими билан таққослаганда ҳозирги кунда янги инновацион педагогик технологияларнинг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиш ва уларни таълим-тарбия жараёнларига тадбиқ этиш зарурияти долзарб масалалардан бирига айланмоқда, яъни қуруқ оғзаки сўзлар ёрдамида ўқитиш кам самаралидир. “Ахборотли-амалий ўқитиш” тизими таълим - тарбия жараёнига кўпроқ самара бериши Президент Қарорларида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Шу нуқтаи назардан, тиббий ва педагог кадрларни тайёрлашда уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳасидаги ютуқлар ва замонавий тажрибаларга таянган ҳолда замон талабларига жавоб берадиган кадрлар малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро

стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш белгиланган.

Тошкент тиббиёт академиясининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожланиш дастурига мувофиқ 2017 йилда ТТА ва Санкт-Петербургни И.П.Павлов номли биринчи давлат тиббиёт университети ва педиатрия университетлари билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Менморандум вазифаларини амалга оширган ҳолда, ТТА 2-сон болалар касалликлари кафедраси ушбу таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириб келмоқда.

2018 йилнинг 1-30 майгача кафедрамиз магистрлари А.Батталова ва А.Хошимовлар Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университетида “Болалар нефрологияси” бўйича бир ойлик циклда ўз малакаларини оширдилар. Бундан ташқари магистрлар ва кафедрамиз ходимлари 2018 йил 26-30 май кунлари Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университетида ташкил қилинган “Здоровые дети-будущее страны” Халқаро Симпозиумда ўз наشرлари билан, ҳамда проф. Каримжанов И.А, ва т.ф.д. Рахманова Л.К. ўз маърузалари билан қатнашдилар. Шуниси диққатга сазоворки, Симпозиумнинг нефрология йўналиши 2018 йилда “Россия-Белорусия-Ўзбекистон”нинг “Болалар нефрологияси” деб номланди ва кафедрамиз ходимлари, магистрлари ўз фикр – мулоҳазалари ва таклифлари билан фаол иштирок этдилар. Шу билан бирга 2019 йилда ҳам бир қатор ходимлар ва магистрларнинг Санкт-Петербург университетларида малака оширишлари режага киритилди.

Хулоса қилиб айтиш мукинки, хориждаги етакчи турдош тиббий-таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни кучайтириш ва такомиллаштириб бориш мамлакатимиз учун интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарга эга бўлган кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, магистрлар ва ўқитувчиларда нутқ маҳоратини ўстириш, педагогик техникани такомиллаштириш, ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

ТАЪЛИМ БЕРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мидасов М.М.

Таълим жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиб таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга ошиб бормоқда.

Замонавий технологиялар қулланилган машғулотлар талаба (ёки ўқувчи) лар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари қилишларига қаратилган. Ўқувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Ўқув-тарбия жараёнида асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юрутишига олиб келади.

Мақсад ва вазифалар: педагогик технологиянинг энг асосий белгиси ўқитувчи

ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, гуруҳ ташкил этиб гуруҳда ишлай олсалар, педагог эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратиб берса уларни рағбатлантира олса ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Қўлланилган усул: “Тасдиққа асосланган тиббиёт” да педагог ўқиладиган мавзу, масалан: “Пневмокониозлар” мавзуси бўйича талабаларга вазиятли масала ёки курация пайтида беморнинг клиник белгиларига, рентген суратларига, хужжатларга асосланган ҳолда касалликни тасдиқлашни сўрайди. Педагог муаммога таъриф беради ва талабаларни гуруҳларга булади. Ҳар бир гуруҳ шу маммоли вазиятни таҳлил қиладилар. Сўнгра гуруҳлар пневмокониозлар этиологиясини тасдиқлаш тўғрисида фикр юритадилар, ҳамда тасдиқлаш йўллари ишлаб чиқадилар. Гуруҳдошлар томонидан сайланган гуруҳ сардори гуруҳларда ишлаб чиқилган тасдиқлаш ечимларини баён этадилар. Педагог томонидан ечимлар танлаб олинади.

Олинган натижалар: бу усул талабаларга ўз фикрларини баён этиш, гуруҳдаги бошқа талабаларнинг фикрини эшитишга, баҳслашаётган суҳбатдошини ҳурмат қилишга ўргатади.

Хулоса: демак, инновацион технология усулларида фойдаланиб, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантирилади муаммоли вазиятларни ҳал этишга йўналтиради, касбий фаолиятига қизиқиш уйғотишга, шунингдек мавзу асосида билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга эришилади.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КЛИНИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДАГИ ЎРНИ

Мидасов М.М.

Педагогик таълим сифатига талабнинг ошиши узлуксиз педагогик таълим тизимини ривожлантиришнинг долзарб муаммоси ва шартининг моҳиятини фундаменталлик, яхлитлилик, изчиллик ва амалий йўналиш тамойиллари янгилашни рағбатлантирувчи кучи бўлиб бормоқда.

Мақсад ва вазифалар: юртимизда қабул қилинган ва амалга ошириладиган “Таълим тўғрисида” ги ва “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларнинг асосий мақсади таълим тизимини такомиллаштириш ва жаҳон стандарти талаблари даража сида амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналишлар – таълим ва тарбия жараёнининг сифат самарадорлигига эришишдир. Бунинг учун биз ўқитувчилар зиммасига бир қанча масъулиятлар юкланди. Машғулотларда инновацион технологиялар элементларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш долзарб масаладир. Клиник фанларни ўқитиш самарадорлиги талабаларнинг ўқув, меҳнат ва жамоат фаолиятларида қатнашиши учун зарур бўлган клиник билимлар, кўникмалар, малакаларни эгаллашлари билан белгиланади.

Таълим усуллари танлашнинг асосий қоидаси таълим бериш мақсадига мос келишидир ва бунда натижа берадиган замонавий педагогик технология усулидан фойдаланиш лозим.

Қўлланилган усуллар “Касб касалликлар” фанида “Физик омиллар” гуруҳига кирувчи “Вибрация” касаллиги мавзусида Бахс-мунозара методини куриб чиқамиз. Бунинг учун талабалар гуруҳда ишлайди ва педагог томонидан мавзуга доир муаммоли савол ёки вазиятли масала, ёки бўлимда бемор кўриги ўтказилади. Сўнгра педагог томонидан савол берилади. Масалан: Таянч ҳаракат ва церебрал периферик қон айланиш тизимининг бузилиши билан ўтадиган касаллик. Гуруҳдаги талабалар айнан шу тизимнинг зарарланиши билан ўтадиган касалликлари тизими ҳақида турли фикрларни билдиришади. Билдирилаётган барча фикр-мулоҳазалар тингланади ва педагог бошчилигида таҳлил қилинади. Муаммонинг ечимини хал қилувчи аниқ ва мақбул ечим танлаб олинади.

Олинган натижалар: бу усул талабаларга ўз фикрларини баён этиш, гуруҳдаги бошқа талабаларнинг фикрини эшитишга, баҳслашаётган суҳбатдошини ҳурмат қилишга ўргатади.

Хулоса: демак, инновацион технология усулларида фойдаланиб, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ривожлантирилади, муаммоли вазиятларни хал этишга йўналтиради, касбий фаолиятига қизиқиш уйғотишга, шунингдек мавзу асосида билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга эришилади.

ТАЛАБАЛАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Миррахимова М.Х., Сатибалдиева Н.Р.

Охириги йилларда «инновация» термини олий таълим муассасаларида жуда кенг ишлатилмоқда. Бундан мақсад Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини чет эл аналоглари билан тенглаштириш ва педагогларнинг илмий салоҳиятини ошириш. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг педагогик фаолияти уларнинг нафақат билим ва кўникмаларга эгалигидан, балки соҳага оид маълумотларни талабаларга турли хил усулларда педагогик маҳорат билан етказишдан иборатдир. Бунда педагог ўзининг ҳар бир мавзуси учун ўзига хос услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда талабага дарснинг мақсад ва вазифасини етказиш йўлини тўғри танлаши зарур. Педагогнинг ўз фаолиятига ижодий ёндошиши талабаларга билим ва маҳоратини тўлиқ етказишига ёрдам беради. Олий таълимни амалга ошириш жараёнига инновацион технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

Олий таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;

Олий таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;

Олий таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;

Олий таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

Педагогларнинг касбий маҳоратини шакллантиришнинг илмий – назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, талабаларга педиатрия фанидан тиббий билимларни беришда ноанъанавий усуллардан фойдаланишнинг аҳамиятини янада юксалтириш, унинг самарадорлигини оширишга эътиборни яна бир марта қаратишга даъват этади.

Педагогик технологияларга асосланган таълим жараёнида ўқитувчи фаолияти ва ўқувчи фаолияти доираси аниқ белгиланади, таълимни ташкил этишнинг аниқ технологияси кўрсатилади. Инсерт жадвали, асосланган эссе, Т-чизма, амалий кўникмаларни ўзлаштиришда видеофильмлардан, симуляцион марказлардан ва бошқа усулларни қўллаш йўли билан талабаларнинг билим олишига ва касбига нисбатан маъсулиятини оширади ва машғулот давомида талабаларнинг назарий, клиник, таҳлилий, ижодий ва замонавий фикрлашини мукамаллаштиради. Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиши, билим ва кўникмаларни намойиш этиши ва мавзуни мазмунини тушуниши ва амалиёт билан боғлашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам инновацион таълим технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш, таълим самарадорлигини ошириш учун тинимсиз изланиш бугунги куннинг эҳтиёжига айланади. Дарҳақиқат, инновацион таълим технологиялар таълим жараёнининг умумдорлигини оширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш жараёнини шакллантиради, ўқувчиларда билимга иштиёқ ва қизиқишларини оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантиради ва бу ўқув жараёнининг янгича руҳда шаклланишига имконият яратади.

ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ НА КЛИНИЧЕСКИХ КАФЕДРАХ В МЕДИЦИНСКИХ ВУЗАХ

Набиева Д.А., Алиева К.К.

В высшем медицинском образовании для развития профессиональных навыков и клинического мышления у студента, применяются методики, созданные на основе теории поэтапного формирования умственных действий и понятий. Уже с середины XIX века в клиническую подготовку врачей были включены три этапа: пропедевтический, факультетский и госпитальный, – которые студенты проходят в соответствующего типа клиниках терапевтического и хирургического профилей.

Современное медицинское образование ориентировано на активную деятельность самого обучаемого при решении профессиональных задач (реальных или моделируемых). Теоретические знания усваиваются одновременно с практическим освоением профессиональных норм и способов деятельности. Эта теория предусматривает практику подготовки специалиста на основе овладения конкретными профессиональными действиями (диагностикой, лечением, профилактикой, реабилитацией) и концептуальными знаниями и навыками (профессиональным мышлением, способами общения, мануальными клиническими навыками). При этом концептуальные знания становятся «обеспечением», условием и залогом

точного выполнения практических действий. Для реализации данного подхода создаются психологические модели деятельности, разработанные на основе психологического анализа осваиваемой деятельности.

Подобный анализ дает возможность понять объективную логику деятельности: что является ее целью, в какой конечный результат эта цель должна воплотиться и благодаря каким конкретным действиям она достигается на практике; и субъективную (психологическую), в частности, почему допускаются ошибки, характерные для начинающих. Далее проводится структурирование, т.е. разделение деятельности на последовательные действия и операции, выделение в них ориентировочной, исполнительской и контрольной частей, а также выявление типичных ошибок и трудностей в процессе работы.

И структура деятельности представляет наглядную картину: что за чем, с помощью чего и для чего выполняется. И такая уточненная структура позволяет составить подробную ориентировочную основу формируемого действия, указать конкретные ориентиры, которыми может руководствоваться обучаемый, осваивая новую для него деятельность.

Таким образом, в учебном процессе модель осваиваемой деятельности представлена двумя взаимосвязанными частями: первая из них – схема ориентировочной основы действия (учебная карта), которая отражает логику и технологию процесса, т.е. система последовательных указаний на то, что, когда и как следует делать; вторая часть – учебные практические задачи, моделирующие сам процесс деятельности, охватывающие все варианты, встречающиеся в практике (фактический материал для задач может быть подобран из реальной практики). Ориентирующие средства, используемые в обучении, должны обеспечить обучаемому безошибочное выполнение с первого раза ранее незнакомого действия.

Система учебных задач – это своеобразный тренажер, благодаря которому студент учится выполнять действия (деятельность).

При формировании новых действий (а не просто новых знаний) важно учиться им в реальной практической ситуации или на адекватных ей моделях. Поэтому система учебных задач охватывает все возможные варианты, встречающиеся в деятельности врача, и содержит модели разнообразных практических ситуаций, с которыми он может сталкиваться часто, а иногда, напротив, достаточно редко. Обучаемый должен приобрести умение действовать во всех случаях. Именно в этом и состоит необходимость обращения к психологическому моделированию деятельности [3].

Знания, как и профессиональные умения и навыки, не передаются преподавателем студенту «из рук в руки». Они формируются в самостоятельной безошибочной деятельности студента, которая организована педагогом. Главная особенность такого обучения в том, что студент действует с опорой на ориентирующие средства. Задача преподавателя – четко организовать и адекватно управлять самостоятельной деятельностью студентов: ставить задачи, корректировать ход их решения, фиксировать и оценивать результаты усилий обучаемых. Для этого он сознательно отказывается от привычной позиции «давать знания». Надо помогать студентам правильно думать, чтобы понять изучаемое.

Своеобразие методики требует, чтобы в начале обучения педагог ознакомил

студентов с порядком действий на занятиях, т.е. с процедурной стороной учебной деятельности. Очень важно студенту, и самому педагогу, преодолеть «школярские» установки, согласно которым сначала предъявляется «вся теория», а потом на примерах показывается, как она реализуется в жизни. Благодаря этой методике мотивирующим становится понимание того, что только самостоятельные действия по решению профессиональных задач приводят к пониманию теории. А поэтому роль преподавателя состоит не в навязывании учебного материала, а в предоставлении студенту возможности успешно учиться самому, в создании для этого соответствующих благоприятных условий – разработке учебно-методических материалов, схем ориентировки, выборе задач, пробуждающих активность и заинтересованность, подготовке адекватных вопросов и заданий для контроля результатов обучения. Для обретения студентом мотивационной готовности к самообучению необходима общая ориентировка в особенностях обучения по методике поэтапного формирования умственных действий.

Подготовка будущего врача состоит из двух процессов: обучение (приобретение знаний) и научение (умение). Обучение проводится несколькими путями: учебный материал, лекции, семинары. Знания должны достигаться не просто запоминанием, а изучением. Студенту следует объяснить, что сначала надо прочесть заданный материал. Это является уровнем знакомства с предметом. Очень важно внимательно читать патогенез заболевания, выделяя его основные звенья. Определив патогенетическое звено переходим к чтению клиники и нахождению симптомов, вызванных данным патогенетическим звеном. Вот таким образом изучаем патогенез заболевания и объясняем патогенетически каждый клинический симптом заболевания. В результате такой работы механизм заболевания и его клиника сольются в одно понятие и тема станет изученной.

На практических занятиях студент не должен просто пересказывать заученный текст, а должен решать практические проблемы. Прежде всего, он должен объяснить механизм развития конкретного заболевания (это может быть бактериемия, токсемия, воспаление и т.д.). Надо определить основные точки действия механизма и второстепенные точки и т.п. Надо разобрать механизм диагностики изучаемого заболевания.

Диагноз проходит три стадии: возможность его, вероятность и достоверность. Все эти уровни должны ставиться клинически. Дополнительные методы (лабораторные, эпидемиологические, инструментальные) клинический диагноз подтверждают. Для выявления возможности диагноза надо ответить на вопрос: что нужно врачу для того, чтобы заподозрить данное заболевание? Это должен быть симптом или синдром, без которого данное заболевание быть не может, т.е. обязательный признак. Хотя названный, обозначенный признак может быть и при других заболеваниях, которые тоже надо перечислить. Это будет материалом для дифференциального процесса. Надо выяснить особенности данного клинического признака именно для изучаемого заболевания. Затем надо определить признаки вероятности диагноза. Это все клинические характеристики заболевания. При изучении дополнительных диагностических методов следует обязательно выделить главные, самые ценные методы, которые следует применить прежде всего. В

поликлинике это даст возможность решить вопрос о месте и своевременности госпитализации больного. Далее надо перечислить конкретные показания к госпитализации при данной патологии конкретного больного. При проведении дифференциального диагноза надо перечислить все данные, которые являются общими для дифференцируемых заболеваний. Затем надо конкретно выделить то, что дает основание заподозрить другую конкретную патологию у больного. При изучении лечения необходимо прежде всего разобрать вопросы режима и диеты, затем количество питья и его качество (т.е. что пить и сколько) для конкретного больного. Следует отметить, что знания выживают только тогда, когда они окрашены эмоциями. Если студент сможет справиться с вопросами, на которые нет конкретных ответов в учебнике и лекции – то это принесет ему радость своей подготовленности и приобретенные таким образом знания сохранятся у него надолго.

Задача студентов состоит в самостоятельном обучении в присутствии преподавателя – наставника и консультанта. Прежде всего, для этого требуется готовность с точки зрения мотивации – понимание своих целей и ценностей: хочу научиться для чего или ради чего. Не менее важно осмысление и интеллектуально-познавательных устремлений – приобретение концептуальных знаний, норм и способов деятельности: могу научиться, знаю чему именно и как. Согласованное принятие педагогом и обучаемым учебных задач и установок открывает перед ними широкое пространство совместной деятельности как условие реализации личностно ориентированного подхода.

В ситуациях, связанных с оказанием реальной помощи пациенту, роль преподавателя заключается в создании условий для рефлексии обучаемого – обдумывания, анализа предстоящих и уже выполненных действий, их обоснования, оценки их правильности или ошибочности с точки зрения требований, которые диктует всякая конкретная ситуация (клиническая, деонтологическая, социальная). В качестве речевого этапа – проговаривания – используются обсуждения клинических случаев (аналогичные врачевным конференциям и анализу записей в историях болезни).

Главной целевой установкой для студента является вдумчивый, заинтересованный подход ко всем своим действиям, а не стремление «все знать и все уметь». При очевидном различии учебных (модельных) и реальных ситуаций их объединяет одно: если будущий врач стремится действовать профессионально, то ему надо уметь правильно рассуждать и мыслить в соответствии с логикой норм и способов деятельности. Практические или моделирующие практику задачи и упражнения, решаемые студентами с использованием ориентирующих схем, направляют их мыслительные действия в нужное русло.

Следует отметить, что игнорирование принципиальных различий между практическими и моделирующими задачами недопустимо, т.к. встреча и работа с реальными проблемами пациентов учит студентов принимать и справляться с неопределенностью ситуации и творчески применять профессиональные навыки. Работа с конкретными реальными проблемами является особым видом совместной деятельности студентов и преподавателей, в которой заключены возможности для создания творческой развивающей атмосферы.

Взаимодействие традиций и инноваций в профессионально-

воспитательном процессе диктует необходимость применения как традиционных, так и инновационных форм и методов воспитания. При этом инновационные процессы должны стать ведущими в формировании профессионально-воспитательной системы медицинского вуза. В русле реализации инновационных процессов представляет практический интерес применение таких методов, как дискуссии на моральные темы в области профессиональной деятельности, метод деловых игр, метод «Профессиональная студия», предполагающий анализ профессиональных ситуаций, максимально приближенных к реальной деятельности.

Мобилизация профессиональной мотивации связана с решением задач формирования адекватных представлений о содержании работы в профессиональной области, о закономерностях ее развития; формирования убеждения в своей профессиональной пригодности и необходимости овладения всеми учебными курсами, видами подготовки; развитие стремления к самообразованию и самовоспитанию в русле предъявляемых медицинской профессией требований к личности врача. Данное условие подразумевает ознакомление с замечательными личностями в медицинской профессии и акцентирование вопроса профессиональной идентификации личности студента.

ТЕХНОЛОГИИ МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ КОМПЬЮТЕРНОЙ ТЕХНИКИ

Нуриллаева Н.М., Шукурджанова С.М.

Современное развитие общества и интеграционных тенденций в образовательном пространстве привело к созданию новой инновационной системы высшего образования, формирующей у студентов потребность и способность к проективному видению будущего.

Для успешного решения задач профессиональной подготовки современных специалистов медицинского профиля необходима перестройка учебного процесса, ориентировка на развитие интеллектуальных способностей студентов, нравственных общечеловеческих ценностей, их логического клинического мышления, разработка и внедрение новых передовых педагогических технологий, в том числе информационных.

Новые потребности системы здравоохранения обуславливают создание новых технологий в обучении будущих специалистов. Информационный бум требует подготовки студентов к активному самостоятельному решению жизненно важных вопросов, способности быстро ликвидировать пробелы в знаниях, равно как и использовать полученные знания в решении новых, диктуемых жизнью задач.

Применение компьютерных технологий при изучении блоков фундаментальных и клинических дисциплин имеет важное в профессиональном плане, значение которого переоценить чрезвычайно трудно. Важнейшим требованием к выпускнику вуза является владение профессиональными компетенциями. Использование информационных технологий как неотъемлемого инструмента в формировании профессиональных компетенций студентов очень необходимо в высшем медицинском

образовании.

Инновационная направленность деятельности определяется адаптивностью личностной культуры к нововведениям и актуализацией готовности к деятельности в условиях неопределённости конкурентной борьбы. Для формирования готовности выпускников системы высшего медицинского образования к инновационной деятельности внедряются информационные педагогические технологии, существенно изменяющие образовательный процесс методически, организационно, педагогически, технологически. Проблемные задачи, решаемые с привлечением междисциплинарных знаний, закладывают навыки инновационной деятельности.

Информационно-коммуникационные технологии, реализуя идею компетентностно-ориентированного обучения, существенно изменяют характер традиционного обучения и занимают центральное место в определении качества подготовки медицинских специалистов. Современные требования к профессиональной компетентности врачей диктуют актуальность построения новой модели образования в медицинском вузе, которая основана на переосмыслении взаимосвязи и формировании многоуровневой интеграции общенаучного и профессионального знаний.

Одной из важнейших областей телемедицины является дистанционное медицинское обучение. Следует отметить, что если практическое использование телемедицинских консультаций на регулярной основе будет развиваться достаточно медленно, преодолевая методологические, психологические, организационные, финансовые и т.д. барьеры, то дистанционное медицинское обучение будет востребовано в первую очередь.

Современные достижения компьютерных и коммуникационных технологий позволяют обеспечить дистанционное образование в медицине максимально приближенное к очному образованию.

В течение нескольких десятилетий формировалась система очного образования и повышения квалификации медицинских работников. Эта система показала свою эффективность разумным сочетанием методов донесения новой информации до обучающихся с интерактивным процессом более глубокого изучения тех или иных проблем, и практических занятий с последующими консультациями и экзаменами. Поэтому, система дистанционного обучения в рамках любой телемедицинской сети должна быть построена на этой отработанной схеме очного обучения с добавлением возможностей, которые предоставляют новые компьютерные и коммуникационные технологии.

Система дистанционного обучения и повышения квалификации медицинских специалистов должна состоять из следующих составляющих:

1. Проведение дистанционных лекций либо в рамках тематических курсов, либо по актуальным направлениям медицины. Данные курсы лекций и специализированные лекции должны вести ведущие медицинские специалисты.

2. Проведение семинаров с углубленным изучением ранее прочитанного лекционного материала.

3. Практические занятия по тем или иным методам диагностики, лечения и хирургических операций, а также индивидуальные телемедицинские

консультации.

Дистанционные лекции могут проводиться как в рамках тематических курсов, так и по индивидуальной тематике, имеющей актуальное значение.

Основной целью дистанционных лекций является доведение до обучающихся тематического материала, который будет являться базовым для последующего более глубокого изучения как в рамках семинаров, так и в рамках индивидуального изучения. Большинство ведущих врачей медицинских центров и институтов участвуют в тех или иных учебных процессах и имеют свои лекционные материалы для различных категорий обучающихся. Данные материалы могут быть представлены в различных видах: рукописном, печатном, в виде плакатов, слайдов, компьютерных презентаций, видео роликов и т.д.. Поэтому, телемедицинская система лектора должна обладать возможностью передачи любого из вышеназванных материалов удаленным обучающимся.

В процессе проведения лекции при дистанционном обучении, слушатели должны видеть и слышать лектора, видеть те или иные иллюстративные материалы или объекты, иметь возможность задать вопросы, а также слушать вопросы коллег и ответы преподавателя. Только в этом случае эффективность дистанционной лекции будет максимально приближена к эффективности очной лекции. При этом лектор должен находиться в обстановке максимально близкой к той, при которой он проводит очные лекции. Поэтому, желательно, чтобы в аудитории, где установлена телемедицинская установка для дистанционного обучения должен находиться не только преподаватель, но и несколько очных обучающихся. В этом случае преподаватель как бы читает лекцию в своем обычном режиме и не чувствует психологической проблемы удаленности от обучающихся. Однако при этом он знает, что его слушают и видят не 10, а несколько сотен обучающихся. При отсутствии очных обучающихся целесообразно на монитор телемедицинской установки лектора выводить изображения двух или трех удаленных обучающихся, которые снимают психологическую проблему «телевизионного диктора».

Применение технологий дистанционного обучения позволит студентам развивать способность к профессиональному самосовершенствованию в современной системе непрерывного медицинского образования.

ТИББИЁТ ОЛИЙГОҲЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АХАМИЯТИ

Сатибалдиева Н.Р., Миррахимова М.Х.

Ҳозирги кунда янги инновацион педагогик технологияларнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва уларни тиббиёт олийгоҳларида таълим жараёнларига тадбиқ этиш зарурияти долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Ёш авлодга билим беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Инновацион технологияларни таълим жараёнида қўллаб,

талабаларда билимга иштиёқ ва қизиқишларини ошириш, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришларига ёрдам беради. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши лозим.

Бугунги кунда тиббиёт олийгоҳларида таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш учун технология, ахборот, компьютер, мультимедиа, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва шунга ўхшаш ахборот-коммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувжараёнига инновацион технологияларининг тадбиқ этилиши талабаларда фанга қизиқишни орттириб, таълим-тарбия сифатини оширади, ёшларни ҳар томонлама, умумий ривожланишига кўмак бериб, ўқитувчининг вақтини тежайди. Амалий машғулот давомида талабаларнинг янги инновацион таълим услубларини қўлланилиши талабаларда назарий, клиник, таҳлилий ва ижодий фикрлашда қизиқтириш тамойилларини оширади, амалий машғулотларни юқорида кўрсатилган тартибда ўтилиши талабаларнинг эркин ва замонавий фикр-мулоҳазаларини ривожлантиради.

СОЗДАНИЕ ЭЛЕКТРОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ В ОБУЧЕНИИ ПРЕДМЕТА ВНУТРЕННИЕ БОЛЕЗНИ

Салаева М.С., Салимова Н.Ж., Халимова Х.Х.

Технология создания электронных учебников достаточно трудоемка и включает следующие этапы: определение целей и задач разработки согласно руководящих документов, разработка структуры электронного учебника, разработка содержания по разделам и темам учебника, подготовка материалов отдельных структур электронного учебника, программирование, апробация, корректировка содержания по результатам апробации, подготовка методического пособия для пользователя.

Отправной точкой в создании электронных учебников являются дидактические цели и задачи, для достижения и решения которых используются информационные технологии.

В зависимости от целей обучения электронные учебники могут быть следующих типов:

- предметно-ориентированные для изучения конкретной дисциплины;
- предметно-ориентированные для изучения отдельных разделов дисциплины;
- предметно-ориентированные электронные тренажеры с наличием справочного учебного материала;
- электронные автоматизированные системы развития способностей.

Структура в общепринятом понимании (от лат. *structura* – «расположение», «порядок») – совокупность устойчивых связей объекта, обеспечивающих его целостность. Исходя из этого определения при разработке электронного

учебника необходимо первоначально выработать его структуру, порядок следования учебного материала, вид навигации по разделам, сделать выбор основного опорного пункта будущего учебника.

Понятие о содержании электронного учебника является частью понятия содержания образования, под которым понимается система знаний, умений, навыков. При разработке содержания учебника необходимо ранжировать учебный материал: по степени сложности восприятия, по степени сложности подачи.

В ходе этой работы необходимо: выделить основной учебный материал, определить количество дополнительного материала, выявить связи с другими дисциплинами, подобрать практические разноуровневые многовариантные задания по каждой теме, подобрать иллюстрации, графики, демонстрации, анимационные и видеофрагменты к понятиям, формулировкам, событиям и т.д.

Сценарий электронного учебника – это пок кадровое распределение содержания учебного курса и его процессуальной части в рамках программных структур разного уровня и назначения. Процессуальная часть включает в себя все то, что необходимо представить на экране монитора для раскрытия и демонстрации содержательной части.

В настоящее время к электронным учебникам предъявляются следующие требования: учебная информация должна быть структурирована согласно руководящих документов и учебной программы дисциплины, каждый фрагмент, наряду с текстом, должен иметь мультимедийное сопровождение, текстовая информация может дублировать некоторую часть «живых лекций», на иллюстрациях, представляющих сложные модели или устройства, должна быть мгновенная подсказка, появляющаяся или исчезающая синхронно с движением курсора по отдельным элементам иллюстрации (карты, плана, схемы, чертежа сборки изделия, пульта управления объектом и т.д.), в основе изложения учебного материала должна лежать система гипертекста, наличие разных форм контроля.

Электронный учебник необходим для самостоятельной работы студентов, так как: в мультимедийной форме предлагает изложение учебного материала, облегчая усвоение информации, допускает адаптацию в соответствии с потребностями учащегося, уровнем его подготовки, интеллектуальными возможностями и скоростью восприятия, - освобождает от поиска дополнительной информации и временных затрат на этот процесс, предоставляя большой объем знаний, предоставляет широкие возможности для самопроверки на всех этапах изучения дисциплины, выполняет роль бесконечно терпеливого наставника, развивает личную информационную культуру студентов, приучая получать информацию из многих каналов одновременно.

Электронный учебник удобен и для преподавателя потому, что позволяет выносить на занятия материал по собственному усмотрению; экономит время на проверке знаний, так как за считанные минуты обучаемые опрашиваются в электронной форме контроля знаний; позволяет организовать индивидуализировать работу со студентами.

РОЛЬ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС ПО ПРЕДМЕТУ «НАРОДНАЯ МЕДИЦИНА»

Халикова У.А.

Народная медицина имеет тысячелетнюю историю успешного врачевания. Применение методов традиционной восточной медицины при лечении различных заболеваний способствует благоприятному течению и прогнозу заболевания, подливанию периода ремиссии хронических заболеваний, а также более полному выздоровлению больных. На кафедре цикл народной медицины проводится студентам 5 курса лечебного и медико-педагогического факультетов. Цикл состоит из 6 дней, выделено 58 часов в семестре, из них 30 часов практических занятий, 6 часов лекций и 22 часа для самостоятельной работы. Ежедневно в течение цикла студенты в теоретической части занятия осваивают методы фитотерапии, иглорефлексотерапии, мануальной терапии, традиционных гимнастик, решают тесты и ситуационные задачи, готовят самостоятельные работы в различном виде. В практической части студенты курируют больных и назначают нетрадиционные методы лечения в виде акупунктуры, акупрессуры, фитотерапии и др.

В цикле народной медицины студентам преподносятся вопросы философии Восточной медицины, теория циркуляция энергии Ци в организме, меридианы, теории Инь-Янь, У-син, значительно отличающиеся от основ западной медицины и поэтому представляющие для студентов большие трудности в понимании и усвоении столь необычного материала.

Поэтому в предыдущие годы половина студентов относились к циклу скептически, не считая доказанным эти методы и сомневаясь в их эффективности. Такое отношение негативно сказывалось на успеваемости студентов.

Начиная с сентября 2017 г. на регулярной основе к чтению лекций и проведению практических занятий активно привлекается глобальный врач организации КОИСА из Кореи доктор Сонг Ёнг Ил. В течение каждого цикла он обязательно проводит урок-мастер-класс, демонстрируя методы модернизированной Корейской медицины, иглоукалывание и мануальную терапию.

12 октября 2018 года вышло Постановление Президента РУз №3968 о развитии народной медицины в республике. Наша кафедра тесно сотрудничает с клиникой Чонг Ёнг из Кореи, доктора клиники Шин Эсук (директор центра народной медицины при ТМА), Пак Джон Сын (директор международного центра клиники Чонг Ёнг) уже провели несколько интереснейших открытых лекций и мастер-классов для студентов. В центре кроме консультирования и лечения больных с проблемами позвоночника, ожирением, заболеваниями кожи и др., иностранные специалисты будут осуществлять учебный процесс среди студентов магистратуры и клинической ординатуры по специальности «Реабилитология».

Применяемые методы, такие как иглоуж, мануальная терапия Чуна, акупунктура, раскалённая игла, меридианный массаж, иглоукалывание с травяными сборами, демонстрируемые корейскими специалистами, возможность увидеть собственными глазами, поучиться у ведущих специалистов в данной области, задать свой вопрос и получить компетентный

ответ вызывает большой интерес, повышает мотивацию студентов в освоении материала и навыков, а также побуждает к изучению иностранных языков.

Студенты стали охотно заниматься и изучать предмет. Также было отмечено, что по сравнению с прошлыми годами результаты итогового контроля изменились в лучшую сторону.

Таким образом, привлечение иностранных специалистов к учебному процессу привело к повышению мотивации и интереса студентов, расширению возможностей освоения практических навыков и новых методов модернизированной корейской медицины, улучшению показателей успеваемости, расширению горизонтов сотрудничества в научной работе.

КЛИНИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ АВЛОД ТЕСТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Худайбергана Н.Х., Очилова Д.А., Садирова М.А.

Ўзбекистон Республикасида тест топшириқлари 1992 йилдан буён қўлланилади. Назоратнинг тест усули ўзининг адолатлиги, ҳаққонийлиги, холислиги билан бир қаторда тезкорлик, аниқлик ва муаммога объектив ёндошишни талаб этади. Келажакда касбий фаолиятида тезкор ва аниқ қарор қабул қилишни талаб этадиган шифокорларни тайёрлашда тест усули айниқса муҳимдир.

Мақсад: Тиббиёт олий таълим муассаларида клиник фанларни ўқитишда тест усулини қўллашнинг аҳамиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Тест методининг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига унинг қўйидаги афзалликлари:

тест топшириқлари тадқиқот мақсадига мувофиқ респондентларнинг билим, кўникма ва малакаларига аниқ баҳолаш имконини беради;

ижтимоий сўровларда иштирок этган кўпсонли респондентларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ва умумлаштириш имконияти мавжуд;

таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёни объектив амалга оширилади, баҳоловчи томонидан субъективизмга йўл қўйиш олдини олади.

турли гуруҳ респондентларидан олинган маълумотларни қиёсий-статистик таҳлилини ўтказишга замин тайёрлаши кабилар замин яратади.

Тестларни апробациядан ўтказилаётганда учта мезон ҳисобга олиниши лозим:

- ишончлилик (бир хил шароитларда натижаларнинг қайтарилиши).
- валидлик (тестларнинг танлаб олинган маълум мақсадга қаратилганлиги).
- объективлиги (шароит ва талабларнинг бир хил қўйилиши).

Тестнинг ёпиқ типига кирувчи тест шакллари керакли сўз, рақам, формула ёки иборани ёзиб қўйишни талаб этади. Тестнинг очиқ типига бир вариантли ёки бир неча тўғри жавобли вариантларни аниқлаш, элементлар ўртасида мосликни ўрнатиш, тўғри ёки нотўғри элементларни ажратиб олишни ҳамда тўғри кетма- кетликни ўрнатиш талаб этилади.

Гомоген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали

назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

Гетероген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими.

Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Адаптив тестлар тестлар автоматлаштирилган, таҳсил олувчиларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади. Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, таҳсил олувчининг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модул-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони.

Оддий тест (эслаш, ёдда сақлаш, таниш каби психик жараёнларни боришини таъминловчи тест. билимларни мустахкамлайди.

Репродуктив даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг хотирасида сақланган билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтаришни талаб этади.

Хамкорликда ўқитишда ўқитувчи мулоқотга асосланган таълим бериш муҳитини яратади, ижодий вазифани мустақил бажараётган гуруҳ қатнашувчиларина ёки талабаларга ташкилотчи сифатида ёрдам беради. Бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ўқув вазифасини бажариш жараёнининг қатнашчиси сифатида ҳам ишлайди, талабалар учун қачонки жуда зарур бўлганда ва вазифани ечиш учун ўзлари сўраган вақтдагина ўқитувчи ўзида бор маълумотларни уларга айтади. Талабаларга керакли бўлган маълумотларни мустақил излаш учун бошқада ахборот манбалари етарли бўлиши керак. Натижа талабаларнинг аниқ мулоҳаза қилишининг ва ҳаракатларининг самараси бўлгани учун, ўқитувчининг вазифаси талабаларнинг ҳаракатларга тавсиф бериш, улар қабул қилган ечимнинг қанақа оқибатларга олиб келишига эътиборларини қаратиш, беҳато йуналишни ёки хато йўлни тушинтириш. Ўқитувчининг фаолияти бу вақтда тренернинг иши билан таққосланади.

Инновацион усуллардан бири ўқиш ва ёзиш орқали фикрлашни ривожлантирувчи RAFT – технология ҳисобланади. RAFT - технология — бу педагогик усул бўлиб, маълум бир мавзунинг ёзма матнини тузишдан иборат. Ушбу усул талабаларни мавзунинг турли хил томондан ва нуқтаи назардан ўрганишга ҳамда ёзма нутққа ўргатади. RAFT – бу ёзиш стратегиясидир, ўқувчи ёзилганларни енгил тушуниб олиши учун талабага ёзувчи вазифасини тушуниш ҳамда ўз фикрини самарали намоён қилиш имконини беради. Бундан ташқари, RAFT талабаларга улар муомала қиладиган аудиторияда фикрини жамлашга ёрдам беради. Ушбу стратегиядан фойдаланган ҳолда педагог талабаларни ёзишга ижодий ёндашишни, турли хил аудитория учун ёза олишни ўргатади.

RAFT вазифалари:

- талабани ўрганилаётган мавзу тўғрисидаги фикрларини ёрита олиш, ўз овозларини етказиб бера олишини таъминлаш.

- т а л а б а н и т а н қ и д и й ф и к р л а ш , мулоҳаза юритиш, муомалани таҳлил эта олиш хулоса чиқаришга, баҳо беришга ўргатади

РОЛЬ	АУДИТОРИЯ	ШАКЛ	МАВЗУ
УАШ	ҚВП, ОП	Қориндаги оғриқ	Бачадондан ташқари ҳомиладорлик
Гинеколог	Гинекология бўлимида		Бачадон миомаси асоратланганда
Хирург	Шифохонада		Тухумдон кистаси оёқчасини айланиб қолиши
Тез ёрдам шифокори	Уйда		Тухумдон апоплексияси

Акушерлик ва гинекология фани “Бачадон миомаси” мавзуси бўйича замонавий интерфаол услублардан - синквейн, Т-схема, ассесмент, ротация усулларини ҳам кенг қўллаш мумкин.

“Синквейн” (5 қатор) техникасини қўллаш. Мақсад – ўрганилаётган объектга характеристика бериш. Синквейн схемаси:

1-қатор – тушунча: Миома


2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 та сифат: оғриқли, қонли

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл: қон йўқотади,

оғритади, оғирлаштиради.


4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат гап: Миома яхши сифатли ўсма.

5-қатор – 1-чи қаторда берилган тушунчанинг синоними: Профилерация.
Наъмуна: Бачадон миомаси касаллигига тузилган “Синквейн”



Бачадон миомасини хирургик даволашни Т – схемани қўллаш

Ротация усули ёрдамида фикрни баён этиш бу усул мавзунини кичик гуруҳлар билан алоҳида ва бутун гуруҳлар билан таҳлил этишига асосланган. Хар бир кичик гуруҳ 30 минут давомида 3 та топшириқни таҳлил этади, кейинги 15 минутда ҳамма биргаликда таҳлил қилади. Аудиторияга бир неча нашрланган топшириклар осиб чиқилади. Хар бир кичик гуруҳ (2-3 киши) 10 минут давомида муҳокама қилиб ўз вариантларининг жавобини ёзиб оладилар, кейин бошқа топшириққа ўтадилар ва шу тарика давом этадилар. Хар бир гуруҳ ўзини рангли фломастерини олади. 1-гуруҳ – кўк, 2-гуруҳ – қора, 3-гуруҳ – яшил. Хар бир қоғоз уччала фломастер билан белгиланган бўлиши керак. 10 минутдан кейин топшириклар алмаштирилиб, 1-гуруҳ – 2 топширикни, 2-гуруҳ – 3, 3-гуруҳ – 1 топширикни бажаради. Гуруҳ ўзидан олдинги гуруҳ берган жавобларни ўқиб, қўшимча киритади. Бунда такрорий жавоблар бўлмаслиги керак. Яна 10 минутдан кейин кейинги топшириққа ўтадилар ва ўқийдилар, ўзларининг жавоблари билан тўлдирадилар. 15 минутдан кейин таҳлил қилинади. Оптимал жавоб топилиб, дафтарга ёзилади.



Гуруҳларда топшириқларни алмашиниши

Хулоса. Инновацион ўқитиш усулларини қўллаш меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжи шароитларида талабаларни тайёрлашда айниқса катта аҳамиятга эга бўлади. Инновацион усуллар талабаларга янги билимларни олишни фаол усулларини ўргатади, ижтимоий

фаолиққни энг юқори даражасини эгаллашга имкон беради, янада талабаларни ижодий лаёқатлигини кучайтиради ва ўқиш жараёнини кундаликли ҳаётий тажрибага яқинлаштиришга ёрдам беради.

ТАЪЛИМ ОЛИШ ВА ДАРС БЕРИШ ЖАРАЁНИДА МЕССЕНДЖЕРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН АҲАМИЯТИ

Оралов Б.А., Эгамбердиева С.М.,
Миркомиллов Э.М., Имомалиева К.М.

Замонавий технологиялар ҳаётимизга жадаллик билан кириб келди. Хар бир интеллектуал ривожланган инсон рақамли технология ва интернетсиз кундалиқ ҳаётини тасаввур эта олмаслиги ойдинлашиб бормоқда. Илм олиш мобиллашиб бораётган бугунги кунга келиб ўрганиш истагида бўлган хар бир шахс олдида улкан имкониятлар эшиги очилмоқда. Улардан бири масофавий таълим, онлайн вебинар ва семинарларни мисол сифатида кўрсатишлик мумкин.

Ҳозирда таълим тизимини бир нуқтадан туриб, кенг қамраб олаётган янги технология бу телеграм бот ва каналлардир. Телеграм – кроссплатформли мессенджер, яъни турли форматдаги медиафайлларни ўзаро алмашиниш функциясига эга энг қулай дастур бўлиб ҳисобланади. Мисол учун 2018 йилнинг март ойида 200 миллион нафар истеъмолчи уни танлаганлиги аниқ бўлди. Ўз ишида бошқа серверлардан фойдаланиши, махсус чат-ботларни яратилиши эса унинг ишлаш тезлигини беқиёс даражага олиб чиқди.

Унинг ютуғи вақтни тежашлиги, бошқа интернет браузерлар ёрдамида фойдаланмаслиги, робот сўзидан олинган бот дастурларнинг интернетдаги барча маълумотларни ўзида қамраб ололганлиги, функциясининг тун-у кун бажарилиши, фойдаланувчининг исталган сўровига қисқа вақт ичида жавоб олишлиги, таълим олиш жараёнини самарадорлигини оширишидир.

Дарс бериш жараёнида талабанинг ҳаёт тарзи, у қизиққан соҳалар, дарслардан кейинги бандлиги, қўшимча дарсларга бориши, дарслардан сўнг ишлаши, кутубхоналарда адабиётларнинг камлиги ҳисобга олинса, талабага берилган вазифалар ўз вақтида бажарилмаслиги эҳтимоли юқори. Буларни инобатга олган ҳолда Тошкент тиббиёт академияси Офтальмология кафедраси томонидан махсус бот платформаси ишлаб чиқилди.

Телеграм бот лойиҳасининг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат:

Исталган жойда талаба Офтальмология фани учун махсус ишлаб чиқилган телеграм бот иловаси орқали ўқув режа ва ишчи дастур асосидаги керакли мавзуни

интернет тармоғига уланиб бир марта юклаб олиб, ўқиши, эшитиши, бу мавзуга оид видеолархаларни ортиқча ҳаракатларсиз тез фурсатда кўра олиши мумкин.

Диктор томонидан ўқиб берилган мавзулар аввал ёзиб олиниб, овозли файллар кўринишида ботга юкланади. Талаба иш билан банд бўлган вазият ёки бўш вақтида, жамоат транспортида кетаётган вақт давомида вазифа қилиб берилган мавзунини эшитиши мумкин.

Бир марта юклаб олгач, кейинчалик интернет тармоғига уланмаган ҳолатда ҳам бу ишларни амалга ошира олади.

Ботга бириктирилган интернет саҳифалардаги офталмология фанига оид дунёдаги энг сўнгги маълумотлар, мақолалар, видеолар автоматик тарзда администратор иштирокисиз ботда ёритилиб борилади.

Дарс берувчи профессор – ўқитувчининг ҳар сафар бажарадиган кунлик иш ва вазифаларининг алгоритмга солиб, дарсни олиб бориш жараёнини автоматизациялаштириб беради. Бу билан дарснинг муайян бир эътиборга молик жиҳатларига урғу бериш учун ўқитувчида кўпроқ вақт қолади.

Лойиҳани кенг қамровли амалга оширишнинг асосий босқичлари:

Ҳар бир таълим юртидаги кафедра телеграм тармоғида ўз ботини яратади;

Талаба таълим олиши ва ўз устида ишлаши учун зарур бўлган барча дарсликлар электрон шаклда мавзулар асосида кафедра ботига жойлаштирилади;

Ҳар бир мавзуга оид видеолархалар манзили ва овозли матн тегишли мавзуга бириктирилади;

Ботнинг манзили талабаларга берилади. Бу билан талаба фан бошланмасидан ва унга келмасдан туриб олдиндан вазифаларни билиши, уларга тайёрланиб келиши имкониятига эга бўлади.

Айниқса тиббиётга қизиққан ёши катта ёки ҳаракати чекланган, ногирон инсонлар ўзлари учун қизиқ бўлган маълумотларни профессионал кўринишда масофадан туриб ўрганишлари мумкин.

Телеграм ботларнинг афзаллиги шундаки, бу роботлар сиз олдиндан юклаб қўйган вазифаларингизни, фойдаланувчи талабига кўра мулоқот ойнасига тез фурсатда чиқариб бера олади. Унда сиз сўровномалар ўтказишингиз, кунлик тест имтиҳонларининг бир вақтнинг ўзида барча талабалардан олишингиз, янгиликларни таълим олувчиларга бирваракайига етказишингиз, олдиндан киритилган мавзуларингизни янгилаб боришингиз, қўшимча маълумотларни исталган вақтда киритишингиз, ҳар бир талабани билим олишининг масофавий назорат қилишингиз мумкин.

Ботни яратиш қўйишнинг ўзи етарли эмас. Замонавий талабларга кўра уни мукамаллаштириш, тўлдириш, синаш, янги стратегия ва алгоритмлар ишлаб чиқиш керак бўлади.

Ҳозирда интернет тармоқларида керак ва кераксиз маълумотлар хаддан ортиқ кўп бўлиб, изланувчининг вақтини олади. Ботлар эса олинаётган билим миқдори ва сифатини ошириб, замонавий, ўз жонли харитасига эга онлайн кутубхона вазифасини бажаради. Сабаби уларга олдиндан ўқилиши лозим бўлган сараланган маълумотлар жойланади. Талаба бир вақтнинг ўзида бир нечта ўқув адабиётида берилган бир хил мавзуларни ортиқча ҳаракатларсиз юклаб олиб, уларни ўқий олади.

Яратилган ботнинг ютуғи шундаки онлайн публикациялар сервисини

ҳисобланадиган телеграф платформасидан самарали фойдаланганлигидадир. Бунда танланган меню ёки мавзулар фойдаланувчига доимо аниқ, қулай кўринишда етказилиб берилади. Яъни «instant view» (зудлик билан кўриш) функцияли тугмани босган холатда, талаба олдида китоб саҳифаси юзага келади. Бу мавзу ёритилган саҳифани кейинчалик офлайн режимида ҳам ўқишлик мумкин.

РОЛЬ И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИННОВАЦИИ В ПРЕПОДАВАНИИ ПРЕДМЕТА МЕДИНСКОЙ РАДИОЛОГИИ

Исмаилова М.Х.

Современная педагогика как наука находится в процессе постоянного развития: по мере изменения роли человека в культуре, экономике и во всех сферах общественных отношений, изменяются и цели, которые ставит перед собой образование, совершенствуются педагогические приёмы, появляются новые методы обучения. Перестройка системы образования предъявляет новые требования к личности педагога, методам и технологии преподавания. Специфические особенности современного высшего образования оформили проблемное обучение в отдельное направление педагогики высшей школы как творческого процесса в виде решения нестандартных научно-учебных задач, в ходе которого обучаемые студенты получают и усваивают новые знания, умения и навыки.

Направление Медицинская радиология в последние 30 лет стало бурно развиваться в связи с появлением методов исследования как Цифровой рентген, УЗИ, УЗДГ, МСКТ, МРТ, ОФЭКТ, ПЭТ, ПЭТ-КТ, ПЭТ-МРТ.

Визуальное изучение результатов исследования. В этом плане мультимедийные лекционные и практические презентации трудно переоценить.

Представленные рентгенограммы, сонограммы, КТ и МРТ граммы, изображения ПЭТ-КТ грамм помогают студентам лучше освоить предмет и выбирать дальнейшую тактику лечения. Мультимедийные презентации периодически обновляются новыми данными, полученными через глобальную сеть Интернета (монографии, статьи, тезисы, материалы конференций).

Практические занятия также являются важнейшей составляющей в преподавании предмета. Студентам в начале учебного года представляются УМК, календарный план занятий и список тем с пошаговым выполнением практических навыков на каждом практическом занятии. Согласно Положению «О Рейтинге оценки знаний студентов» ТМА, оцениваются теоретические знания и практические навыки по 50% каждый (оценка теоретических знаний складывается из 10% за конспект и 40% за устный ответ).

Для лучшего овладения практическими навыками на кафедре имеются электронные книги, электронные снимки и диски на котором записаны снимки исследований по теме занятий.

Таким образом, преподавание предмета Медицинская радиология позволяет сформировать у студентов базовые профессиональные компетенции врача, которые являются совокупностью знаний, умений и навыков, направленных на личностное и профессиональное совершенствование.

ИНОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В КООПЕРИРОВАНИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА ФИЛИАЛОВ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Охунов А.О., Раззаков Ш.Р., Худайбергана Н.Ш.

Модернизация системы образования в Узбекистане ставит задачу внедрения инновационных методов обучения и ориентирована на реализацию высокого потенциала компьютерных и телекоммуникационных технологий, в том числе дистанционных образовательных технологий при опосредованном (на расстоянии) взаимодействии студента и преподавателя. Широкое внедрение методов и технологий систем дистанционного образования в Узбекистане регламентируется государственными образовательными программами. С государственной точки зрения, главное преимущество дистанционного обучения, состоит в том, что оно одновременно способствует как повышению эффективности образовательных систем, так и снижению расходов на их содержание.

Одним из эффективных и популярных инструментов системы дистанционного образования являются вебинары, т.е. Интерактивные семинары, проводимые через сеть Интернет, позволяющие привлекать к преподавательской деятельности специалистов самого высокого уровня, что делает доступным получение качественных знаний для очной и заочной формы обучения.

Анализ опыта проведения вебинаров позволяет выявить ряд проблем, влияющих на эффективность их использования в процессе обучения: технические (прежде всего низкое качество каналов связи, скорость Интернета); мотивационные, психологические (готовность к освоению новых средств информационно-коммуникационных технологий); организационные (наличие организационных условий для проведения и участия в вебинарах); компетентностные (уровень ИКТ компетентности специалистов системы образования).

В целях минимизации рисков, обусловленных данными проблемами, в деятельности учебных заведений необходимо предусмотреть три модели реализации вебинаров: индивидуализированная, сетевая и смешанная.

Проведенный анализ показал, что сущность вебинаров в кооперировании образовательного процесса с филиалами Ташкентской Медицинской Академии определяет ряд их преимуществ: оперативность, доступность, мобильность, интерактивность, удобство, информативность.

Среди возможных факторов, снижающие эффективность их использования следует выделить в первую очередь, такие как технические (низкое качество каналов связи, скорость Интернета) и мотивационные, психологические (готовность к освоению новых средств информационно-коммуникационных технологий). Следует отметить и об организационных проблемах (наличие организационных условий для проведения и участия в вебинарах), компетентность (уровень ИКТ-компетентности специалистов).

В целях минимизации рисков, обусловленных данными проблемами, нами выдвигаются нижеследующие рекомендации:

1. Применяя дистанционное обучение, рекомендуется использовать практически все элементы педагогической и технологической линии:

мотивационно-установочный, информационный, объяснительный (объяснительно-консультационный), контролирующий, корректирующий и т.д.

2. При составлении календарно-тематического плана вебинаров рекомендуется предусматривать несколько моделей их реализации: индивидуализированные, сетевые и смешанные (с тьюторским сопровождением в филиалах ТМА).

3. При реализации задачи обеспечения качества образовательного процесса лекции, в режиме on-line, рекомендуется организовывать строго по проблемным темам с участием ведущих педагогов, т.е. реализовывать объектно-ориентированное обучение на основе современных средств информационно-коммуникационных технологий.

4. Важная особенность вебинаров заключается в том, что они могут быть «встроены» в календарно-тематический план занятий как в виде on-line общения преподавателя и студента на вебинаре, так и в виде качественного контроля за самостоятельной работой студентов с помощью системы дистанционного образования.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ НОВОЙ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА ДЛЯ СТУДЕНТОВ 1 И 3 КУРСОВ ПО ПРИНЦИПУ «ДЕНЬ ХИРУРГИИ»

Охунов А.О., Атаков С.С., Косимов У.К., Хамдамов Ш.А.

Во всех медицинских вузах нашей Республики, выпускающих специалистов с дипломом «лечебное дело», принята единая система подготовки по хирургии. На 1-м курсе преподается новый предмет «Ведение в клинику», который состоит из 4-х блоков: «Введение в хирургическую клинику», «Введение в терапевтическую клинику», «Введение в педиатрию» и «Введение в клинику детской хирургии». Студенты на первом курсе должны научиться общению с больными, ознакомиться с общими принципами работы, с самой обстановкой хирургического стационара. На третьем курсе в 5-6 семестрах студенты изучаются «общую хирургию». В этом курсе они знакомятся с хирургической инфекцией, мерами ее профилактики и борьбы с ней, принципами обследования хирургических больных, диагностической и лечением повреждений, кровотечения, различных ран, изучают основы травматологии, анестезиологии, онкологии.

Весь учебный процесс складывается из различных образовательных блоков и основан на принципе единого «дня хирургии». Работа начинается с чтения лекции по проходимой теме и продолжается в двух основных направлениях – теоретическом и практическом в соотношении 50/50. При этом важным атрибутом такого подхода является продолжение учебного процесса в производственную практику, которая основана на применении традиционного принципа «обучению у постели у больного».

Учебный процесс организуется на основании единой методической системы, где конкретизированы цели и задачи каждого занятия, составлены хронологические карты проведения занятия и ориентировочные основные действия преподавателя и студентов. Главной задачей, на которую делается

акцент, является конечная результативность проведения занятия – что именно студенты должны уметь выполнить в конце отдельного занятия. Эта задача достигается не только аудиторным образовательным процессом, но и посредством уделения особого внимания самостоятельной работе студентов как в клинике, так и вне ее стен. Важную роль в процессе обучения играют этические аспекты взаимоотношений преподавателя и студента. Аккуратный внешний вид, последовательность изложения материала, тактичность и корректность во время общения с пациентом, совместная «обучающая» работа в перевязочной, операционной повышают эффективность обучения.

Теоретическая часть занятия включает применение специальных электронных учебных пособий с фотографиями и видеоматериалами операций изучаемой нозологии, самостоятельную работу студентов с литературой виртуальной библиотеки кафедры, у постели больного, разбор клинических случаев в условиях учебной комнаты, освоение навыков методом «друг на друге» и на фантомах, создаются ситуации, приближающие студента к практической клинической ситуации, создается имитация участия в лечебно-диагностическом процессе.

При работе в перевязочной используются классические методы обучения практическим навыкам, однако педагогический процесс в условиях операционной имеет свои особенности. Так, во время выполнения эндовидеоскопических оперативных вмешательств, когда, благодаря монитору, есть возможность адекватной визуализации хода операции, разъяснительное общение со студентами проводится на протяжении всей операции.

Таким образом, руководящую роль в активном участии студентов в клинике, их постоянном общении с пациентами и медицинским персоналом занимает преподаватель. Именно на него возлагается ответственность в ознакомлении студентов с деонтологическими принципами поведения в клинике, что позволяет избежать неприятных ситуаций. Мы считаем, что только под чутким контролем преподавателя возможно участие студента в перевязках больного или в качестве второго ассистента на операциях.

ТИББИЙ-БИОЛОГИЯ ТАЪЛИМ ДАСТУРИДА ХИРУРГИЯ ФАНИНИНГ ЎЎИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Охунов А.О., Бобабеков А.Р., Моминов А.Т., Ешниязов Ж.Н.

Клиник ва экспериментал хирургия фани тиббиёт олийгоҳлари тиббий биология иши факультетининг 3-4 курс талабаларига ўқитилади. Клиник ва экспериментал хирургия - умумий тиббий-биологик фанидир. Унинг умумий биологик мохияти шундан иборатки, экспериментал хирургия йўналишида хайвонларда хирургик усул билан патологик жараёнларни моделлаш ва уларни кечиши умумий биологик қонуниятларини ўргатади. Клиник хирургия эса, юқоридаги билимларни клиник амалиётга тадбиқ қилиш билан фарқланади.

Клиник хирургия асослари асептика, антисептика, қон кетиш ва уни тўхтатиш усуллари, трансфузиология ва хирургик операция асослари, шикастланиш ва хирургик инфекция асослари каби клиник мавзулар

ўзлаштиришга бағишланган. Экспериментал хирургия эса хайвонларда хирургик усуллар билан турли хирургик амалиётларни бажариш, экспериментал хирургияда огриқсизлантириш, операциядан сўнгги даврда экспериментал хайвонларни кузатиб бориш ва парвариш қилиш, экспериментал усул билан патологик жараенларни чақиришга бағишланган.

Юқорида кўрсатилган мавзуларни талабалар ҳар қандай хирургик бўлимга боришдан олдин билиб, ўзлаштириб олишлари мақсадга мувофиқдир, чунки клиник ва экспериментал хирургия фани нафақат хирургия соҳасида балки хирургияга ёндош фанлар ўзлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига аник талаблар қўйилган. Шунда талаба албатта хирургияни назарий ва услубий асосларини; хирург шифокорлар билан ҳамкорликда ташхис қуйишни; ташхислаш ва даволаш янги усулларини ишлаб чиқазиш; ташхислаш ва даволаш замонавий янги технология ва дастурларни ишлаб чикиб уларни амалиётга тадбик қилиш; тирик тизимларни текшириш коидалари ва усулларини, назария ва амалиётини, тиббий-биологик экспериментларни режалаштириш ва амалиётда қўллаш, кенг тарқалган хирургик касалликларни этиология, патогенез ва клиникасини, уларни олдини олиш ва даволаш усулларини; организм аъзолар тизимларини узаро боглик булган фаолиятлар, уларни текшириш учун эксперимент ва клиник шароитда ташхислаш жараёни учун услубий ёндошувларни; тиббиёт тизими ва хирургияда хужжатлар юрутилиши, хирургик асбоблар билан ишлашда техник хавфсизлик коидаларини билиши керак. Шу билан бир каторда, тиббий биология факультет талабалари Ўзбекистонда аҳолига хирургик ёрдам курсатиш тизимини ташкил қилишга; беморларни диспансеризация қилиш, операциядан сўнгги даврда реабилитация қилиш ва иш қобилияти тикланиш даражасини баҳолашга; бизнинг ва чет-эл давлатларида хирургик касалликларни ташхислаш ва даволаш янги усулларини ишлаб чиқишга қаратилган йуналишлардан; хирургик операцияларни бажариш усуллари, травматология, комбустология, маҳаллий ва умумий хирургик инфекция ва хирургик паразитология, онкология, гибрид ва робототехник операциялар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак.

Шундай қилиб, тиббий-биологик факультет талабалари «Клиник ва экспериментал хирургия» фанини ўзлаштириш натижасида бош мия, кўкрак қафаси ва қорин бушлиғи аъзолари шикастланишида, шок, қоллапс, қоқшолда хуружи ва бошқа критик ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш усулларини билиши ва улардан фойдалана олиши ва амалиётда асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш, уларни қўллаш усуллари (стерил халат ва қўлқоп кийиш, хирургик майдонга ишлов бориш, тоzza ва йирингли жароҳатларга ишлов бериш, стерилизация сифатини аниқлаш); тананинг турли соҳаларига юмшоқ боғламлар қўйиш; қон кетишни вақтинча ва батамом тўхтатиш усуллари; инфузион терапия, гемотрансфузия ўтказиш; беморларни хирургик операцияларга тайёрлаш каби амалий кўникмаларига ўзлаштириши керак.

ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИИ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС НА КАФЕДРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ-ОРТОПЕДИИ И ВПХ

Каримов М.Ю., Салохиддинов Ф.Б., Гулямов Ё.Б., Хамраев А.Ш.,
Назарова Н.З., Шодиев А.И., Асатуллаев Х.М.,
Мирзахмедов Ф.М., Толочко К.П., Саидносиров О.К.

С 2016 года в Республике Узбекистан коренным образом реформируется все отрасли экономики. Наибольшее внимание уделяется реформированию высшего образования путем повышения качества образования, разработки и внедрения инновации. На кафедре Травматологии-ортопедии и ВПХ активно разрабатываются (инновация) и воплощаются в учебный процесс новые технологии диагностики и лечения травм и заболеваний опорно-двигательной системы.

Цель: внедрение инновационных технологий в учебный процесс по специальности.

По предмету травматология и ортопедия выделено 45 часов практических занятий и 10 часов лекционных занятия. Во время практические занятия ведутся параллельно с курацией больных по тематике занятий. В ходе учебного процесса внедрена инновация по диагностике и лечению больных, в которых активно участвует студенты во время практического занятий: ЭОП, артроскоп, артропластика крупных суставов (коленный и тазобедренный), БИОС, чрескостный остеосинтез длинных костей и таза, диагностика и тактика лечения переломов костей на фоне метаболического синдрома (сахарный диабет, АД), артроскопическое лечение острых травм коленного сустава, диагностика и лечение хронических синовитов коленного сустава, хирургия кисти (диагностика и лечение травмы, последствий и заболевания кисти), травмы и патология плечевого сустава – занятие проводится 50% + 50%

Практические занятия заканчивается проведением OSCE, которые сдают экзамены по теоретическим знаниям и практическим навыками.

Таким образом, студенты бакалавриата 4 курса лечебного и медико-профилактического факультетов, в период практических занятий овладевают инновационными методами диагностики и лечения травм и заболеваний ОДА.

ОБУЧЕНИЕ НА ОСНОВЕ ОПЫТА - КАК ОДИН ИЗ МЕТОДОВ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАНИИ

Сидикходжаева М.А.

Инновационные методы обучения – это методы обучения, которые несут в себе новые способы взаимодействия «преподаватель – студент», определенное новшество в практической деятельности в процессе овладения учебного материала. Инновационное обучение включает активные методы и формы обучения, т.к. последние характеризуются динамичностью и стимулирование активной мыслительной и практической деятельностью. Профессиональное образование требует от обучаемых,

прежде всего, умения самостоятельно организовывать свою деятельность с учетом целостной структуры процесса обучения. Главной целью является вовлечение обучающихся в мыслительную деятельность. В этом случае восприятие содержания обучения происходит в процессе: «мышление – изучение проблемы – решение проблемы». Обучение приобретает деятельностный характер, акцент делается на обучение через практику. Принципами образования профессиональной подготовки должны выступать андрагогические принципы, которые предусматривают активную роль самого обучающегося.

С этой целью успешно внедрены интерактивные формы обучения – которые являются одним из важнейших направлений совершенствования подготовки студентов в современном ВУЗе. Основные методические инновации связаны сегодня с применением именно интерактивных методов обучения. Учебный процесс, опирающийся на использование интерактивных методов обучения, организуется с учетом включенности в процесс познания всех студентов группы без исключения. Совместная деятельность означает, что каждый вносит свой особый индивидуальный вклад, в ходе работы идет обмен знаниями, идеями, способами деятельности. Организуются индивидуальная, парная и групповая работа, используется проектная работа, ролевые игры, осуществляется работа с документами и различными источниками информации.

Создается среда образовательного общения, которая характеризуется открытостью, взаимодействием участников, равенством их аргументов. Инновационные методы обучения способствуют появлению и развитию активных методов, обусловленных тем, что перед обучением встали новые задачи: не только дать учащимся знания, но и обеспечить формирование и развитие познавательных интересов и способностей, творческого мышления, умений и навыков самостоятельного умственного труда.

Если раньше знания, полученные в школе, техникуме, вузе, могли служить человеку долго, иногда в течение всей его трудовой жизни, то в век информационного бума их необходимо постоянно обновлять, что может быть достигнуто в основном путём самообразования, а это требует от человека познавательной активности и самостоятельности. Познавательная активность означает интеллектуально-эмоциональный отклик на процесс познания, стремление учащегося к учению, к выполнению индивидуальных и общих заданий, интерес к деятельности преподавателя и других учащихся. Одним из вариантов интерактивного метода является - Обучение на основе опыта, т.е. активизация познавательной деятельности студента за счёт ассоциации их собственного опыта с предметом изучения.

Обучение – это циклический и кумулятивный процесс постоянного обновления и расширения знаний. Цель обучения состоит из изменения поведение так, чтобы обучаемый мог действовать более успешно. Различают осознанное обучение и неосознанное обучение: Осознанное обучение обычно называют обучением при помощи образования. Осознанное обучение обычно более успешно и лучше развивает способности, чем неосознанное, потому что предоставляет больше возможностей для контроля над процессом. Неосознанное обучение – обучением на основе опыта, которое носит

циклический характер. Здесь опыт приобретается через деятельность – действия, которые дают новые знания. Эта форма обучения также крайне важна, о чем свидетельствуют приведенных ниже данные: после того как студент прочитал материал - запоминает 10%; после того, как услышат - запоминают 20%; после того, как увидят запоминают 30%; после того, как увидят и услышат, запоминают 50%; после того, как студенты выполняют навык сами запоминают 90%. Оптимальное обучение возникает тогда, когда у обучающихся появляется возможность действовать.

Таким образом, при обучении на основе опыта, восприятие содержания обучения происходит в процессе: «мышление – изучение проблемы – решение проблемы». Обучение приобретает деятельностный характер, акцент делается на обучение через практику.

ОТМ ЎЎУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАТИЖАСИНИ БАЎОЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Хакимов М.Ш., Ирназаров А.А.

Жаҳоннинг барча олий таълим муассасаларида олий таълим сифати, яъни сифатли кадрлар тайёрлаш ҳамма вақт ҳам долзарб масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Сифат масаласи, айниқса, ХХ асрнинг охири ва ХХІ асрнинг бошларида яна ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб глобаллашув жараёнларининг ривожланиши натижасида, ахборот-коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим тизимида ҳам замонавий технологияларнинг жорий этилиши, тизимнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши, меҳнат унумдорлигининг оширилишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Таълимни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнлари олий таълим тизимида, айниқса, яққол намоён бўлади. Бу ерда дарс бериш жараёнида янги технологиялар таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда жорий этилади. Ўз-ўзидан равшанки, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг зарурий омили ҳисобланиб доимий характерга эга. Бу жараёнда олий таълим сифатини таъминлаш жараёнларига илғор хорижий тажрибалар ва модулларни татбиқ этиш муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Шу билан бирга ахборот-технологияларнинг кенг жорий қилиниши мамлакат иқтисодиётини ўсишига ҳам замин яратади. Ҳозирги кунда “жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотига ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёд, Швецияда 7 фоизни, Америка Қўшма Штатларида эса 6,8 фоизни ташкил этади”.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қатор қарорларининг қабул қилиниши Республика таълим тизимида муҳим воқеа бўлиб ҳисобланади. Бу ҳужжатларда республика таълим муассасаларида юқори малакали, билимдон кадрлар тайёрлашнинг усул ва йўллари, босқичлари аниқ белгилаб берилган ва улар таълим соҳасида

амалга ошириладиган ислохотларнинг амалий дастурлари ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида таълим тизими сифатини оширишга хизмат қилади. Юкоридагиларни инобатга олган холда биз талим сифатини оширишда қуйдаги инновацион ендашувни таклиф қиламиз:

Олий таълим тизимида ўқув жараёнига интернет технологиялари асосида оммавий онлайн очик курсларини кенг жорий этиш ва янада ривожлантириш лозим.

Республикамизда Blended learning асосида олий таълим тизимини ташкил этишни йўлга қўйиш, такомиллаштириш, оммалаштириш, аралаш таълим бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда аралаш таълим миллий модели ишлаб чиқиш зарур.

Профессор-ўқитувчиларни таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича таълим муассасасида ўқув-семинарлар ташкил қилиш (бу бўйича керак бўлса бошқа етакчи олий таълим муассасаларидан мутахассисларни жалб қилиш).

Фанларни ўқитиш бўйича хорижий давлатларда олиб борилаётган жараёнлар билан мунтазам танишиб бориш ва таълим муассасаларига жорий қилиш.

Талабаларни интернет ва интеранет муҳитида биометрик усул асосида идентификациялаш орқали назорат ишини ва давоматни ташкиллаштириш имкониятини берувчи дастурни бошқа ОТМларга жорий этиш.

Лойихада таклиф этилган биометрик маълумотларга асосланган электрон деканат тизимини ананавий таълим жараёнини ташкил этишда жорий этиш ва электрон йўқлама тизими билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан таклиф этилган электрон журнал тизими билан ўзаро интеграциясини йўлга қўйиш зарур.

ТИББИЙ-ПРОФИЛАКТИКА

ФАНЛАРИ СЕКЦИЯСИ

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚУЛЛАШ

Абдукахарова М.Ф., Матназарова Г.С., Мустанов А.Ю.

Эпидемиология фани тараққиётининг устувор йўналишларини ёритиш, ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар қўлланилишини ўрганиш, ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи, маъруза матни, фан юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар, назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар, мавзулар юзасидан тақдимотлар намойиш этилиши, шунингдек. хулоса ва тавсиялар берилиши ушбу фанни ўқитишда инновацион илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларни амалиётда қўлланиш даражасини таҳлил қилиш ҳамда унга баҳо беришга имкон яратади. Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедия воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш.

Талабаларнинг билим даражаси ўқитиш бўйича дунёдаги илм фан ва амалиёт талаблари даражасига мос келишини таъминлашда замонавий шъитиш моделларидан унмли фойдаланиш шта муҳим ахамиятга эга. Ўқув жараёнини ташкил этишда компьютер технологияларидан «Интернет» ахборот базасидан фойдаланиш, шунингдек услубий, аудио ва визуал қўлланмалар бўлишига эътибор бериш даркор. Мавзуни кенг ёритиш мақсадида: “Кластер”, “ФСМУ”, “SWOT”, “Инсерт” каби илғор педагогик технологиялар ва “Конференция”, “Чархпалак”, “Вазиятли масалалар” “Ақлий ҳужум” каби дидактик ўйинлардан фойдаланилади. Эпидемиология фанининг танлаб олинган мавзуларига тузилган режалар асосида Б.Б.Б билим таксономияси категорияларини қўллаб ўқув мақсадлари аниқланди, ҳамда улар жадваллар шаклида келтирилди. Таълим олувчи билиминини ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат қилиниши мақсадида ўқув материалларига оид назорат саволлари тузилди. Мавзуни кенг ёритиш мақсадида: “Кластер”, “ФСМУ”, “SWOT”, “Инсерт” каби илғор педагогик технологиялар ва “Конференция”, “Чархпалак”, “Вазиятли масалалар”, “Ақлий ҳужум” каби дидактик ўйинлардан фойдаланилди. Янги педагогик технологияларни қўллаган холда талабаларни ўқитиш, яъни дарс жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда улар билиминини назорат қилишда; қадамба-қадам, ОСКЕ назорат усуллари ва х.к бўлишига эътибор бериш муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Ушбу модел вужудга келтирган илмий техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишда юқори малакали иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади.

Бу мамлакатимизнинг жаҳондаги иқтисодий ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришинг зарур шарт ва мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ

Искандарова Г.Т.

В последние годы в стране осуществляется целенаправленная широкомасштабная работа по модернизации и преобразованию системы высшего образования, внедрению в неё современных форм и технологий обучения. Проведение практического занятия с использованием инновационных технологий играет большую роль и придаёт занятию хороший эффект для усвоения студентами темы. Для занятия, в зависимости от темы, преподаватель должен подготовить и показать высокую эффективность использования инновационных технологий. Во время занятия преподаватель демонстрирует свой инновационный опыт, реализацию методической идеи, применения методического приема или методы обучения. Сотрудники, имеющие высокий уровень научно - методической подготовки и обеспечивающие высокую эффективность инновационной технологии в процессе обучения могут являться примером для молодых преподавателей.

Для подготовки квалифицированных специалистов необходимо иметь знания не только теоретического аспекта, но и уметь применить эти знания на практике. Например, методика использования кейс метода в изучении охраны воды водоёмов преподаватель должен использовать современную информацию, подобрать материалы из периодической, научной и методической литературы, использовать результаты посещения методических конференций. Необходимо отметить информационно-методическое обеспечение кафедры для организации учебного процесса, которая имеет немаловажное значение. Различные виды представления информации подразумевает применение аудио-, видео-, графической информации, схем, чертежей. В ходе практических занятий проводится демонстрация практических навыков, студенты осваивают выполнение практических навыков по шагам с помощью компьютерных видеороликов. Для закрепления теоретических знаний, усвоения практических навыков используются раздаточные материалы на трёх языках.

Использование при проведении занятий раздаточных материалов позволит сформировать и развить профессиональные навыки. На кафедре оснащена специально оборудованная аудитория для проведения инновационных методов обучения. Одной из технологий является применение специальной магнитной доски для самостоятельного теоретического закрепления выполнения практических навыков по шагам.

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ

Маматкулов Б.М., Авезова Г.С.

Ҳозирги кунда дунёда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Чунки юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж

кундан кунга ортиб бормоқда, янги касблар пайдо бўлмоқда, аммо ҳозирги кунда иш берувчиларни мутахассисларни тайёрлаш жараёнида олган билим, кўникма, малаклари қониқтирмапти. Шу билан бир қаторда тегишли ахборотлар миқдори кескин ошиб бормоқда. Ҳозирги илмий техник тараққиёт даврида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам таълим сифати ва самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда олий таълим жараёнида дарслик ахборот узатишнинг асосий воситаси ҳисобланмоқда. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун компьютер-технологиялардан кенг фойдаланилмоқда: турли ўқув, ўқув-услубий материаллар, вазиятли масалалар ва лаборатория ишларини бажариш компьютер технологиялари орқали амалга оширилмоқда. Библиотекаларда дарсликларнинг электрон нусхаларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Электрон нусхаларни тайёрлашнинг бирдан бир ютуғи – унинг арзонлиги (типографик ҳаражатнинг йўқлиги), тарқатишнинг (интернет тармоқлари орқали) ва маълум атамаларни излашнинг қулайлигидир.

Таълим самарадорлигини ошириш шаклларида бири – электрон дарсликларни яратиш ҳисобланади. Электрон дарслик (ЭД) бу – алоҳида фанни ўрганишнинг комплекс ахборот услубий ва дастурий воситаси бўлиб, у билимни текшириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби масалалардан иборат бўлиб, улар қайта боғланишни таъминлайди. ЭД қуйидаги асосий педагогик вазифаларни бажаради:

- Фан, унинг асосий тушунчалари ва структураси билан бирламчи танишиш;
- Фаннинг турли даражада чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш;
- Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолаш;
- Маълум фаолият тури бўйича қобилиятни тараққий эттириш;
- Билим ва кўникмаларни қайта тиклаш.

Электрон дарсликлардан таълимнинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин: мактабларда, лицейларда, коллежларда, институт ҳамда малака марказларида. Шунинг учун ҳам кўп мамлакатларда, айниқса Европа давлатларида ва АҚШда электрон дарсликлар яратилмоқда (Dukulis, 2004, Mathye, 2004, Л.В. Зайцева, В.Н. Попко 2006).

Ҳозирги даврда электрон дарсликларнинг 2 хил тури мавжуд: интернет муҳитида (интранет) ва компакт дискларда. Ушбу электрон дарсликларни умумий ва бир-биридан фарқ қилувчи жихатлари мавжуд. Иккала ҳолатда ҳам шахсий компьютердан фойдаланган ҳолда исталган жойда ва исталган вақтда электрон дарсликлардан фан бўйича билимларни олиш мумкин. Аммо интернет муҳитида мавжуд бўлган ЭД бир қатор афзалликларга эга. Ундан бир вақтнинг ўзида кўплаб талабалар фойдаланиши мумкин. Ўқитувчи эса талабалар фаолияти натижалари билан танишган ҳолда, ўқув жараёнини оптималлаштириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиши мумкин.

Электрон дарсликларнинг иккала тури ҳам талабалар учун фойдали. Ривожланган мамлакатларда электрон дарсликлар тайёрлашда интернет тармоғидаги сайтлардан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирда, кўпгина электрон дарсликлар маълум мантиқ асосида тузилган сайтларни эслатади. Бугунги кунда бундай электрон дарсликларни яратиш анча аҳамиятли ҳисобланади.

Биринчидан, электрон дарсликдан фойдаланувчи учун катта қулайликлар мавжуд. Иккинчидан, дастурчилар электрон дарсликни яратгандан кейин улар учун бу иш таниш бўлиб қолади, қайта бажариш осон бўлади. Учинчидан, электрон дарсликлардан фойдаланишни қулай қилиш учун электрон дарсликларни яратишда сайт яратувчилар таклиф этган қоидалардан фойдаланиш мумкин. Барча маълум сайт турларида электрон дарсликлар кўпроқ “сайт-буклет”ни эслатади. Бундай сайт-буклетлар бир неча бўлимлардан иборат бўлиши мумкин. Бизнинг назаримизда уларни қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин: бош саҳифа, матн, назорат саволлари, глоссарий, персоналий, манбалар, муаллифлар, тестлар, презентацион материаллар, видео-аудио материаллар.

Электрон дарсликнинг асосий хусусиятларидан бири унинг барча қисмларининг бир-бирига узвий боғлиқлиги. Дарсликнинг маълум бир қисмидан тезда иккинчи бошқа қисмига ўтиш имконияти мавжуд. Масалан, ўқувчи дарсликнинг асосий матни билан таниша бориб, ундаги маълум бир атама билан қизиқиб қолди. Шунда ўқувчи сичқончани ушбу атамага босиб, китобнинг глоссарий қисмига ўтади. Ўзи қизиққан атаманинг мазмуни билан қизиққанда у ушбу атаманинг муаллифини аниқлайди ва муаллифнинг фамилиясига сичқонча билан босиб персоналий қисмига, кейин эса манбаларга ўтади.

Электрон дарсликлар offline ва online режимида қайта боғланишни ташкил этиш имкониятини яратади. Электрон дарсликларни ўқув жараёнида қўллаш талабаларнинг фаоллигини оширади, ўз билимини ошириш учун қизиқиш (мотивация)ни шакллантиради. Бўлажак мутахассисларда ўзини ижодий намоён этиш учун қулай шароит яратади, таълим субъекти билан коммуникатив боғланишда юзага келадиган психологик муаммоларни бартараф этади.

Юқорида эслатиб ўтилган тавсияларни инобатга олган ҳолда, электрон дарсликларни муваффақиятли яратиш имкониятлари туғилади.

Электрон дарсликларни баҳолашнинг асосий меъзонлари:

Қўллашнинг қулайлиги. Ҳар қандай ахборий-тизим учун ушбу мезон ўта муҳим ҳисобланади. Қўллай олишлик деганда, тизимнинг қанчалик фойдаланиш учун қулайлиги ёки интерфейс тизимининг соддалиги, улардан тез ва тушунарли керакли ахборотларни топиш имконияти.

Ўқишга қулайлик. Кўпгина тизимларда матндан ҳалигача кенг фойдаланилади. Шунинг учун ҳам матн, ўқиш учун жуда қулай оддий, содда ва раво ёзилган бўлиши керак. Бунда матннинг ўлчами, шрифти, ранги тўғри танланган бўлиши лозим.

Жалб эта олишлик. Жалб этишлик фақат мода орқасидан қувиш, ёрқинлик, ранг-барангликкина бўлмасдан, балки юқори даражадаги дизайн, интерфейсларни чиройли гормоник ҳамда фойдаланувчига ёқадиган тарзда яратиш деганидир.

Стилнинг бирлиги. Дизайннинг барча элементлари битта стилда бажарилган бўлиши керак. Улар бир-бирини тўлдириши, бир-бирига ўхшаши ва гармоник тарзда бир-бирини давом эттириши керак.

Мақсадга мослик. Ахборот тизимини тузишда асосий мақсад нимадан иборат эканлигига қараб, дизайнлар яратилиши лозим.

Шуни эсда тутиш лозимки, электрон дарсликни энг камида 3 та мутахассис яратиши керак: матн муаллифи, дизайнер, программист. Бизнингча, электрон дарсликни яратишда кафедра ходимларининг кўпчилигини жалб этиш мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда Тошкент тиббиёт академиясининг Жамоат соғлиғини сақлаш мактабида электрон дарсликлар яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса. Электрон дарсликлар, уларнинг аҳамияти шакллари ва уларни яратилишига бўлган талаблар ҳақида қисқача баён этар эканмиз, бизнингча Ўзбекистонда доктринал даражада электрон дарсликларнинг ягона стандартларини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, САМАРАДОРЛИГИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Маматкулов Б.М., Авезова Г.С.

Глобаллашув даврида таълим жараёнига анъанавий тушунчалар қаторига янги-янги воситалар кириб келмоқда. Ўқитиш ва таълим жараёни учун булар янгилик эмас. Ушбу иборалар ёнидан жой олган масофавий ўқиш, масофавий таълим ибораларининг кириб келиши таълим тизими такомиллашувини, яъни техника асрининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи кучга айланмоқда.

Ўқитиш – бу маълум бир мақсадга йўналтирилган тизимли билим ва кўникмалар билан қуролланган жараёндир.

Таълим – бу ўқитишнинг натижаси бўлиб, шахсиятни тарбиялаш ва ривожлантиришдир.

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

У таълиمولувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчининг қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим комплексидир.

Дарҳақиқат, масофавий ўқитишдан узлуксиз таълим тизимида қандай фойдаланиш мумкин, унинг қандай шакл ва моделлари мавжудлиги соҳа мутахассислариникизиқтиришимумкин. Инсоният йигирманчи асрнинг охирида анчагина муаммоларга дуч келдики, улар бевосита ахборот телекоммуникация соҳасидаги жиддий ўзгаришлар, хусусан, ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди.

Таълим, ишлаб чиқариш ва кишилиқ жамиятида янги ахборот коммуникация воситалари кириб кела бошлади. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, интернет глобал компьютер тармоғининг ривожланиши бутун дунё таълим тизимини такомиллаштиришнинг янги йўналишлари очилишига сабаб бўлди. Биринчидан, ўқув муассасаларининг техник таъминоти кескин ўзгариши, дунёвий ахборот ресурсларга кенг йўл очилиши ўқитишнинг янги шакл ва усулларида фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли – масофавий ўқитишнинг вужудга келишига омил бўлди. Шундай экан, масофавий ўқитиш – ўзаро маълум бир масофада интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари – мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар ва ўқитиш усулларига асосланган ўқитувчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат. Масофавий ўқитиш тизими – масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга. Масофавий ўқитишнинг педагогик технологиялари – танланган ўқитиш концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш методи ва услублар мажмуаси.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда олиб борилаётган таълим тизимининг ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган фаолиятларининг кенг йўлга қўйилганлиги ҳам барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимида кенг татбиқ қилинаётганлиги бугунга келиб, ўз самарасини бермоқда. Жумладан, республика тиббиёт олий ўқув юртларида масофавий таълимнинг йўлга қўйилиши тиббиёт кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хукуматимиз ва Президентимизнинг кўплаб қарор ва фармонларида алоҳида таъкидланадики, тиббиёт олий ўқув юрти педагогларнинг касбий маҳоратини кўтаришда узлуксиз таълимнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академияси Жамоат соғлиғини сақлаш мактабида масофадан ўқитиш учун зарур бўлган технология ва асбоб-ускуналар олинди ва интернет тармоғига уланиб, масофадан ўқитиш йўлга қўйилди. Бунда ЖССМ халқаро ҳамкорлари Сеченов номидаги 1-Москва Давлат тиббиёт Университети ва Қозон инуовацион Университети, Германиянинг Бонн Университети профессор ўқитувчилар билан биргаликда магистр талабаларга муаммоли маърузалар, мастер класслар ташкил этилмоқда.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Матназарова Г.С., Миртазаев О.М., Неъматова Н.Ў.

Ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг долзарблиги: Аввало, нега бугунга келиб педагогик технологияга қизиқиш шунчалик кучайди, деган савол туғилади. Чунки ҳозирги даврда таълим олиш жараёни технологияларни қўллашни тақозо қилади. Бу эса ўқувчиларга замонавий ахборотга эга бўлиш, бошқа тенгдошлари билан узоқдан туриб фикр амлашиш

имкониятини яратади. Инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим бериш талабаларни билимларни фаол ўзлаштиришига ўргатади. Ҳозирги кунда амалиётга кенг татбиқ қилинаётган технологиялардан бири бу инновацион технологиядир. Инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим бериш сифатияхшиланади.

Ҳозирги замон таълим тизими тиббий фанлар профессор-ўқитувчилари зиммасига алоҳида вазифа юклайди.

Инновация – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлиб, янгилик киритиш, яъни педагогик жараёнда талаба ва ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши, ўқув жараёнида интерактив усуллардан тўлиқ фойдаланишни ўз ичига олади. Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ҳўқитиш технологияси - ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутилаётган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, усул ва воситаларни оқилона танлаб олиш, профессор-ўқитувчи ва талабанинг вазифаларини ойдинлаштиришга қаратилган алгоритмик кетма-кетликдадир.

Эпидемиология фанини ўқитишда ҳам замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали талабаларнинг эпидемиология фани бўйича эгаллашлари зарур бўлган билимларни ўзлари қидириб топишга ва мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда олинган маълумотлардан ўзлари хулоса чиқаришга ўргатиб боради. Ушбу фанни ўқитишдан мақсад - эпидемиологиянинг умумий тиббиёт фани сифатида ва эпидемик жараённинг асосий қонуниятларини ўрганувчи фан сифатидаги назарий ва услубий асосларини билган ҳолда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини амалга ошириш учун эпидемиологик ташхис қўйиш усулларини ўзлаштирган, даволаш профилактика муассасаларда ва касаллик ўчоқларида, шунингдек экстремал шароитларда келиб чиқиши мумкин бўлган эпидемиологик вазиятларда профилактика услубларини қўллаш ҳамда эпидемияга қарши чора тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни мукамал эгаллаган бўлажак мутахассисни – ДСЭНМ шифокорларини мақсадга мувофиқ равишда тайёрлашни таъминлашдан иборат.

Эпидемиологияда инновацион педагогик технологияларни қўллашнинг асосий вазифаси таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни киритиш, жумладан у-бу вазифаларни ўқитишда талабанинг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шарт-шароитлар яратиш, уларда маълум кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташхислаш, талабалар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ҳамда баҳолашни ташкил этиш билан боғлиқ семинарлар, тренинглар, индивидуал маслаҳатлар бериш, кўргазмалар дарслар ташкил этишдир.

Хулоса: Эпидемиология фанини ўқитишда инновацион усулларни қўллаш таълим жараёнининг самарадорлигини кескин оширади. “Кластер”, “ФСМУ”, “SWOT”, “Инсерт” каби интерактив усулларни ва “Конференция”, “Чархпалак”, “Вазиятлимасалалар” “Ақлий ҳужум” каби дидактик ўйинларни қўллаш талабаларда ўтилаётган мавзуга қизиқиш, дарсларда уларнинг фаоллиги ошишига, ўз билимига

ишонч уйғотишга ёрдам беради.Талабаларда нутқ қобилиятини шакллантиришга ва уларда янги ғоялар пайдо бўлишига олиб келади.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Матназарова Г.С., Миртазаев О.М., Файзибоев П.Н, Расулов Ш.М.

Амалиётга янги ўқув режа, давлат таълим стандартлари ва дастурлар, дарсликларнинг янги авлодлари тақдим этилди. Шуларнинг давоми сифатида, бугун таълим соҳаси масъуллари олдида турган долзарб масалалардан бири педагогик технологиялар асосида, инновацион ёндашувлар орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Педагог ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимидан қатъий назар, таълим жараёнига қадам қўяр экан, педагогик - психологик билимлар, педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, педагогик маданият ва ўқитиш-ўргатиш услублари йиғиндиси бўлган зарур педагогик кўникмаларни эгаллаган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти "Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм фансиз тассавур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади" деб таъкидлаган эдилар.

Эпидемиология фанини ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш орқали талабаларнинг фан бўйича эгаллашлари зарур бўлган билимларни ўзлари қидириб топишига ва мустақил ўрганишига, таҳлил қилиш ҳамда олинган маълумотлардан ўзлари хулоса чиқаришига ўргатиб боради.

Инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим бериш талабаларга билимларни фаол ўзлаштиришга ўргатади. Илгари ўқитувчи ўқитишда асосий ўринни эгаллаб талаба эса бу жараённинг пассив иштирокчиси бўлиб келган. Шунинг учун ҳозирги пайтда илмий-техниканинг юксак даражада ривожланаётган даврига келиб, талаба ўзлаштириши зарур бўлган илмий ахборот ҳажмининг кескин ошиб кетиши инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим беришни тақозо қилади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Эпидемиология фани,объекти сифатида эса тиббий-профилактика йўналишининг талабалари.

Мисол тариқасида битта мавзуни келтирамиз:

Эпидемиология фаниниг "Ичак инфекциялари, вирусли гепатитлар эпидемиологияси профилактикаси ва эпидемиологик назорати" мавзусида "Заковат" ўйинини қўллаш.

"Заковат" ўйини

Мақсад: Таълим олувчиларни ўқув жараёнида мантиқий фикрлашга, ўз фикрларини мустақил эркин равишда баён этишга, ўзларини баҳолаш, яққа ва гуруҳларда ишлашга,бошқаларнинг фикрини хурмат қилишга ўргатади.

Афзаллиги: Ушбу ўйин қўлланилганда таълим олувчиларнинг ўтилган мавзуларни эшлашга,ўз-ўзини баҳолашга ўргатади.

Қўлланилиши: Мазкур ўйин ўқув машғулот давомида яққа,кичик

гуруҳ,жамоа шаклида амалга оширилади.

“Заковат” ўйини шартлари:

1. Талабалар 2-гуруҳга бўлинади, гуруҳларига ном қўйишади ва қўйган номларини таърифлайдилар ва балл оладилар.

1-чи гуруҳ номи “Эпидемиологлар”

2-чи гуруҳ номи “Вирусологлар”

2. Ўйинни “Эпидемиологлар” гуруҳи бошлаб беради.Чархпалак айлантирилади.Қайси саволга тушса,ўша гуруҳнинг талабаси шу саволга жавоб беради.

3. Ўйинни “Вирусологлар” давом эттиради.Чархпалак айлантирилади.Қайси савол тушса,ўша гуруҳнинг талабаси шу саволга жавоб беради.

4. Жадвалда талабалар олган баллари бирин кетин ёзиб борилади.

№	Командалар	Таъриф учун	1-талаба	2-талаба	3- талаба	4-талаба	Умумий баллар	Ғолиб/мағлуб
		Балл	Балл	Балл	Балл	Балл		
1	Эпидемиологлар							
2	Вирусологлар							

-тўлиқ жавоб берди, жуда яхши –5бал

- жавоб берди,яхши – 4 бал

-тўлиқ жавоб йўқ,ўрта – 3 бал

- жавоб бермади,ёмон – 0 бал

5. Баллар ҳисобланиб ғолиб каманда аниқланади ва тақдирланади.

Шундай қилиб, барча ўқув юртлари таълим тизимида бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган таълим жараёнини давр талаби даражасига етказиш замонавий педагогик технологияларни талабаларга ўргатишдан мақсад интерактив усулларни қўллаш, ҳар бир талабанинг билим савиясини бутун жаҳон талабларига тўла жавоб бера оладиган даражага кўтариш орқали мустақил мамлакатимизнинг илмий, иқтисодий ва маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланишига ўз салмоқли ҳиссасини қўшадиган етук кадрларни, комил инсонни шакллантиришдан иборатдир.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШДА ВА РЕТРОСПЕКТИВ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАХЛИЛ ЎТКАЗИШДАГИ ЎРНИ

Матназарова Г.С., Расулов Ш.М.

Республикамизда фан ва таълим соҳасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Таълим сифатини оширишга ҳукуватимиз томонидан ишлаб чиқилган, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 5-майдаги ПҚ- 2956-сонли “Ўзбекистон Республикаси да тиббиёт таълими тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокининг янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот-ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, ўқув

жараёнини сифатини таъминлаш, ўқув-тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги кўрсатилади. Ҳозирги кунда педагогик-психологик адабиётлар, таълим-тарбия муаммоларига оид маърузалар ва расмий ҳужжатларда “янги педагогик технология”, “илғор педагогик технология”, “таълим технологияси”, “замонавий педагогик технология” иборалари кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда сир эмаски компютерлар ва илмий-техникавий аппаратларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ҳозирги даврда таълим олиш жараёнида ўқувчилар учун ахборот хажмининг кескин ошганлиги, инновацион ахборот технологияларни қўллашни тақозо қилади. Бу эса ўқувчиларга замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, ўқув жараёнида турли хил маълумотларга эга бўлиш, бошқа тенгдошлари билан узоқдан туриб фикр алмашиш имкониятини яратади. Ана шунинг учун ҳам интерактив усуллар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига киритишга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Замонавий технологиялар ўқувчиларнинг билиши лозим бўлган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган билимлардан ўзлари хулоса чиқаришга ўргатади.

Ўқув йили давомида ўтилаётган ва ўрганилаётган мавзулар бўйича барча янгиликлар ва қилинган ишлар тўғрисидаги маълумотларни олишда интернетдан фойдаланилади.

Бу эса талабаларга ўқув жараёнини ўзлаштиришда қуйидаги натижаларни беради:

- талабалар илмий изланиши давомида тезроқ ва кўпроқ маълумотларга эга бўлади;
- илмий янгиликларнинг бошқаларникидан фарқини ўрганади;
- талабаларни дарс давомида ижодий фикрлашга ва изланувчанликка мажбурлайди;
- талабаларнинг билим олиш иштиёқини мунтазам ошириб боради;
- талабалар илмий ишлари бўйича ўз тенгдошлари билан интернет орқали фикр алмашиб туради;
- педагог ва талабалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Бу жараённинг самарали натижага эришиши, ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига, ўқувчининг ижодий ишлашига, мустақил фикрлашига, мустақил таҳлил қилиш қобилиятига ва хулосалар чиқара олишига, ўқувчининг ўзига ва гуруҳга, гуруҳнинг ўқувчига баҳо беришига боғлиқ.

Ҳар бир дарсда мавзу мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ахборот-технологиялар қўлланилади. Бизнинг талабаларимиз касалланишнинг ретроспектив ва оператив эпидемиологик таҳлилинини қилишда, касалланишнинг прогнозини аниқлашда ва диаграммалар тайёрлашда, компютер технологиясидан фойдаланиб қуйидаги кўрсаткичларни аниқлайдилар.

Масалан ретроспектив эпидемиологик таҳлил мавзусида қуйидагича ўтказади:

- касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлил қилиниб, бунда касалланишнинг кўп йиллик тенденцияси аниқланади, тенденция “турғун”, “ўсиш” ёки “камайиш” бўлиши мумкин;
- касалланишнинг ҳудудлар бўйича тарқалганлиги таҳлил қилиниб, “хавфли

ҳудудлар” аниқланади;

- касалланишнинг йиллик динамикаси таҳлил қилиниб, унинг мавсумийлиги аниқланади;

- касалланганларнинг ёшлари ва касби бўйича таҳлил қилиниб “хавфли гуруҳлар” ва бошқа кўрсаткичлар аниқланади;

Олинган натижалар асосида эпидемияга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалиётга қўлланилади.

Бугунги кунда таълимнинг классик технологиялари қарийбки дарс жараёнида фойдаланилмаяпти, чунки ушбу технологиялар ахборот коммуникация технологиялари соҳасида эришилган ютуқларни тўлақонли қўллашга имкон бермайди. Классик технологиялардан фойдаланилган дарс ўсиб келаётган ёш авлодга қизиқ эмаслиги ўтказилган тадқиқотларда ўз аксини топди. Ахборот коммуникация технологияларининг (АКТ) кенг тарқалиши, жаҳон ўргимчак тўри (интернет)нинг пайдо бўлиши барча ёшдагиларга таълим беришнинг янги шакл ва услубларини очиб беради.

Юқоридаги ретроспектив эпидемиологик таҳлилни ўтказишда компьютер технологияларидан, интерактив методлардан фойдаланиш касалланиш кўрсаткичларини ҳақида аниқ натижаларни олишга юрдам беради.

ДАВОЛАШ – ПРОФИЛАКТИК МУАССАСАЛАРИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ССВ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ ШАКИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИТИШ

Раҳманов Т.О.

Умумий Амалиёт Шифокори ўзининг иш фаолиятида турли статистик ҳужжатлар билан ишлайди. Аҳоли орасида даволаш-профилактик чора-тадбирларини ўтказиш режаларини тузишда асосий статистик кўрсаткичларни ва бирламчи ҳужжатларни билмасдан туриб ҚВП, ҚОП, ОП, касалхонасининг ва ИТМлар иш фаолиятини таҳлил қила олмайди.

Ушбу муассасаларнинг иш фаолиятини таҳлил қилиш маълумотлари, уларнинг чуқур таҳлили шу жойдаги аҳолининг тиббий ёрдамини яхшилашга ва ДПМ олдида қўйилган мақсадларини амалга оширишини назорат қилиш учун катта аҳамиятга эга.

ДПМ раҳбарлари муассасани жадал бошқариш учун жорий ва кундалик режалаштиришни, касалхона маблағларини тежамкорлик билан ишлатишни назорат қилиш, касалхона врачларини даволаш сифатига, самарадорлигига ва аҳолини соғломлаштириш учун турли тадбирларга баҳо берадилар.

Қилинган таҳлиллар соғлиқни сақлашни ташкил этувчига, муассасаларни асосий иш кўрсаткичларини динамикада кўрсатадиган аниқланган камчиллик ва ютуқларни, ҳамда ишни яхшилаш чора – тадбирларини ташкил этади ва ёрдамлашади.

ҚВП, ҚОП ва Оилавий поликлиника ва касалхоналарни иш фаолиятини таҳлил қилиш, йиллик статистик ҳисобот 3- SSV shakliga - асосланган ҳолда, йил охирида белгиланган муддатда ЎзР ССВни статистика бош бошқармасига топширилади.

Тиббиёт муассасаларидаги статист ҳодимлар томонидан йил охирида тузиладиган йиллик ҳисоботлар катта аҳамиятга эга. ССВ ҳисобот шакллари 20 дан ортиқ. Шунини ҳисобга олган ҳолда биз дарс жараёнида талабаларни

айнан уларнинг амалиётида қўлланиладиган ҳисобот ҳужжатлари билан ишлашни ўргатиб борамиз, улар билан соғлиқни сақлашнинг бирламчи муассасаларида қўлланиладиган ҳисобот шакиллари билан ишлаймиз.

ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА К ОБУЧЕНИЮ СТУДЕНТОВ ПО ПРЕДМЕТУ «ВАЛЕОЛОГИЯ»

Рустамова Х.Е., Стожарова Н.К.

В Указе Президента Республики Узбекистан № ID-309 от 5 сентября 2018 г. «О мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения и социального обеспечения Республики Узбекистан» особое внимание уделено дальнейшему сохранению и укреплению здоровья общества, увеличению продолжительности жизни, путем улучшения конечных стратегических результатов профилактики и лечения заболеваний, являющихся причиной большинства случаев преждевременной смертности и инвалидности.

Основой формирования здорового образа жизни среди различных групп населения и неотъемлемой частью работы практического врача является валеологическое обучение населения. Применение визуальных презентаций по теме занятия, выполненные студентами, позволяет не только шире осветить тему занятия, но и повысить эффективность усвоения и запоминания основных положений занятия. Для выработки у студентов способности организовывать мероприятия в целевых группах населения на третьем занятии преподаватель применяет тактику командно-ориентированного обучения, предложенного Ларри Михельсоном, преподавателем школы бизнеса Университета Оклахома, США, которое позволяет сместить роль и функции преподавателя от «мудреца на сцене» к «руководству на стороне». Студенты сами готовят и проводят занятие ориентируясь на учебно-методическое пособие – технология обучения «Основы организации работы по формированию ЗОЖ в целевых группах». Работая в малых группах, студенты уже на первом занятии вырабатывают тактику обучения в гипотетической целевой группе (молодая семья, беременная женщина, грудной ребенок, дети и подростки, молодой и зрелый возраст, пожилой и старческий возраст) основам ЗОЖ, используя различные формы и методы обучения. Составляют буклеты, памятки, листовки, текст для беседы, игровые сценарии, которые используют на занятии при проведении ролевых игр.

Применение данной методики позволяет заинтересовать студента и развить его коммуникативные и ораторские способности.

ПРЕДМЕТ «ИСТОРИЯ МЕДИЦИНЫ» НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ ПРЕПОДАВАНИЯ

Рустамова Х.Е., Стожарова Н.К.

Без прошлого нет настоящего, без настоящего нет будущего. Любая общественно – экономическая формация как в зеркале отражается в развитии медицины и здравоохранения. Сегодня история медицины воспринимается в системе историко-научного знания как дисциплина общенаучного и гуманитарного профиля, значение которой выходит далеко за пределы

естественно-научных и социокультурных областей.

Сегодня система высшего медицинского образования в РУз снова стало отдавать должное незаслуженно отведенному в недавнем прошлом на задний план предмету «История медицины». Увеличено число учебных часов (с 20 в 2015 г. до 36 в 2018 учебном году), количество лекций (с 2 до 4 соответственно) и практических занятий (с 8 до 14 соответственно). Это потребовало от коллектива кафедры поиска новых инновационных путей к преподаванию данного предмета.

На кафедре проводятся в соответствии учебного плана лекции и практические занятия с использованием общепризнанных мультимедийных технологий, а также органайзеров и дидактических игр. С 2018-2019 учебного года кафедра подписала договор о сотрудничестве с музеем «Истории медицины» при МЗ РУз. На основании данного договора, одно занятие проводится на базе этого музея. Проведение занятия преподавателем совместно с экскурсоводом позволяет наглядно продемонстрировать все этапы развития медицины от первобытного общества, через средние века и эпоху капитализма и колонизации до создания национальной системы здравоохранения Республики Узбекистан. Предварительно среди студентов проводится «оценочный тест индивидуальной готовности»: тестовый контроль по важным вехам истории медицины Узбекистана, состоящий из 20 вопросов. После посещения музея каждый студент составляет краткое эссе по наиболее запомнившемуся ему факту из истории, наиболее интересные варианты зачитываются на следующих занятиях. На последнем занятии, посвященном современному здравоохранению, проводится игра - «Мозговой штурм», где студентам предлагается определить пути развития медицины на ближайшие 100 лет. Это позволяет разбудить воображение студентов и на основе знаний полученных во время прохождения курса применить их для прогнозирования. Для студентов Термезского филиала ТМА, данное занятие проводится дистанционно. Новый инновационный подход к преподаванию традиционного предмета делает его значительно важным и интересным для современного студенчества.

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИДА
ЕТАКЧИ ХОРИЖИЙ ТУРДОШ
ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН
ЯҚИН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ**

Матназарова Г.С., Саидкасимова Н.С.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди.

Кафедра мизда ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишлар олиб борилмоқда.

Эпидемиология кафедраси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан

йўлга қўйилмоқда, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этилмоқда, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш ишлари режалаштирилди.

Янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва ўқув жараёнига кенг тадбиқ этиш, талабаларни замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш борасида кафедрамизда бир қатор ишлар амалга оширилиб эпидемиология фанидан даволаш, касб таълим, ҳарбий тиббиёт йўналишлари учун Россия тиббиёт академияси, эпидемиология кафедраси мудирини Брико Н.И. билан кафедрамиз ходимлари ҳаммуаллифликда Эпидемиология китобини, Ҳарбий эпидемиология китобини, Россия марказий эпидемиология илмий текшириш институти иммунология лабораторияси мудирини, тиббиёт фанлари докторини, профессор Михеева И.В. ва кафедрамиз ходимлари ҳаммуаллифликда тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари учун “Профилактик эмлаш ва эмлаш ишларини ташкиллаштириш” номли ўқув-услубий қўлланмани, Москва эпидемиология марказий ИТИ профессори т.ф.д. Рожнова С.Ш. ва кафедрамиз ходимлари ҳаммуаллифликда “Туберкулезнинг эпидемиологияси ва профилактикаси” мавзули ўқув-услубий қўлланмани нашрга тайёрладилар.

Педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатидан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, кафедрамиз битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш борасида ҳам режалар тузилди.

Кафедамиз ходимларини илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш борасида кафедрамиз катта ўқитувчиси Саидкасимова Н.С. мустақил изланувчанликка, Расулов Ш.М. таянч доктарантурага қабул қилиндилар .

Кафедамизнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Кафедамизнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, талабалар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илғор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш борасида кафедрамизга бу йил 3та компьютер, 1та принтер олинди .

Глобаллашув даврида таълим жараёнига анъанавий тушунчалар қаторида янги-янги воситалари ва ўқитиш усуллари кириб келмоқда. Ушбу иборалар ёнидан жой олган масофавий ўқиш, масофавий таълим ибораларининг кириб келиши таълим тизими такомиллашувини, яъни техника асрининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи кучга айланмоқда.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли – замонавий телекоммуникацион ўқитишнинг вужудга келишига омил бўлди.

Ўқиш жараёнида телекоммуникация усулларини қўллаш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва шакллари ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир. Телекоммуникация -- бу янги ахборот технологиялари, масофавий ўқиш технологиялари ва техника воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, нафақат талаба, магистр, ординатор ва ўқувчи кўпроқ ўз устида шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир.

ПРОФИЛАКТИК ТИББИЁТДА ИННОВАЦИЯ

Саломова Ф.И.

Ҳозирги кунда таълим жараёнига инновацион технологиялар ва интерфаол усулларни қўллашга қизиқиш тобора кенг тус олмақда. Бундай усулларни қўллаш таълим самарадорлигини оширади. Инновация инглиз тилидан олинган бўлиб, «янгилик яратиш», «янгилик» каби маънони англатади. Демак, анъанавий таълимдаги каби бир хил қоидалар асосида эмас, балки янгиликлар асосида таълим жараёнининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган ишшаклидан фойдаланиш инновация демакдир. Таълимда педагогик технологияларга асосланиш ва инновацияга интилиш, ўқувчиларни фаоллаштиришга қаратилган турли интерфаол услублардан фойдаланиш таълим мақсадини самарали амалга оширишга ёрдам беради. Шунингдек, ОТМ жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, таълим муассасаларини замонавий ўқувва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали ҳам таълим жараёнига янгиликлар киритилади.

Тошкент тиббиёт академияси (Атроф муҳит гигиенаси кафедраси) ва Корея Университети ўртасида 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Тошкент тиббиёт академиясида соғлиқни сақлаш соҳасида таълимни такомиллаштириш”га оид халқаро илмий лойиҳани академияда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг бири сифатида эътироф этиш мумкин. Экологик ва атроф муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлаш, ҳамда инсон организмига таъсир этувчи атроф муҳит омилларини ўрганиш, уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касалликлар профилактикаси йўналишларидаги илмий ишлар атроф муҳит гигиенаси кафедраси, ҳамда гигиеник йўналишдаги кафедралар ҳамда Корея Университетининг профилактик тиббиёт

факультети кафедралари билан ҳамкорликда олиб борилмокда.

Ҳамкорлик доирасида бажарилган ишлар қаторига Корея Университети профессорларининг 5A510302 “Атроф муҳит ва инсон саломатлиги” магистратура йўналиши талабаларига ташкиллаштираётган семинар машғулоти, симпозиумлар, педагоглари мизнинг Корея Университетига стажировка ўташ бўйича ташрифлари, ТТА моддий техник базасини бойитиш бўйича бажарилган ишлар, ҳамкорликда яратилаётган фан дастурлари ва ўқув адабиётларини киритиш мумкин. Хусусан 2016, 2017 ва 2018 йилларда ТТА билан Корея Университети ҳамкорлигида халқаро симпозиумлар бўлиб ўтди. Симпозиумларда экологик ва атроф муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касалликлар профилактикасига бағишланган илмий тадқиқот ишларининг натижалари муҳокама қилинди. Симпозиумда Корея Университети профессор-ўқитувчилари ҳамда академиямиз ўқитувчилари маърузалар қилишди.

Корё университети томонидан ТТАга ҳозирги кунга қадар атроф муҳит омилларининг физик ва кимёвий хусусиятларини ўлчаш ва баҳолашга мўлжалланган бир қатор асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозлари (люксметр, шумомер, термогидроСО₂метр, аэрокон, атом абсорбцион спектрометр-АА-7000, спектрофотометр UV-1280 ва бошқалар) тақдим этилди. Жорий 2018 йилда «Тошкент тиббиёт академияси ва Корея Университети ҳамкорлигидаги илмий тадқиқот маркази» очилди. Марказда замонавий жиҳозланган учта лаборатория хонаси, битта кўргазмалар зали, иккита ўқув хонаси ва маърузалар зали мавжуд. Илмий тадқиқот марказида таълим жараёни билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларини бажариш учун имкониятлар яратилган.

Тошкент тиббиёт академиясида Корё университети билан ҳамкорликда профилактик тиббиёт йўналишини ривожлантириш бўйича бажарилган инновацион ишлар бу борадаги ишларнинг пойдевори ҳисобланиб, келгусида ҳамкорликда илмий – тадқиқот ишларини бажариш, ўқув адабиётларини яратишишлариниякунлаш, «Атроф муҳит ва инсон саломатлиги» магистратура йўналиши талабалар алмашинувини амалга ошириш вазифлари турибди.

«АҲОЛИНИ САЛОМАТЛИГИНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Каримбаев Ш.Д., Умаров Б.А.

Инновацион интерфаол педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, бу сўзсиз, ўқув жараёнига “Мажмуа сифатида ёндашиш” дир, шу билан биргаликда тиббиёт билимларига уларда кўникма ва малака ҳосил қилдириш ва уларни таълим-тарбия соҳасида “Мажмуа ёндашув” тамойилини қўллашга ўргатишдан иборат. Таркиб топиб келаётган ўқитиш йўналишини ва узлуксиз таълим тизимини муайян бир тарихга солиш мақсадида, Республикамизда “Таълим тўғрисидаги” ва “Қадирлар тайёрлаш миллий Дастури” шу билан бирга, бир қатор Қонунлари қабул қилинган. Хар қандай таълим тизимининг негизида келажак авлоднинг тақдири билан ҳалқ манфатлари ётади. “Қадирлар тайёрлаш миллий Дастури” да кўп маротаба ҳорижий мамлакатлардаги илғор педагогик инновацион технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада, айниқса, таълим-тарбияда депсаниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўллари билан бири, қабул қилинган давлат стандартлари ва янги инновацион педагогик технология усулларининг ҳудудимизга мослаштирилган модели тамойиллари асосида ўқув амалий машғулотларини аввалдан лойиҳасини тузиб олиб, улардан педагогик амалиётда фойдаланишни йўлга қўйишдир.

Аҳолини саломатлигини ўрганишда янги инновацион интерфаол педагогик ва технологик усуллардан фойдаланишдан мақсад, аҳолини саломатлигини сақлаш, яхшилаш, умрини ўзайтириш, касалликларни олдини олиш ҳамда даволаш мақсадларида амалга оширилаётган илмий билимлар ва амалий фаолиятни мустахкамлаш, такомиллаштиришга қаратилгандир. “Аҳолини саломатлигини ўрганиш усуллари” мавзусини ўқитишда, ўқув амалий машғулотларини амалга оширишда, анъанавий усуллардан, маъруз; намойиш; тақдимот; савол-жавоб ва бошқалар киради. Бу интерфаол усул айниқса кам сонли ўқув жамоаси иштирокчиларини бир-бири билан ва янгитдан ўтиладиган фаннинг мазмунини таништириб, самимий дўстона муносабат ва ижодий билим эгаллаш муҳитини юзага келтиришга хизмат қилади. Бунда амалий машғулотни олиб боришда, гуруҳ талабаларни кичик гуруҳга ажиратиб, ҳар бир гуруҳга “Келинг танишайлик” деб ёзилган тахминий мазмундаги тарқатма материалларни бериб чиқади. Педагог гуруҳ талабаларига жавобларга тайёрланишлари учун маълум бир вақтини белгилаб беради. Гуруҳ талабалари бу саволларга тайёргарлик кўриш орқали бир-бирлари билан янада ҳам чуқурроқ танишиб оладилар. Натижада гуруҳдаги барча талабалар ҳар бири тўғрисидаги маълумотларга тўлиқ эга бўладилар, шу усул орқали аҳолини саломатлигини чуқур ўрганиш имкониятига эришиш мумкинлиги асосланган.

ТИББИЙ ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ

Шарипова С.А., Садуллаева Х.А., Ахмадалиева Н.О.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг дунё тараққиёти даражасидаги истиқболини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда катта ўзгаришлар бўлиши билан боғлиқ. Бундай ўзгаришларда иштирок этиш инсонлардан юқори даражадаги умумий ва махсус билимлар, юксак маданият, маънавият ва кенг дунёқарашни талаб этади. Таълим тизимини шу талаблар асосида қайта қуриш – жамиятнинг келажак авлод тарбияси соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда таълим соҳасидаги кучли ва изчил сиёсат - жаҳон таълим стандартларининг юксак даражасига эришишга қаратилганлиги билан бирга халқимизнинг маънавий-маданий қадриятлари ва ўзига хослигини ҳисобга олади.

2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга хизмат қилади, бу эса иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида инновацион жараёнларни жадаллаштиришга катта туртки берди. Олий таълим тизимида ҳам амалга оширилаётган ислохотлар сабабли олий

ўқув юртларида инновацион фаолият тўғри ташкил этилиб, рақобатбардош, ҳар томонлама билимга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Педагогнинг инновацион фаолияти – бу ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантиришдир. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш самарадорликка баҳо беришни қамраб олади. Янги педагогик технологияларнинг жиҳатлари шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Таълимда инновацияларнинг моҳияти уларнинг амалий характерга эгаллигидадир, зеро улар олий таълим битирувчиларида инновацион тафаккур лаёқатини шакллантиришга қаратилган. Демак, олий таълим инновациялари деганда биз ривожланувчи янги билимлар ҳамда таълимнинг инновацион жўшқинлигини тушунамиз лозим. Инновацион таълимнинг характерли хоссаси – ўз-ўзини идора қилиш, профессионалик, марказлашувчанлик (антропоцентризм) дир. Инновацион таълимнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

таълим олувчиларнинг юқори даражадаги маънавий ҳамда интеллектуал-шахсий ривожланишини таъминлаш;

таълим олувчиларнинг илмий тафаккур кўникмаларни эгаллашга шарт-шароит яратиш; ижтимоий-иқтисодий ҳамда касбий соҳаларга янгиликларни киритиш методологиясини ўргатиш.

Кўпчилик педагоглар профессионализмни қуйидагича тушунишади:

- касбий масалалар ечимини топишдаги маҳорат даражаси;
- ўз касбий фаолиятини юритиш лаёқати; ностандарт ҳолатларга ижодий ёндашув, унумдор ечимни излаш маҳорати;
- ривожланишнинг интеллектуал-шахсий даражаси; таянч малака ва компетентликнинг мавжудлиги.

Бизнинг кафедрада илғор инновацион технологиялар асосида дарс жараёнини ташкил этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Дарс ўтиш хоналари эстетик жиҳатдан талаб даражасида тайёрланган, аудиториялар ахборот технологияларидан фойдаланиб дарс ўтишга мослаштирилган. Булар талабаларнинг сифатли ва самарали билим олишларида асосий техник воситалар бўлиб ҳисобланади.

“Гигиена. Тиббий экология” фанини ўқитишда қуйидаги интерфаол методлардан фойдаланилади: “Муаммоли вазият”, “Кейс стади”, “Лойиҳа”, “Ақлийхужум”, “Даврасуҳбати”, “Баҳсмунозара”, турли графика органиайзерлар.

“Муаммоли вазият” усули таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабабини ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимларини топиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган усулдир. “Муаммоли вазият” усулининг таркибий тузилиши қуйидагича: “Муаммоли вазият” усули учун танланган муаммонинг мураккаблиги талабаларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Талабалар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлиши керак, чунки муаммони ечимини топа олмаса талабаларнинг қизиқишлари сўниши ва улар ўзига бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Дарс жараёнида ушбу методдан фойдаланганда талабалар

мустақил фикр юртишга, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга, унинг ечимини топишга ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” усулининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадиладар.

Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;

таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;

таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:

таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;

кўп вақт талаб этилади.

“Муаммоли вазият” методини “Овқатдан заҳарланишлар ва уларнинг профилактикаси”, “Ишлаб чиқариш корхоналарида соғломлаштириш чоратадбирлари”, “Ишлаб чиқариш корхоналарида шовқин ва тебранишни текшириш ва баҳолаш”, “Радиацион авариялар ва уларни бартараф этиш” мавзуларида кенг фойдаланилади.

Мисол учун: Муаммоли вазият. Ёзги оромгоҳ тиббий пункти шифокорига тушликдан сўнг болалар қуйидаги шикоятлар: кўнгил айниш, қусиш, ҳароратнинг ошиши, қорин соҳасидаги оғриқ, ич кетиш билан мурожаат қилди. Анамнезни йиғиш вақтида болалар тушликда мастава, гречка гарнирли қиймали қуймоқ ва компот истеъмол қилганликлари аниқланди. Оромгоҳ ошхонасида текшириш ўтказилганда қуйидагилар аниқланди: қиймали қуймоқ аввал қайнатиб пиширилган ва гўшт қиймалагичда майдаланган фаршдан тайёрланган. Тайёрлаш вақтида қуймоқ қиймаси ва

тайёр қуймоқлар термик ишловдан ўтказилмаган. Фарш ва қуймоқни қўлида панарицияси бўлган ошхона ходими тайёрлаган.

Саволлар ва топшириқ:

Клиник белгиларга кўра қайси турдаги овқатдан заҳарланиш деб гумон қилиш мумкин?

Касалликнинг юзага келишига сабаб бўлган омилларни айтинг

УАШ овқатдан заҳарланиш ўчоғида қандай ишларни олиб бориши керак? Текшириш режасини тузинг ва уни изоҳланг.

УАШ якуний ташхис қўйиш учун яна қандай қўшимча текширишларни ўтказиши керак?

ДСЭНМ га текшириш учун нималарни жўнатиш лозим?

Овқатдан заҳарланишларнинг олдини олиш учун ўчоқда қандай тадбирлар ўтказилиши керак?

Муаммо: Овқатдан заҳарланишнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш, овқатдан заҳарланиш ўчоғида УАШ тактикасини танлаш, ўчоқда ўтказиладиган профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ечимини топиш учун гуруҳ 3та кичик гуруҳчаларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳча муаммони ечиш учун ўз фикр ва таклифларини киритади. Ҳар гуруҳчанинг етакчиси муаммонинг ечимини тақдимот шаклида тақдим этади. Ҳар бир гуруҳ тақдимотлари тингланади, муҳокама этилади ва ўзаро баҳолаш ўтказилади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ презентациясининг тўлиқлиги ва аниқлигини; тақдим этилган презентацияларнинг кўргазма-лилигини; гуруҳ аъзоларининг ҳамжиҳатлилиги ва фаоллигини; тақдим этилган ечимларнинг ўзига хослигини баҳолайди.

“Лойиҳа” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш, хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак. Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Демак, инновацион таълим таълим жараёнини ўз мутахассислиги ижтимоий ва умуммаданий билим ва кўникмаларининг технологиялар томонга ҳаракати тарзида бир сафга қўяди (касбий маданият), бу унга касбий масалаларни тушуниш воситаси ва ечиш методларини ўзлаштириш имконини беради. Инновацион таълимнинг етакчи функциялари қуйидагилар бўлиши мумкин: таълим олувчи ҳамда ўқитувчи шахсининг жадал ривожланиши; уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ва мулоқотини демократлаштириш;

Ўқув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш; фаол ўқиш ва ижодий ўқитишни мўлжаллаш, таълим олувчининг ўзини профессионал сифатида шакллантиришга ҳаракатини қўллаб-қувватлаш; бўлажак профессионал инновацион тафаккурни шакллантирувчи восита, метод, технология ҳамда ўқитишнинг материал базасини замонавийлаштиришдир.

ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ СЕКЦИЯСИ

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ ФАКУЛЬТЕТА ВЫСШЕЕ СЕСТРИНСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Аликулова Д.Я., Байбекова В.Ф.

В связи с вхождением в международное образовательное пространство образовательный процесс в ТМА развивается в контексте основных требований к будущим кадрам. На факультете высшее сестринское образование ведется формирование новой образовательной среды для подготовки специалистов-медсестёр с высшим образованием нового поколения конкурентоспособных и востребованных на рынке труда. Для реализации поставленной цели перед педагогами нашей кафедры поставлены новые сложные задачи.

В стратегических планах развития кафедры приоритетное значение уделяется внедрению активных методик обучения. Кафедра аллергологии, клинической иммунологии и сестринского дела на практических занятиях использует деловые игры, кейс – стадии, ситуационные задачи, моделирование ситуаций, дискуссии, работу в команде. На кафедре используются критерии бальной оценки компетенций студентов: теоретических знаний, практических навыков, коммуникативных и аналитических навыков, самосовершенствования. Однако, оптимальный результат, достигается при сочетанном применении вышеперечисленных методик обучения. Современные технологии обучения повышают заинтересованность студентов в получении знаний, повышают качество образования и обучения, что подтверждается результатами промежуточного и итогового контролей знаний студентов.

Для активизации учебного процесса разработаны сценарии проведения практических занятий с использованием современных методик интерактивного обучения (блиц-опрос, тестирование, викторины, презентации и др.). Игровой метод позволяет одновременно обучить студентов правильно использовать свои теоретические знания и действовать в различных моделируемых ситуациях, что важно для будущей профессиональной деятельности медсестры. Участвуя в решении ряда подготовленных задач, согласно сложившейся ситуации, по ходу деловой игры студентам предлагается найти оптимальные пути для принятия правильного решения по ряду спорных вопросов. Существуют определенные трудности для внедрения интерактивных методик в учебный процесс: недостаточная мотивация преподавателей, занимающихся внедрением инновационных методов обучения, недостаточное привлечение студентов к самостоятельной работе с первичными данными, нежелание студентов проявлять инициативу на занятиях. В целях активизации внедрения инновационных технологий в обучение на кафедре аллергологии, клинической иммунологии и сестринского дела были прочитаны открытые лекции, проведены открытые практические занятия с использованием инновационных методик преподавания.

Использование активных технологий обучения на практических занятиях реально повышает качество подготовки специалистов медсестёр с

высшим образованием, о чем свидетельствуют результаты обратной связи (анкетирования), успешное прохождение студентами итогового тестирования и контроля усвоения практических навыков.

ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Аликулова Д.Я.

Жаҳон педагогикаси сўз бойлиги қаторидан аллақачонлар “инновация” тушунчаси кенг ўрин олган. Бу тушунча “янгилик”, “ислоҳ” тушунчаларини англатади. Кенг маънода таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгариш – педагогик инновация дейилади. Шундай экан, олий ҳамширалик иши таълим йўналишига ҳам 2013 йилдан инновация кириб келди. Жумладан эски таълим стандарти тубдан ўзгартирилиб, янги 50 % назария ва 50 % амалий таълим бериш инновацион технологияси биринчи маротаба Ўзбекистонда қўлланила бошланди. Бунга кўра ОҲИ таълим йўналиши ўқув режасидаги фанларга ажратилган соатлар кескин қисқариб, асосий урғу клиник машғулот ва мустақил таълимга кўпроқ қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайерлаш Миллий дастури”да олий таълим тизимини, айниқса мустақил таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши ҳам бежиз эмас.

Таълим бериш жараёнида талабаларни мустақил фаолият юритишга, мустақил билим олишга, ўз фикрларини эркин ифода эта олишга ўргатишда, янги педагогик технологиялардан ва инновацион технологияларнинг методларидан фойдаланиб педагогик жараённи бошқариш бугунги кунда педагог зиммасига юклатилган энг муҳим вадолзарб вазифалардан бири.

Бизнинг ҳамширалик иши кафедрामизда терапияда ҳамширалик иши фани бўйича талабаларга таълим бериш жараёнида ўқитувчилар мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга қўйидагича инновацион талаб қўйганмиз: мустақил иш мавзусини айнан бирор бир касалликка йўналтириб, унда парвариш усуллари аҳамият бериш тушунтирилган. Таклиф этилган ҳар бир мустақил иш талаб даражасида бўлиши учун ҳам назарий, ҳам амалий тайёргарлиги эътиборга олинishi тушунтирилди. Талабалар мустақил ишларини тайёр андаза асосида бажармасдан, улар билимларини янги шароитларда қўллашади. Жумладан талабалар мустақил беморни парвариш қилаётганда қандай парвариш моделларидан фойдаланаётганларини видеолавҳа кўринишда ҳам бажариши тушунтирилди. Баъзи талабалар мустақил иш мавзусига оид ҳам назарий ёндошиб, презентациялар тайёрлашади. ҳам амалий қўлда ясага ишларини кўрсатади. Мустақил ишни ташкил этишда талабаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Берилган топшириқлар талабаларда қизиқиш уйғотиши учун уларнинг амалий аҳамияти очиб берилади. Беморлар билан ишлаш ёки парвариш моделлари устида ишлаш каби мустақил ишларга талабалар жуда қизиқади. Масалан буни яққол курслар кесимида кўрсак 1 – курсга қараганда 2 – курс талабалари ўртасида кескин фарқ тафовут этилади. Чунки, 1 – курс талабалари эндигина ҳамширалик амалиётига қадам қўйиб, оддий топшириқларни

бажарадилар. Масалан берилган мавзулар бўйича презентация тайёрлашади. Уни гуруҳ ичида кўрсатиб, таҳлилини гуруҳ талабалари ўртасида муҳокама қилади. Ундан ташқари дастлаб талабаларда мустақил ишларни бажариш бўйича энг оддий кўникмаларни шакллантириш учун мавзуга оид машқлар, тестлар, иш ўйинлари ва турли вазиятли масалалар ишланмаси тайёрлаб келишади. Берилган топшириқлар талабаларда қизиқиш уйғотиши учун уларнинг амалий аҳамияти очиб берилади.

Бу йилдан 3 курс талабалари оила тиббиётида ҳамширалик иши фани бўйича мустақил иш мавзусини изчил ёритиш мақсадида ҳам кўриб, ҳам амалий қўлда бажариб, расмийлаштириш ишларини мунозара қилиш учун оила поликлиникаларида патронаж ҳамширалари билан бирга аҳоли орасига режа асосида патронжага бориб бажардилар. Бу талаба учун оила ҳамширасининг вазифаси нақадар маъсулиятли эканлигини ва ҳамшира ҳар доим ўз билимларини янгилаб бориши кераклиги тўғрисида катта сабоқ бўлди. Шундай қилиб олий ҳамширалик иши таълим йўналишига педогогик инновация янгилигини киритиш, ҳамшираларни келгуси фаолиятида педагогик инновацияга риоя қилиш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиб бакалавр ҳамширани фаолият юритишга ўргатиш лозим.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳамширалик иши йўналиши бўйича эксперти профессор Мораг Маккормик билан биз кафедрамиз профессор ўқитувчилари тажриба алмашиш жараёнида шунга амин бўлдикки, талаба чуқур билимни мустақил ишни бажариш асносида мустақил изланганда олар экан. Ундан ташқари мустақил ишни бажаришда талаба адабиётлардан мавзуни мустақил қидиришни, мавзуни таҳлил қилишни ва эркин фикр юритиш қобилиятига эга бўлишини исботлади.

ТИББИЁТ СОҲАСИ ТАЪЛИМИДА ХОРИЖ ТИЛИНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Бердиев З.М., Муротова Н.Ў.

Инсоннинг тил билиш ва билимлилик даражаси ҳам маълум давр ичида шахс томонидан ўзлаштирилган информацияларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланади. Шунинг учун, замонавий билим сари кенг йул очиш, таълимотни такомиллаштиришда чет тилини билиш – бугунги куннинг талабига айланди.

Бугунги кунда тиббиёт соҳаси таълимида ҳам профессор ўқитувчилар ва талабалар ўз устиларида ишлаб, чет тилини ўрганишмоқда. Бу албатта ҳозирги кунда ҳар бир ўқиладиган маърузаларда яққол сезилмоқда. Бугунги кунда кўшимча информациялар олиш учун интернетга кирамиз. Интернетдаги аксарият янги информациялар чет тилида эканлиги ҳар бир изланувчини чет тилини билишга даъват этади. Бугунги кунда кафедрамизда чет тилидаги тиббий адабиётларга талабаларнинг қизиқиши ортган. Дарсдан сўнг талабаларимиз мустақил ўзи фанни ўзлаштириши учун чет тилидаги адабиётлардан мавзуларни таржима қилиб, фанларни ўзлаштиришмоқда.

Амалиёт натижаси шуни кўрсатдики, бир гуруҳ талабалари чет тилини ўрганиш, тинглаб тушунишнинг кўникмасини анча юқори даражасини яратиш учун ҳам талаба тахминан 6 минг сўз бирикмаларига тенг луғатларни эгаллаб олиши зарур. Бу луғатнинг алоҳида тури, уни билиш фақат ҳақиқий

таниш, дастлабки сўзлар ҳисобигагина эмас, балки сўз ташкил қилиш қоидаларини билиш ҳисобига ҳам амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида талабада ўрганилаётган чет тили ички тузилмасини яратиш билан ва мулоқот иштирокчиси ҳар бирида, умуман, мулоқот тажрибаси ҳисобига мумкин. Мулоқотда иштирок этиш чет тили оғзаки нутқини билишни, яъни гапира олиш кўникмасини яратишни кўзда тутди. Маърузаларни тинглаб тушунишдан фарқли равишда, гапиришнинг ўзи мана шу кўникмани амалга оширилиши шартли сифатида сўз бойлигига, тил материаллари ҳажмига унчалик катта талаблар қўймайди. Бу билан эса, чет тилини қисқа вақт мобайнида ўрганишга имкон беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош, ўз устида тинимсиз изланадиган кадр бўлиб етишиш учун албатта чет тилларини билиш зарурдир. Мана шундай кадрларни етиштириб бериш, бу ҳар бир олий таълим соҳасида ишлаётган профессор – уқитувчиларнинг ҳам бурчи, ҳам мажбуриятидир! Замон билан ҳамнафас бўлган ҳар қандай кадр, ҳеч қачон “кераксиз кадр” бўлиб ортда қолмайди.

ҲАМШИРАЛИК ИШИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ

Мирпайзиева М. А., Джураева Н. К.

Олий маълумотли ҳамшираларни ўқитаётган профессор-ўқитувчилар ўз соҳалари бўйича олиб бораётган машғулотида инновацион технологияларни ўз ўрнида қўллашлари бугунги кун талаби бўлиб, ушбу мақсад ва вазифа фан, техника ва илғор технология ютуғидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш мақсади, мазмуни, методи воситаси ва ташкилий шаклини илмий таъминлашни талаб этади.

Бугунги кунда ўқитувчи олдида янги инновацион педагогик технологияни таълим амалиётида кенг қўллаш, янги инновацион педагогик тизим лойиҳасини ишлаб чиқиш каби вазифалар турибди. Ҳар педагог аниқ педагогик жараёни ташкил этишдан олдин ўқув жараёни ҳақида технологик даражада билим тизимини ўзлаштирган бўлиши шарт.

ten notes, record audio notes, or use a highlighter to mark important ideas on the page. Read out loud. If you are reading digitally, there are computer apps that work like sticky notes. The point is to find a way to emphasize key concepts or passages. And in the process, remember to be on the lookout for the answers to the questions that you identified in Step No. 2.

4. Review Number 2. Were all of your questions answered to your satisfaction? If not, return to the text and find the answers you need. Not sure where to look? The mental map you created in the first step might help you know where to start looking.

Improved comprehension through cognitive training for seniors

If grasping/remembering what you read is still a struggle, one or more weak cognitive skills are probably to blame. In fact, studies show that 85% of reading struggles are caused by cognitive weakness, which provides hope to struggling readers since weak cognitive skills can be strengthened through a process called cognitive training, or brain training.

Here are four things you can do if you would like to get to the root of comprehension struggles:

Identify the exact weakness (es) causing the problem. A cognitive assessment takes about an hour, and will give you detailed information on each of your cognitive skills.

Strengthen cognitive weaknesses with one-on-one brain training. One-on-one brain training is a form of cognitive training that pairs every client with his or her own trainer. The program consists of fun, challenging mental exercises, done face-to-face with your trainer, about an hour a day for 12 weeks or longer, depending on the program. Improvements in cognitive function after brain training are lasting and often dramatic.

Reading provides too many benefits—and too much enjoyment—to have comprehension go by the wayside as we age. Attention, memory, and visual processing are three of the many skills that brain training targets and strengthens.

USEFUL VOCABULARY ACTIVITIES FOR THE ENGLISH LANGUAGE CLASSROOM

Khazratova G.Sh., Tashhadjaeva P.B.

***The branch center for retraining and in –service training
of academic staff under Tashkent Medical Academy***

To improve their second language proficiency, English language learners need a solid knowledge of vocabulary. While a basic level of vocabulary will allow learners to communicate some ideas to a certain degree, better communication—whether in speaking/ listening or writing/reading—can be accomplished when learners have acquired more vocabulary.

At times, not knowing a specific word can severely limit communication; however, in many cases a lexical lapse can actually stop communication completely. Our second language learners certainly recognize that insufficient vocabulary is one of their biggest frustrations, but just how important is vocabulary really?

Mastering vocabulary should not be so different from learning any other component of a language, such as grammar, spelling, or pronunciation. Vocabulary, however, is a

special problem because there are multiple aspects of vocabulary knowledge that learners must master, including polysemy, connotation and usage, part of speech, frequency, and collocation.

What our learners have been saying all along-that they need more vocabulary-is more than a hunch; it is fact. As the result, teachers need to know what kind of classroom activities they can use to help their students gain new vocabulary. So we would like to present some practical activities which are more effective we use in our classroom.

Students remember a certain percentage of what they see and a certain amount of what they hear, but they will remember even more of what they hear and see. Therefore, you should make a list of vocabulary as you are teaching. Point out the words to focus learners' attention on the words. Another very simple effective practice activity uses vocabulary cards that contain one question each. The teacher puts students in pairs or small groups, and their task is to discuss and solve the vocabulary question presented on the card. Ranking activity is also very useful for learners as it helps to gain a lot of vocabularies practicing quantity words in English. During the activities the teacher should pay more attention using single words, set phrases, variable phrases, phrasal verbs, idioms as they rich vocabulary range of the learners.

English language learners need to increase their vocabulary knowledge. Given the time constrains of many learners, teachers should incorporate explicit vocabulary teaching supported by classroom activities that reinforce previously studied material. Such activities will help learners focus their attention on key vocabulary, require learners to retrieve the forms and meanings of the new words, and encourage learners to identify and develop a personalized inventory of strategies for vocabulary learning. Our ultimate goal is to help our students be active vocabulary learners after they leave our classroom.

КАТТАЛАР АУДИТОРИЯСИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Анваров Ж.А., Абдуразаков Х.С., Салиева Г.Ж.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш

ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази,

Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти Нукус филиали,

Юқумли касалликлар кафедраси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мақсадида республикамизда катта ишлар олиб борилмоқда.

Педагог кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришни таъминлайдиган таълим жараёни ва усулларини,

дидактик мақсадларни, моделлар ва таълим технологияларини яратиш, айнан андрагогика соҳасини ривожлантиришнинг муҳим муаммолардан саналади.

Андрагогика тамойилларига мос келувчи ўқув дастурларни яратиш жараёнида қуйидаги 3 та муҳим саволларни кўриб чиқиш лозим: 1. Катталар аудиториясининг специфик хусусиятлари инобатга олинганми? 2. Андрагогик ёндашув қай даражада кўриб чиқилган? 3. Катталар аудиторияси эҳтиёжи ва ҳамкорликда ўқитиш имконияти борми?

Замонавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг асосий қарама-қаршиликларидан бири катталар аудиториясига “талабаларча” ёндашувнинг бўлишидир. Мутахассислар билан ишлаш жараёнида янгиланмаган материал билан ишлаш, уларнинг эҳтиёжлари инобатга олинмаслиги ва уларнинг кундалик амалиётлари билан боғлиқ бўлмаган маълумотлар кўплиги ҳам кўпинча педагог ва таълим оловчи ўртасида қарама қаршиликка сабаб бўлади. Педагог/ўқитувчи катталар аудиториясига кирар экан, аудиториядаги қуйидаги ёшга оид хусусиятларни инобатга олиши зарур: берилаётган маълумотларни асосланишини кутадилар; катталар аудиторияси талабаларга нисбатан эркинликни хошлайдилар; таълим жараёнида бериладиган маълумотларни амалиёт билан боғлашга ҳаракат қиладилар; таълим оловчининг иш жараёнидаги ёки ҳаётидаги айрим муаммолар унинг таълим олишига таъсир этиши мумкин; зарур шароитларда таълим оловчиларнинг ҳаёт тажрибаси ва касбий маҳоратидан фойдаланиш мумкин; айрим бериладиган топшириқларни бажаришда ёшга боғлиқ қийинчилик ва тўсиқлар келиб чиқиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, катталар аудиториясига таълим бериш жараёнида уларнинг ёш хусусиятлари, талаб ва эҳтиёжлари инобатга олиниши зарур. Касбий мутахассислик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маълумотлар янги ва ишонарли, кундалик амалиётда қўлланиладиган бўлиши керак.

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Мамаев Б.Н.

ТДИУ, Туризм ва сервис кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштиришни шиддат билан ўзгариб бораётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, бугунги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларида туризмга ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, халқаро туризмни ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилиши учун “Ўзбектуризм”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Ўзбекистон темир йўллари” компанияларининг, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликларининг, чегара ва божхона хизматларининг масъулияти қонун ҳужжатларида белгилаб берилган.

Туризм аҳоли бандлигини таъминлаш, айти пайтда, минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим манбаига айланмоқда. Бугунга келиб мамлакатимизда меҳмонхона хўжалиги янада тараққий этмоқда. Хусусан, 500 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги меҳмонхона ва жойлаштириш объектлари фаолият кўрсатаяпти. Кейинги 6 йилда 200 дан ортиқ ўрта ва кичик хусусий меҳмонхоналар ишга тушган.

Муҳим халқаро туризм йўналиши - Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, шунингдек мамлакатда замонавий туризм саноатини вужудга келтириш мақсадида бир қатор шаҳарларимизда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилинди, уларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида хорижий сайёҳлар учун божхона расм-русумларининг халқаро меъёрларга мос содалаштирилган тартиби, шунингдек транзит сайёҳлар учун махсус божхона зоналари жорий қилинди. Бундан ташқари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг тузилмасида ўзгартирилишлар бўлиши кутилмоқда, жумладан ёшлар туризмни ривожлантириш, туризм соҳасида инновацияларни жорий этиш ва таълим хизматларини такомиллаштириш масалалари бўйича раис ўринбосари лавозимини жорий этиш, туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни мувофиқлаштириш бўлими негизида туризм соҳасида инновациялар ва таълим хизматларини такомиллаштириш бошқармасини ташкил этиш, махсус турларни ташкил этиш бошқармасини негизида ёшлар туризмни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармасини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу лавозим ўринбосарнинг асосий вазифалари этиб, туризм соҳасидаги ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини тадқиқ қилиш, таълим муассасаларида кадрлар ва мутахассисларни профессионал тайёрлаш йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни туризм соҳасига кенг жалб этиш, ёшларнинг туризм соҳасидаги истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек мазкур асосда ёшлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш каби вазифалар билан шуғулланиши белгиланган.

Туризм соҳасини янада кенгроқ ривожлантириш борасида гидлар, экскурсоводлар ва йўл кўрсатувчи инструкторлар кўпроқ тайёрланиши, давлат таълим муассасаларига ички туризм учун гидлар, экскурсоводлар, йўл кўрсатувчи инструкторларни тайёрлаш билан, шунингдек тадбиркорлик субъектларига малака сертификати бериш ҳуқуқисиз туризм соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланишларига рухсат бериш таклиф этилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги «Туризм ўқув-консалтинг маркази» ДУКга туризм соҳаси ходимлари, гидлар, экскурсоводлар, йўл кўрсатувчи инструкторлар, касб-хунар коллежларининг ҳамда туризм соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш хизматларини кўрсатувчи ўқув марказларининг профессор-ўқитувчилари таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ягона таълим ва илмий-услубий сиёсатини юритиш, шунингдек гидлар, экскурсоводлар, йўл кўрсатувчи инструкторларга малака сертификатини бериш учун масъул орган ваколатлари берилди.

2025 йилгача туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси лойиҳасида

бизнесучункаттаишларҳажминазардатутилган.Меҳмонхоналар,ресторанлар қуриш, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш – ташаббуслар рўйхати бу билан чекланмайди, уларни амалга ошириш учун тадбиркорлар фаол қатнашиши ва креатив ёндашиши талаб этилади. Ва албатта бундай тадбирларда фаол иштирок этиш учун замонавий билимларни эгаллаган, инновацион фикрлайдиган ва ўз хизмат вазифаларига креатив ёндошадиган салоҳиятли кадрлар кераклиги лозим бўлади.

“5-ДАҚИҚАЛИ ЭССЕ” МЕТОДИНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Джаналиева Г.А.

ТДТУ ҳузуридаги ПҚҚТ ва УМОТМ

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнига интерфаол таълим методларни жорий этишнинг асосий сабаблардан бири ҳозирги кунда ахборотлар оқим кўлами кенгайиббориётгани яъни барча соҳоларни қамраб олаётгани ҳамда фан техника ўта ривожланиб бораётгани ҳамда кам вақтмабойнида кўпроқ ахборотвабилимларберишдир.Шубоистаълиمولувчиларнингтаълимолишга бўлган эҳтиёжлари ортиб бормоқда, таълим олувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда таълим жараёнида фаоллигини ошириш мақсадида турли хил инновацион таълим методларидан фойдаланиш зарурияти туғилмоқда. Ҳозирги пайтда кўп мамлакатлар, шу жумладан республикаимиз узлуксиз таълим тизимида ҳам турли хил интерфаолтаълим методларидан фойдаланиб келинмақда. Ушбу методлар сирасига ақлий хужум, кластер, елпиғич, пинборд, венн диаграмма, пинборд, домино, қарорлар шажараси, қора кути, 5-дақиқали эссе ва бошқалар киради. Биз қўйида эссе ва 5-дақиқали эссе методларига батафсил тўхталмоқчимиз.

“Эссе” методи - французча тажриба, дастлабки лойиҳа, шахснинг бирор мавзуга оид ёзма равишда ифодаланган дастлабки мустақил эркин фикри. Бунда таълим олувчи ўзининг мавзу бўйича таассуротлари, ғояси ва қарашларини эркин тарзда баён қилади. Эссе ёзишда ҳаёлга келган дастлабки фикрларни зудлик билан қоғозга тушириш, иложи борича ручками қоғоздан узмасдан - тўхтамасдан ёзиш, сўнгра матнни қайта таҳлил қилиб, такомиллаштириш тавсия этилади. Мана шундагина ёзилган эссенинг ҳаққоний бўлиши эътироф этилган. Эссени муайян мавзу, таянч тушунча ёки эркин мавзуга бағишлаб ёзиш мақсадга мувофиқ. Баъзан, айниқса тарбиявий соатларда таълим олувчиларга ўзларига ёққан мавзу бўйича эссе ёздириш ҳам яхши натижа беради.

Бу метод ҳам инсон фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Улар норасмий фикр ва қиёфаларни қайд қилиш ҳар томонлама кўриб чиқилмагунча ҳотирада сақлаб туриш ва уларни янада аниқроқ ифодалашга имкон беради.

Ҳозирги кунда “эссе” методи ҳамда “5-дақиқали эссе” методи ҳам кенг қўлланилмоқда. “Эссе” методи “5-дақиқали эссе” методидан фарқлорақ амалга оширилади.


“5-дақиқали эссе” методи -таълим олувчиларнинг мавзуга доир ўз мустақил фикрларини ифодалай олиш, таълим берувчи ўз таълим олувчилари

ўқув материални билан танишганда қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор беришлари хусусида фикрлаш имконини беради. Таълим оловчилардан қуйидаги икки топшириқни бажариш:

-мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўрганганликларини мустақил ёзма баён этиш;

-мавзу юзасидан аниқлик киритилиши керак бўлган битта савол берилиши сўралади.

Яъни машғулот давомида таълим оловчилар томонидан аниқлик киритилиши, тушунилмаган саволларга жавоб топиши ва ўзларининг иккиланиётган фикрлари юзасидан саволларга жавоблар топиш имконини берувчи методдир.



“Эссе” методининг таркибий тузилмаси

“5-дақиқали эссе” методининг афзалликлари:

таълим оловчиларнинг фаоллиги ошиши;
мустақил эркин фикри ёзиш кўникмаси шаклланади;
ғоя ва қарашларини эркин баён этиш.

“Эссе” методининг камчиликлари:

баҳолаш мураккаблиги;
таассурот ва ғояларини қоғозга шакллантира олмаслиги мумкин;
фикр ва ғояларни ихчамлаштиришга етарли даражада билимларга эга эмаслиги.

“5-дақиқали эссе” методининг мавзуга қўлланиши

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини оширишда “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули ўтилади. Ушбу модулнинг “Шахсга йўналтирилган таълим турлари ва инновацион таълим шакл, метод ва воситалар” мавзуси бўйича амалий машғулот ўтилиб бўлганидан кейин таълим оловчилар мавзуни қай даражада ўзлаштирди ва мавзу юзасидан саволларига жавоб бериш мақсадида қўлланилади.

Методнинг мавзуга тадбири:

Дарс ўтиб бўлганидан кейин таълим оловчиларга бир вароқдан қоғозлар тарқатилади ва бажарилиши лозим бўлган вазифа тушунтирилади.

Вазифа:

-ўтилган мавзу бўйича ўзлаштирилган асосий таянч сўз ибора ва тушунчаларни ёзиш.

-мавзу юзасидан берилмоқчи бўлган, тушунишмаган ёки аниқлик киритилиши лозим бўлган битта савол ёзиш.

Вазифани бажариш учун беш дақиқа вақт берилади. Белгиланган вақт бўлгандан кейин таълим оловчилар ихтиёрий равишда ўзлаштирган билимларини ўқиб эштиради ва битта саволни ўқийди. Саволга олдин гуруҳда ихтиёрий таълим оловчилар жавоб беришлари мумкин. Кейин эса таълим оловчи тўлдириши керак бўлса тўлдиради яки тўғри жавобни беради. Шу тариқа таълим оловчилар томонидан берилган саволлар гуруҳ билан биргаликда саволларга жавоб топиш имконини беради.

Методдан кўзланган асосий мақсад ўтилган мавзунини тўлиқ эслаш, уни қоғозга тушуриш ва мавзунини муҳокама қилиб нимани ўзлаштира олмади шу мавзу бўйича қандай саволи бор ўйлаб ёзиш ва савол тузишга ундаш.

Малака оширида интерфаол методларни қўллашда асосий мақсадлардан битта интерфаол методларни мавзулар мазмунига амалий тадбир этиб кўрсатиб бериш. Сабаби таълим оловчилар таълим муассаларига борганларида ўзлари олиб борадиган фанлар мавзуларига бемалол қўллаш малакаларига эга бўлишларига ёрдам беради.

Ушбу методни қўллаганда таълим оловчиларнинг фаоллиги ошади, мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади, саволлар тузиш ва саволларга жавоб бериш бўйича малакалари ривожланади, мавзуга бўлган қизиқиши ошадихамда ушбу методлардан ўз фаолиятларида кенг қўллаш имконияти бўлади.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Б.Зиёмухаммедов “Таълим технологиялари” Тошкент 2012
2. Д. Рўзиева, М.Усманбаева, З.Ҳалиқова “Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши”. Тошкент-2013
3. Г.А.Джаналиева, М.Р.Тўлаганов “Мактабдан ташқари таълимда ўқитиш методлари”. Тошкент “ADIB”.2014
4. О.Авлаев ва бошқ “Таълим методлари” – Т.: “Навруз” нашриёти, 2017.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МОСЛАШТИРИШНИНГ ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ

Пўлатов Ж.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон Фармонида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузулмани яратиш, мамлакатнинг халқаро майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида қаратилган вазифаларда

бугунги спорт соҳасида бола шахсини ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва руҳий томонлама тайёрлаш масаласида давлат сиёсати даражасида қўйилиши муҳим ўрин тутди. Шундай экан, спорт мактабларида тренер-мураббийларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга берилаётган эътиборнинг қай даражада муҳим эканлигини намоён қилиб турибди.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими миллий таълим моделининг муҳим таркибий қисми сифатида педагоглар варахбарлар томонидан билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг бош манбаси ҳисобланади, шунинг учун ҳам, айнан мазкур тизим, маълум маънода, таълим тизими ходимларининг соҳада амалга оширилаётган модернизация жараёнларига тайёрлиги учун масъул ва шу боис унга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин ўқувчиларни спорт мактабларида қабул қилишда нафақат спорт йўналишларида боланинг жисмоний имкониятлари билан бирга индивидуал психологик хусусиятларига ҳам аҳамият қаратиш лозим.

Ўқувчиларнинг мактабда жисмоний машғулот ва спортнинг инсон организмига таъсирини чуқур англаб этмаслиги, ўзи севган бирорта спорт тури билан мустақил машқ қилишини ўрганмаганлиги натижасида уларда баъзи муаммоларга учраш ҳоллари руй беради. Бунинг сабаблари қуйидагилар: ота-оналарнинг ўз фарзандларига билим олиш ва мустақил равишда жисмоний машғулот ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит ёки режим яратиб бермаслиги; баъзи ўқитувчиларнинг ўқув дастури ва ўқитиш услубларини эгаллашда, мантиқан тушунишда спортга оид кўникма ва малакаларнинг қийинчилик билан ҳосил бўлиши; ўқувчиларнинг ёшига, қобилиятига, кучига нисбатан қўйилаётган талабларнинг мос келмаслиги; ўқувчиларга ва ҳ.к. Бу сабаблар ўқувчиларнинг ҳаддан ортиқ чарчасига ва асабий ҳолатнинг пайдо бўлишига олиб келади, уларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини пасайтириб юборади. Ҳозирги даврда ўқувчиларнинг жисмоний фаолият ва спорт соҳаларини яхши ўзлаштира олмасликлари сабабларини ўрганиш спорт психологиясининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Ўқувчиларда жисмоний ва психологик жиҳатдан қолақликнинг бир қанча сабаблари мавжудлиги аниқланган: ота-онанинг ичкиликка берилиши оқибатида ўқувчи ақлининг пастлиги, жисмоний жиҳатдан заифлиги; ёшлиқдан бола тарбиясига алоҳида эътибор берилмаганлиги ёки мия варахбий асаб касаллигига чалинганлиги; ўқувчининг иродасизлиги сабабли, бирорта фаолият турига қизиқмаслиги. Бу салбий ҳолатлар натижасида ўқувчи жисмоний чиниқишда ва билим олишда ночор аҳволга тушиб қолади. Баъзи мураббийлар бундай ўқувчини янада қаттиқроқ тақиб остига олиши, ёмон баҳо бериши оқибатида унинг руҳиятига салбий таъсир этиши билан бирга, спортга бўлган қизиқишини мутлақо пасайиб кетишига сабаб бўлади. Мураббийнинг ўқувчиларга нисбатан эътиборсизлиги, ўқувчи шахсини ҳурмат қилмаслиги, масалан, «Сендан яхши спортчи чиқмайди», «Сен гуруҳда энг бўш ўзлаштирувчи ўқувчи» каби танбеҳлар ўқувчи психологиясида салбий таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларнинг жисмоний-руҳий хусусиятлари ҳар хил бўлади: йил давомида жисмоний машғулотлар билан шуғулланиб юрган айрим ўқувчилар, баъзи бир сабабларга кўра (оилавий жанжаллар ёки организмдаги руҳий ва физиологик ўзгаришлар натижасида) яхши кўрсаткичларга эриша

олмайди. Лекин кутилмаганда «ўртача» кўрсаткичларга эга бўлган ўқувчи нормативларни яхши топширишга муваффақ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, ўқувчи хаяжонланган ҳолатида жисмоний қобилиятларни максимал даражада намоиш қилиш имкониятига эга бўлмайди. Албатта, тўғри йўлга қўйилган жисмоний машғулот ва спорт ишларининг ўзиёқ ўқувчиларда спортга бўлган қизиқишини тарбиялайди. Хар қандай спорт мусобоқаси ўқувчи учун қизиқарлидир. Ўқувчиларда спортга қизиқишни пайдо қилиш ва уни барқарор қилиш мактабдаги мураббийларга ҳам боғлиқ. Ўқувчиларда спорт ишларига қизиқишни вужудга келтириш ва унинг барқарорлигини сақлаб қолиш учун аввало, ўтиладиган машғулотларининг эмоционал, ёрқин ва жонли бўлиши, ташкил этилган спорт мусобоқалари келгусида касб эгаллаш, маълумотни ошириш ва соғлигини мустаҳкамлаш учун зарурлигини ўқувчиларга англадиб бориш катта аҳамиятга эгадир. Муайян спорт билан шуғулланган ўқувчилар ҳар доим тетик, фаол бўладилар. Бундай ўқувчиларнинг ҳаёти маъноли ва сермазмун бўлади. Ўқувчиларни спорт мактабларига йўналтиришда уларга спортда пайдо бўладиган муаммоли вазиятлар, ҳолатлар, жараёнлар ва буни туғри хал этиш кўникмаларига эга бўлишда қўйидагилар муҳим саналади: спорт мусобоқаси жараёнини психологик жихатдан таҳлил қилиш, спорт турларини алоҳида ва умумий таҳлил қилиш, спорт машғулоти ва мусобоқасининг спортчи характериға таъсирини ўрганиш, спортчиларнинг ахлоқий ва иродавий сифатларини ўрганиш, спортчи фаолиятининг шарт-шароитларини психологик таҳлил қилиш, спортчиларнинг ўзаро муносабатларини ва ташкилотчилик қобилиятларини жамоада тажриба ёрдамида шакллантириш каби тушунчалар ўқувчининг маълум бир спорт туриға ижтимоий мослашувини самарали таъминлашға имкон беради. Ўқувчиларни спорт мактабларига йўналтиришда чуқурроқ, объектив равишда тадқиқ этиш учун психодиагностик услублардан фойдаланиш мумкин. Психодиагностика – амалий психологиянинг тармоғи бўлиб, мақсади объект (шахс, гуруҳ,)нинг аниқ психологик (ижтимоий-психологик) ҳолатини ёки унинг айрим меъёрдан чекланишини аниқлашдан иборат. Психодиагностика жараёнида умумпсихологик методлар қўлланади: кузатув, тест, саволномалар, интервью, фаолият натижаларининг таҳлили ва ҳ.золар. Кузатув - диагностикада муҳим восита бу кузатувдир. Кузатувчининг тутган ўрниға қараб бевосита ва билвосита турлари фарқланади. Бевосита кузатувда психолог вазиятнинг иштирокчиси (масалан, ривожлантирувчи машқлар, психологик тренинг ва ҳ.золар) сифатида намаён бўлади, билвосита кузатувға мисол бўлиб машғулотдан ташқари вақтида бирорта бир ўқувчини кузатиш хизмат қилиши мумкин. Суҳбат- мазкур метод психолога-амалиётчи амалий кўникма учун муҳим психолог инструмент ҳисобланади. Суҳбат психологнинг барча иш шаклларига кирган. У психологик маслаҳат, психопрофилактиканинг асосини ташкил этиб, катталар ва болалар билан ишлашнинг ажралмас шаклидир. Психодиагностикада методикаларни қўллашдан аввал суҳбат ёрдамида бола билан унинг ички, маънавий дунёси танишилади, у билан ҳамкорлик муносабатлар ўрнатилади. Диагностик ишда қўйидагилар қўлланади: диагностик интервью, ёрдамида шахснинг турли ҳил фазилатлари ва ўзига хос психик ривожланиши тўғрисида маълумот олиш мумкин, шунинг учун бунлай интервью учун таркибига энг аввао тадқиқот гипотезаларини

текшириш учун чегараланган ҳажмда тест услублари киритилади. Тест деб « индивидуаллик ўртасида қийсий ўлчамларни ўрнатишга қаратилган қисқа вақтли, стандартлаштирилган, вақти чегараланган психологик текширув» Тестнинг ишончилиги маълум вақт ичида турғун маълумотлар олишдир. Саволнома ва анкеталар.Ўқувчиларни ижтимоий муносабатларга бўлган қизиқишлари, ҳолатлари саволнома ва анкеталар орқали аниқлик киритилади. Психодиагностика орқали спорт турига йўналтиришда унинг жисмоний ва руҳий хусусиятларининг ривожланиши ўрганилади. Жумладан, аниқ спорт турларининг махсус хусусиятларининг спортчининг мусобоқадан олдинги, мусобоқа вақтидаги, мусобоқадан кейинги руҳий ҳолатини ўрганади, ҳамда спортчининг мусобоқага тайёргарлигини, спорт машқини ажаришдаги руҳий кучланишга тайёрлаш жараёнлари, ақлий, ҳис-туйғулари, иродавий сифатлари аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон организмнинг ақлий, руҳий ва жисмоний имкониятлари чексиздир. Бундай хислатларни спортчиларда ривожлантириш ва ҳаётда амалий қўллашни ёшлик давридан бошлаш керак. Бунинг учун спортчилар ўзимкониятларини, фаолият функцияларининг хилма-хил қонунларини билишда, яъни ақлий меҳна тунумдорлигини оширишда, руҳий ва жисмоний фаоллик даражасини ўстиришда ва инсонни камолотга етишида руҳий фаолиқнинг аҳамияти каттадир.

ЗДОРОВЬЕСБЕРЕЖЕНИЕ КАК МЕДИКО- ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

Кон О.В.

Национальный университет Узбекистана

Современная образовательная политика в Республике Узбекистан характеризуется продолжением курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышением доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда. Одной из приоритетных задач становится воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей молодёжи с твердыми жизненными взглядами, повышение её социальной активности. Реализация данных ведущих установок, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан о стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан может быть достигнуто при условии создания образовательной среды, активно способствующей процессам обучения и воспитания. Данная среда должна быть благоприятной и безопасной, приносящей пользу человеческому здоровью, иметь комфортный, интеллектуальный и эстетический характер, способствовать реализации творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения, формированию здорового образа жизни среди детей и молодёжи, широкому привлечению их к физической культуре и спорту [1;63].

В работу по воспитанию созданию здоровьесберегающей среды в образовательном пространстве должны вовлекаться культурно-просветительские и медицинские учреждения, а также различные

общественные организации, администрация трудовых коллективов, политические партии и движения, которые эффективно используют возможности данной среды, превращая ее в субъект воспитания. Подобный подход вносит значительный вклад в воспитание совершенного поколения, где здоровье выступает как фундаментальная категория, определяющая не только качество жизни, но и качество образования. Здоровье – это базовая потребность человека, без учета которой невозможны самовыражение и самореализация личности.

Поскольку сущность процесса воспитания заключается в передаче молодому поколению культурных ценностей (значимых символов, идей, ценностей, обычаев и традиций, норм поведения и общественных ценностей), то сюда мы должны отнести и культуру здоровья. Культура здоровья – это сложное понятие, включающее в себя базовые свойства личности: целостность, способность к гармоничному взаимодействию с окружающей средой и к творческой самореализации. Очевидно, ответственность за сохранение и поддержку здоровья детей, формирование у них ценностного отношения к своему здоровью должна быть возложена на образовательные учреждения, но это совсем не означает, что педагоги в состоянии заменить медицинских работников. Следовательно, физическое воспитание и сбережение здоровья учащейся молодежи является не только социально-педагогической, но и медико-педагогической задачей. Цели образования устойчиво перекликаются с главной сутью медицины, состоящей в обеспечении жизнедеятельности, жизнестойкости и работоспособности людей.

При выборе ценностных критериев для оценки успешности проведения широкомасштабных реформ в сфере образования, по нашему мнению, следует особое внимание обратить на методологически важный принцип сохранения ценностных основ общества, и в первую очередь, генофонда и здоровья нации. Проф. Б.С. Гершунский отмечал, что именно образование, принципиально работающее на будущее, закладывает основы грядущих изменений в обществе, предопределяя, в конечном счете, его развитие в прогрессивном или, напротив, в регрессивном направлении. Однако, развитие и безопасность образуют некую меру, которая подчиняется своеобразному закону: чем интенсивнее мы развиваемся, тем более возрастают риски и сужается зона безопасности и комфорта. Если предположить, что данная закономерность проявляется и в обучении, то это делает систему образования не только одним из факторов общественного развития, но и фактором риска для детского здоровья.

За последние два десятилетия в мире проявляется тенденция роста заболеваний среди школьников, что подкреплено статистическими данными и результатами профилактических медицинских осмотров. По некоторым данным, около 70% дошкольников, школьников, студентов и педагогов имеют отклонения в физическом или психическом состоянии здоровья. Не последней причиной создавшегося положения является все возрастающая интенсификация учебного процесса («обучение в быстром темпе»), когда объем учебной нагрузки возрастает в соответствии с экспоненциальным законом, удваиваясь через несколько лет. Поэтому одним из признаков реализации критерия безопасности в учебном процессе должно стать отсутствие таких нежелательных диспропорций как перегрузка и недогрузка учащихся. Это

представляется возможным при условии, что темпы нарастания объема и сложности учебных задач будут в определенной мере учитывать темпы роста учебно-познавательных возможностей учащихся. С этой целью необходимо изучать комплекс биосоциальных и медико-педагогических факторов, которые определяют особенности учебных возможностей обучаемых, обязательно учитывая все их в динамике процесса обучения, корректируя его обычное течение с определенными моментами развития личности. Отсюда вытекает необходимость отказа от преимущественно принудительного контроля и переход к процессам самоконтроля, самооценки, обучающего контроля знаний без фиксации в негативном плане отклонений от учебной нормы усвоения материала, что обеспечивает потребности в безопасности.

Создание благоприятной дружеской психологической атмосферы во взаимоотношениях между учащимися и педагогами обеспечивает потребность в комфортности и предполагает снятие всех стрессообразующих факторов воспитательного процесса. Важную роль в рамках дидактической системы работы по здоровьесбережению играет принцип психологической комфортности, предполагающий снятие всех стрессообразующих факторов воспитательного процесса на основе реализации идей педагогики сотрудничества, создание в коллективе атмосферы радости, товарищества, доброжелательного, уважительного отношения к личности и индивидуальности каждого учащегося, признание за ним права на собственную точку зрения, позицию, развитие диалоговых форм общения.

Основным способом стабилизации здоровья учащихся выступает научно организованное внедрение арсенала форм и средств физического воспитания, проведение оздоровительных мероприятий, т.е. работа по здоровьесбережению. Здоровьесбережение (здоровьесохранение) – это система комплексных мероприятий по улучшению здоровья участников образовательного процесса, ориентированный на повышение качества обучения и профессиональной квалификации. Здоровьесбережение должно рассматриваться как обязательный критерий оценки качества обучения в целом, так и при оценке любой образовательной технологии, в частности. Принцип здоровьесбережения реализуется на общепедагогическом уровне и выступает как регулятив образовательного процесса, который призван запустить механизмы сохранения и обогащения адаптационных ресурсов детского организма. Таким образом, приоритетным направлением педагогической науки становится обеспечение оптимальных условий для всестороннего развития обучаемых. Спецификой здоровьесберегающей педагогики является приоритет здоровья и формирование в образовательных системах пространства, где обучение проходило без вреда для здоровья и с наибольшим комфортом для детей. Конечно, согласно общеметодологической версии теории обучения, меры, ориентированные на сбережение здоровья обучаемых не являются в полном смысле слова учебными действиями. Это означает, что здоровьесбережение не может рассматриваться в роли одной из главных целей образовательного процесса. Однако эти цели могут быть достигнуты лишь при удовлетворении первичных человеческих потребностей в безопасности и комфорте, отчего зависит, как правило, активное включение в учебную деятельность.

СПОРТДА ОВҚАТЛАНИШНИНГ ФАОЛИЯТГА ТАЪСИРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

Сатторов М.С.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият олиб бориш учун замон талабларига жавоб берадиган малакавий етук маҳоратли кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохатлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожланиши учун имкониятлар яратмоқда. Бу эса ўз навбатида жисмоний-тарбия ва спорт соҳасининг бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни тақоза этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон Фармонида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузулмани яратиш, мамлакатнинг халқаро майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги, лекин жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсиқликлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилган.

Спортчиларнинг организмидаги қувват алмашинуви ўз-ўзини бошқарувчи очиқ тизимдаги мувозанатнинг асосий қоидаларига мувофиқ равишда юз беради. Спортчида қувват мувозанатини қўллаб-қувватлаб турувчи мураккаб механизм мавжуд бўлиб, у овқат билан бирга қувват тушиш даражасига боғлиқдир. Алмашинув иккита асосий метаболик жараёнлар: катаболизм (диссимляция) ва анаболизм (ассимляция) жараёнлари доирасида юз беради. Бу жараёнлар катта ёшдаги соғлом одамда нисбатан мувозанатлашган тарзда рўй беради. Метаболизмнинг мувозанати бузилиши (дисбаланс) турли функционал бузилишлар, вақти келиб эса патологик жараён (касалланиш) ларнинг бевосита сабабчиси бўлади. Алмашувжараёнларининг интенсификацияси тургаоидваиндивидуалдаражада генетик детерминацияга эгадир.

Қувватий мувозанат деганда овқат билан тушаётган қувват ва унинг оптимал даражасидаги мувозанатли ҳолатни тушуниш лозим. Қувватий мувозанатнинг намоён бўлиши идаболалардаги ўсиш вивожланишининг кўрсаткичлари оптимал бўлса, катталарда – танавазни муқим (стабил) бўлиши кузатилади. Асосий қувват ташувчи нутриентлар – оқсиллар, ёғлар ва углеводлардир. 1 г оқсилнинг диссимляциясида организм 4 ккал қувват тўплайди (1 ккал = 4,18 кЖ). 1 г углеводнинг диссимляциясида эса 4 ккал қувват чиқади. Ёғлар нисбатан кўпроқ қувват потенциалига эга – 1 г ёғнинг парчланиши 9 ккал қувват беради.

Шунингдек, органик кислота (сирка, олма, сут, лимон) лар ҳам қувватга эга – 1 грамм 3 ккал атрафида қувват беради, алкоголь – 1 г этил спиртидан организм 7 ккал олади. Бунда органик кислоталар кундаликовқатланиш рационида каммиқдорда бўлганлиги туфайли қарий бамалий аҳамиятга эга эмас, алкогольга эса у физиологик жиҳатдан тўлиқ фойдаланилмаслиги туфайли қувва

тнинг овқатдагиманбаи гаўхшаш сифатда қаралмайди (тўғри, унинг ҳаддан ортиқ суистеъмоқчилиниши организмнинг қувват мувозанатини баҳолашдан азарга олиниши керак). Қувват мақсадида организм энг кўп углеводлар ва ёғлардан фойдаланади. Ушбу иккита макронутриентларнинг сезиларли танқислигида қувват манбаи сифатида овқат оқсил қисқа вақтга фойдаланилиши мумкин. Инсон организмда қувват асосан ёғ (турли тўпланмалар) ва оқсил (биринчи навбатда мушаклар массаси) сифатида захирада тўланади. Инсонда углевод захиралари қарийб йўқ (унча кўп бўлмаган миқдордаги гликогенни истисно қилганда) – уларнинг бари тезкорлик билан метаболик жараёнларда парчаланиб кетади, ортиқчалари эса ёғга айланади. Гигиена нуқтаи назаридан озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар хил турлари турлича характерланади. Овқатланишда макроэргик жараёнларнинг асосий тузилмавий ва регулятор таркибий қисмлари – таркибида алмаштирилмас аминокислоталар ва макронутриентлар салмоқли миқдорда бўладиган (шу жумладан, юқори қувватли) маҳсулотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бухолда орган измда физиологик жиҳатдан тўлақонли модда алмашинуви юз беради.

Маҳсулот таркибида организм учун қувват бермай диган моддалар (сувлар, овқат толалари) қанчалик кўп бўлса, у шунчалик кам калорияли бўлади. Асосан ёғлар, моно-вадисахаридлар (шу жумладан, “яширин” деб аталувчилар) дан ташкил топадиган маҳсулотлар, шунингдек, алкоголь ҳам юқори калорияли ихсобланадиган организмда ёғлар синтезланиши ва тўпланишига (ёғ ва углевод алмашинуви бузилиши билан бирга), параллел равишда қувват алмашинуви даиштирок этадиган танқис макронутриентлар сарфланиши ва ассимиляция учун жавобгар бўлган гормон механизмларининг зўриқишига олиб келади. Овқатланиш мақсадларида янги оқсилли захиралардан фойдаланиш иккита ўзаро боғланган – технологик ва тиббий муаммоларга боғлиқдир. Биринчиси, оқсилли манбаларни излаш, оқсилларни ажратиш ва тўплаш усуллари асослаш, ундан овқатланиш саноати даражасида рационал фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш билан даҳлдор масалалар доираси билан аниқланади. Иккинчи муаммо эса кимёвий таркиб таҳлили, хавфсизлигини ўрганиш, озуқавий ва биологик қийматини аниқлаш ва овқатланишда янги оқсилли маҳсулотларни қўллашнинг оптимал йўллари асослаш зарурияти билан боғлиқдир. Энг мураккаб масала, афтидан, янги оқсилдан фойдаланишнинг технологик рақиблиги ва гигиеник оптималлиги ўртасидаги оқилона мувозанатни излашдан иборат бўлиши керак. Таркибида протеин бўлган хом-ашёни қайта ишлашнинг энг мақсадга мувофиқ пировард маҳсулоти қуйидагилардир: оқсил ажратилиб ва эритилиб, кейин изоэлектрик нуқтада чўктириб олинadиган оқсил изолятлари (протеин 90% дан кам эмас); оқсилсиз маҳсулотлардан мувофиқ хом-ашёни тозалаш билан олинadиган оқсил концентратлари (протеин 65% дан кам эмас). Ушбу кўринишлар нафақат озиқ-овқат саноати учун қулай бўлибгина қолмай, балки дастлабки хом-ашёни технологик қайта ишлашда йўқотиладиган захарли ва антиалиментар моддалари ҳам энг кам миқдордадир.

Хулоса қилиб айтганда спортда овқатланишнинг фаолиятга таъсири ёш спортчиларнинг физиологик ривожланиш билан бирга психологик тайёргарликларида муҳим аҳамият касб этади.

НЕПРЕРЫВНОЕ РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ В УСЛОВИЯХ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Матназарова М.Б.

Главной научно-методический центр при МВССО

В нашей стране в развивающейся системе непрерывного образования, особое место занимает система переподготовки и повышения квалификации в соответствии с социальными требованиями.

По результатам рассмотрения процесса развития профессиональной компетенции педагогических кадров высших образовательных учреждений можно сделать следующие выводы:

1. Непрерывно развитие профессиональной компетентности педагогических кадров высших образовательных учреждений в условиях системы образования Республики Узбекистан целесообразно рассматривать и осуществлять с учетом следующих условно выделенных методических направлений:

- повышение квалификации педагогических кадров в действующей системе последиplomного образования;
- повышение квалификации педагогических кадров в системе методической деятельности высших образовательных учреждений;
- индивидуальная самообразовательная работа педагогических кадров высших образовательных учреждений.

При этом данные направления взаимосвязаны и взаимообусловлены структурно-функциональными составляющими методической системы развития профессиональной компетентности педагогических кадров высших образовательных учреждений, а их выделение позволяет более целенаправленно осуществлять исследуемый процесс.

2. Совершенствовать действующий механизм непрерывного развития профессиональной компетентности педагогических кадров высших образовательных учреждений целесообразно с помощью:

- подготовленного модуля (в рамках методического направления - повышение квалификации педагогических кадров в действующей системе последиplomного образования), предназначенного для педагогических кадров осуществляющих подготовку в Главном научно-методическом центре организации переподготовки и повышения квалификации педагогических и руководящих кадров системы высшего образования при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан;
- специально подготовленного тематического плана научно-методического семинара (в рамках методического направления - повышение квалификации педагогических кадров в системе методической деятельности высших образовательных учреждений) предназначенного для практической реализации непосредственно в высших образовательных учреждениях;
- специально подготовленной базовой программы по самообразовательной

работе (в рамках методического направления - индивидуальная самообразовательная работа педагогических кадров высших образовательных учреждений) предназначенной для практической реализации непосредственно педагогическими кадрами в высших образовательных учреждениях.

3. Проведенное многоэтапное эмпирическое исследование позволило подтвердить должную эффективность подготовленных совершенствований непрерывного развития профессиональной компетентности педагогических кадров высших образовательных учреждений:

- в результате практического применения модуля количество педагогов с выше средним уровнем развития профессиональной компетенции значительно повысилось с 2,5 % (1 чел.) до 52,5 % (21 чел.), со средним уровнем развития признака снизилось с 72,5 % (29 чел.) до 47,5 % (19 чел.), с ниже средним уровнем развития признака значительно снизилось с 25 % (10 чел.) до 0;

- в результате организации и проведения научно-методического семинара согласно подготовленного тематического плана количество педагогов с выше средним уровне развития профессиональной компетенции значительно выросло с 5,7 % (2 чел.) до 42,9 % (15 чел.), на среднем уровне и на ниже среднем уровне снизилось с 68,6 % (24 чел.) до 48,6 % (17 чел.) и с 25,7 % (9 чел.) до 8,5 % (3 чел.);

- в результате организации и проведения самообразовательной работы согласно подготовленной базовой программы количество педагогов обладающих выше средним уровнем развития профессиональной компетенции значительно вырос с 4 % (1 чел.) до 48 % (12 чел.), на среднем уровне снизился с 72 % (18 чел.) до 44 % (11 чел.), соответственно на ниже среднем уровне значительно снизился с 24 % (6 чел.) до 8 % (2 чел.).

Литература

1. Исмадияров Я.У., Исянов Р.Г. Роль самостоятельного образования при улучшении эффективности подготовки студентов к управленческой деятельности // Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида мустақил таълим: муаммо ва ечимлар. Материалов республиканской научно-практической конференции. - Гулистан, 2012.- С.120-122.

2. Бегимкулов У., Шоймардонов Т., Адашбоев Ш. и др. Мониторинг процессов повышения квалификации и профессиональной деятельности педагогических кадров высших образовательных учреждений // Sabiedrība, integrācija, izglītība, 2014, №1. - С. 33-41

ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдужабаров Н.А., Джаналиева Г.А.

ТДТУ ПКҚТ ва УМОТМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ №4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам таълим тизими олдида жуда катта вазифа ва

маъсулиятни юклади.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида урғу қўйилган бўлиб, ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонимиз, халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби таълим соҳасида ҳам илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишни устувор вазифа этиб белгилаб берилди.

Бундай шароитда, юқори малакали педагогларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол ёш - авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фанининг фундаментал асосларини пухта эгаллаган, педагогика ва психология методлари билан чуқур қуролланган, тиббий тайёргарлиги юқори даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини яхши ўзлаштириб олган юқори малакали ижодкор маданиятли педагогларни шакллантириш талаб этилади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашиш талабаларда янги тажриба эгаллашга интилишни ривожлантириш, ижодкорлик ва танқидий фикрлаш, келажакка умид билан қараш каби хислатларни тарбиялайди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тармоқ марказларида ҳам ўқув жараёнини ташкил этишда инновацион таълим методлардан фойдаланиб машғулотларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бизга сир эмаски қайта тайёрлаш ва малака оширишга келадиган тингловчиларнинг аксарияти илмий салаҳияти, кўп йиллик иш тажрибаларига эга бўлган профессор-ўқитувчиларни ташкил этади.

Бундай салоҳиятли профессор-ўқитувчиларга дарс ўтишда анъанавий таълим методларидан фойдаланиш ҳозирги кун даврига тўғри келмайди. Ҳамда анъанавий таълим методлари асосида ташкил этиладиган машғулотларда барча тингловчиларни фаоллаштиришга ва қизиқтиришга имкони бўлмайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда малака оширишда дарс берадиган ҳар бир ўқитувчи ўқитиладиган модулининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим олувчиларни қизиқтирувчи, фаоллаштиришга ёрдам берувчи турли хил интерфаол таълим методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мингдан ортиқ интерфаол таълим методлари ўқув жараёнида қўлланиб келинмоқда. Бу дегани барча интерфаол таълим методларни ҳамма машғулотларда қўллаб бўлади дегани эмас.

Таълим методлари қўйидаги таълим методларни танлаш мезонлари асосида танланади:

Таълим методларини танлаш мезонлари				
Дидактик вазифасига кўра	Таълим олувчиларнинг имконияти ва сонига кўра	Моддий техник шарт-шароитга кўра	Ажратилган вақтга кўра	Таълим берувчининг маҳоратига кўра

Дидактик вазифасига кўра деганда ўтиладиган мавзунинг мақсади, қўтилаётган натижалар, дарс тури, дарс шакли ва ўқув материал мазмунига ва мавзунинг мураккаблигига ҳам боғлиқдир.

Таълим олувчиларнинг имконияти ва сонига кўрадеганда таълим олувчиларнинг психологик хусусиятлари, билим даражалари ва албатта таълим олувчилар сонига боғлиқ бўлади. Таълим олувчилар сони дейилганда шундай методлар борки таълим олувчилар сони билан кичик гуруҳлар они бир ҳил бўлишини талаб этади.

Таълимнинг давомийлигидеганда ўқув модул мавзуларининг давомийлиги табиийки, метод танлашга таъсир этади. Таълим муддати шунчалик чегараланган бўлиши мумкинки, кўп вақт талаб қиладиган методни сиз уйлаганчалик тез-тез ишлатиш имконини бермайди.

Шунинг учун мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқиб, агар мавзумураккаб бўлса асон, тез вақт кам талаб қиладиган методлардан, агар мавзу мазмуни осон олдин ўтилган мавзулар билан чамбарчас боғлиқ бўладиган бўлса мураккаб вақт кўп талаб қиладиган методлардан фойдаланиш мумкин.

Ўқув-моддий техник шароит-шароитлари деганда и н т е р ф а о л методларни қўллаганимизда тарқатма материаллар, ранги қағозлар, флипчарт қоғозлари, пинборд доскаси, магнитлар, маркерлар, скоч, қайчи ва ҳақозалар бўлишини талаб этади.

Инновационное обучение – это процесс и результат такой учебной и образовательной деятельности, которые стимулируют внесение инновационных изменений в существующие традиционные обучающие методики, формы и методы контроля качества образовательного процесса. Подготовка высококвалифицированных медицинских работников напрямую зависит от профессионализма преподавателей, их творческого отношения к своему предмету, так как именно педагог обеспечивает ориентацию слушателей на развитие и саморазвитие своих способностей, формирует их отношение к учебе, готовит не только хорошо теоретически и практически подготовленного

медицинского работника, но и воспитывает целостную, творчески мыслящую личность со сформированным чувством медицинского и гражданского долга.

Реализация образовательного процесса, обеспечивающего принцип непрерывности образования, и переход от принципа образования «на всю жизнь» к принципу «через всю жизнь» должна осуществляться с использованием трех компонентов образовательного процесса:

1. Традиционные образовательные ресурсы (лекции, практические занятия, презентации, модели, видеоролики).

2. Самостоятельные обучающие ресурсы, требующие участия преподавателя (подготовка докладов для выступления на научно - практических студенческих конференциях, подготовка к конкурсам и олимпиадам, контролируемая самостоятельная работа слушателей, контроль результатов).

3. Автономные обучающие ресурсы, не требующие участия преподавателя (дистанционное обучение, мультимедийный курс для самостоятельного изучения, электронные версии учебников и учебных пособий, интернет-ресурсы).

Наука - основной фактор инноваций и прогресса во всех сферах деятельности человека. Одним из условий успешного обучения является стимулирование клинического мышления слушателей, применение междисциплинарных подходов при наделении их знаниями, навыками и умениями.

Целью исследования явилось изучение информированности медицинских сестер медицинских учреждений Министерство обороны Республики Узбекистан, обучавшихся на циклах повышения квалификации в 2017 году новых технологиях обучения на курсах повышения квалификации.

Материалы и методы. Методика исследования включила разработку анкеты и проведение тестирования. В опросе участвовали медицинские сестры, работающие в лечебно-профилактических учреждениях Министерство обороны Республики Узбекистан прошедшие обучение в 2017 году на циклах повышения квалификации терапевтического профиля. Стаж работы от 1 до 10 лет, средний возраст - 35 лет.

Определяли, насколько медицинские сестры знакомы с новыми технологиями обучения. Слушателей цикла усовершенствования особенно привлекает желание и умение педагога войти в их положение, доброжелательность.

Для организации учебного процесса наши преподаватели готовят «Методические разработки по соответствующей теме и для самостоятельной работы», куда включены цель изучения тем, перечень навыков и знаний, необходимых для усвоения, тематическое планирование, методические инструкции, контрольные вопросы, тестовые задания с эталонами ответов, ситуационные задачи и эталоны их решения. Используемое в ходе занятий мультимедийное сопровождение лекций позволяет слушателям ознакомиться с новейшими достижениями в пульмонологии, кардиологии, гастроэнтерологии, интенсивной терапии. Видеоматериалы дают наглядное представление о технике декантамации рук при проведении чистых и стерильных манипуляций, оказании неотложной помощи при удушении, болях в области сердца и других неотложных состояниях. Вопросы и задачи могут быть разнообразными, они зависят от поставленных целей.

Все это позволяет слушателям применять полученные знания в практических целях (оказание неотложной помощи, уход за пациентами

пожилого и старческого возраста надому). Широко используются активные методы обучения, в частности «работа в малых группах». Этот метод выдвигает на первый план влияние межличностного общения и межличностного взаимодействия через обучение. Это повышает личную ответственность, приносит удовлетворение от совместного переживания процесса познания нового, участия в успехе. Этическое требование гуманности, милосердия к повседневной профессиональной деятельности медицинской сестры означает требование их высокого профессионализма. В своих лекциях преподаватели постоянно подчеркивают социальный аспект гуманного, милосердного отношения к пациенту. Подчеркивается важность такого тезиса, как «забота о пациентах» являющегося важной составляющей «Этического кодекса медицинской сестры».

Такая форма организации учебного процесса стимулирует у медицинских сестер привычку к постоянной и непрерывной учебе, обеспечивает систему, включающую в себя самообразование и развитие специалиста в условиях образовательной и профессиональной деятельности, способного работать в условиях рыночной экономики и обновленного демократического общества.

Заключение. Дистанционное обучение является новой эффективной формой организации учебного процесса из вышеизложенных трех компонентов, еще не полностью внедренной в практику медицинских образовательных учреждений.

Традиционно под дистанционным понимаются образовательные технологии, реализуемые в основном с применением информационных и телекоммуникационных технологий при опосредованном (на расстоянии) или не полностью опосредованном взаимодействии слушателя курса повышения квалификации и преподавателя.

В отличие от традиционного обучения, в котором образовательную деятельность осуществляет преподаватель, в системе дистанционного обучения слушателю предоставляются интернет-ресурсы, электронные учебники, электронные версии учебно-методических пособий, мультимедийный курс для самостоятельного изучения, тестовый материал для контроля.

Современные медицинские работники должны быть подготовлены к тому, чтобы систематически перерабатывать мощный поток информации, интегрировать знания из электронных обучающих программ. Компьютерные и информационные технологии создают не только новые условия труда, но и новую среду обитания с выходом на громадный информационный ресурс человечества, то есть новый тип отношения человека с миром.

В результате такого подхода к образовательной деятельности у слушателей курса повышения квалификации появляется совокупность устойчивых навыков эффективного использования достижений цивилизации, а именно воспитание мотивации и навыков применения современных информационных технологий.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

Нурмурадов А.Р.

Муаммоли таълим технологиялари тингловчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Муаммоли таълим технологиясининг асоси инсоннинг фикрлаши муаммоли вазиятни ҳал этишдан бошланиши

ҳамда унинг муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш ва ечиш қобилиятига эга эканлигидан келиб чиқади. Муаммоли таълим тингловчиларнинг ижодий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ўстиришда жиддий аҳамиятга эга.

Муаммоли таълимнинг бош мақсади — тингловчиларнинг муаммони тўлиқ тушуниб етишига эришиш ва уларни ҳал эта олишга ўргатишдан иборат. Муаммоли таълимни амалиётда қўллашда асосий масалалардан бири ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ муаммоли вазият яратишдан иборат.

Турли ўқув фанлари бўйича ўқитувчилар дарслар жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилишни ва уларни ечиш усулларини олдиндан кўзда тутишлари керак.

Муаммоли вазият яратиш усуллари:

- ўқитувчи тингловчиларга дарс мавзуси билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтиради ва уни ечиш йўлини топишни таклиф қилади;
- бирмасалага доир турлинуқтаи-назарларни баён қилади;
- ҳал этишчунетарлибўлмаган ёки ортиқча маълумотларбўлган ёкисаволнингқўйилиши нотўғри бўлган масалаларниечинитаклифэтадива бошқалар.

Муаммоливазиятнихал этишдаражалари:

- ўқитувчи муаммониқўяди ва ўзи ечади;
- ўқитувчи муаммониқўяди ваунингечиминитингловчиларбиланбиргалик датапада;

- тингловчиларнингўзларимуаммониқўядиларваунингечиминитопадилар.

Муаммоливазиятниецишдақўлланиладиган усуллар:

- муаммонитурли нуқтаи назарданўрганиш, таҳлил қилиш;

- солиштириш, умумлаштириш;

- фактларни аниқлаш ва қиёслаш;

- вазиятга боғлиқ хулосалар чиқариш;

- тингловчиларнинг ўзлари аниқ саволлар қўйиши ва бошқалар.

Муаммоли таълимтехнологияси жуда қадим замонлардан шаклланиб келмоқда. Жумладан, Қадимги Грецияда муаммоли савол-жавоблар, Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда муаммоли баҳс-мунозаралардан кенг фойдаланилган. Муаммоли таълимни америкалик психолог, файласуф ва педагог Дж. Дьюи 1894 йилда Чикагода ташкил этган тажриба мактабида қўллаган. XX асрнинг 60-йилларида бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилди. 70 —80-йилларга келиб, амалиётга кенг жорий этилди.

Муаммоли таълимнинг асосий ғояси билимларни тингловчиларга тайёр ҳолда бериш эмас, улар томонидан дарс мавзусига тегишли муаммолар бўйича ўқув-тадқиқотларини бажариш асосида ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистонда муаммоли таълимни қўллаш бўйича бир неча асрлар давомида мактабларда сукротона савол-жавоб усулидан кенг фойдаланиш асосида тингловчиларда зийраклик, ҳозиржавоблик сифатлари ҳамда гўзал нутқ таркиб топтирилган.

Сукротона савол-жавоб усули ҳозиргача энг самарали таълим усулларида бири сифатида қўлланилади. Бунда тингловчи чуқур мантиқий фикрлашга, зийракликка, аниқ ва тўғри сўзлашга, нутқнинг мантиқийлиги ва равонлигига ҳамда танқидий, ижодий фикрлашга ўргатилган. Масалан, Сукротона суҳбатлар

деганда ўқитувчининг тингловчини мустақил ва фаол фикрлаш жараёнига олиб кириши ҳамда унинг фикрлашидаги нотўғри жиҳатларни зийраклик билан аниқлаган ҳолда уларни тузатиш йўлига олиб чиқишдан иборат усуллар назарда тутилади.

Бундай суҳбат босқичларини қуйидагича соддалаштириб ифодалаш мумкин:

Савол-жавоблар орқали тингловчининг билим даражаси ва фикрлаш қобилиятини умумий тарзда аниқлаш.

Ўрганилаётган мавзунинг мазмунини тингловчи мотивларига мувофиқлаштириш. Бу асосан, тингловчининг қизиқиш ва қобилиятларига мос бўлган мисоллар танлаш орқали амалга оширилади.

3.Тингловчини фаол мулоқотга олиб кириш. Бунда асосан рағбатлантириш усулларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи ўзини билмайдиган одамдек, тингловчидек тутиб, саволлар бериб боради.

Тингловчининг тўғри фикрларини мақташ орқали уни янада эркин ва чуқурроқ фикрлашга, сўзлашга жалб қилиш.

Тингловчининг хато фикрларини аниқлаб бориш.

Тингловчининг хато фикрларига нисбатан тўғри фикрни ўқитувчи томонидан яққол мантиқий асосланган шаклда баён қилиш ёки тушунтириш орқали тингловчи учун муаммоли вазият яратилади ва тингловчини ўз хатоларини ўзи тузатишига йўналтирилади.

Бундан кўриниб турибдики, ушбу усул юқори натижа бериши шубҳасиз бўлиб, аммо бунинг жиддий шартлари ҳам мавжуд. Булар ўқитувчининг кенг билимга ва ижодий фикрлаш қобилиятига, юқори мулоқот маданиятига, педагогик маҳоратга эга бўлиши кабилардан иборат.

Муаммолитаълиммашғулотларини ташкил этиш ва бошқариш

Муаммолитаълиммашғулотларини ташкил этиш ва бошқариш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

—ўқув фани ва дарслар мавзусини ўргатишда улар билан боғлиқ муаммолимасалаларни белгилаш;

—улардан муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш ва амалда фойдаланишни олдиндан режалаштириб бориш;

тингловчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш;

зарур ўқув воситаларини тайёрлаш;

муаммоли вазиятдаги мавжуд зиддиятни кўрсатиш;

—топшириқни ва уни ечиш учун етарли шартларни аниқ баён қилиш;

—тингловчиларнинг муаммони ҳал этишда йўл қўяётган хатоларини, уларнинг сабабини ва хусусиятини кўрсатиш;

—тингловчиларнинг нотўғри тахминлари асосида чиқарган хулосалари оқибатини муҳокама этиб, тўғри йўлни топишларига кўмаклашиш ва бошқалар.

Муаммолитаълимжараёнини қуйидаги учта асосий босқичга ажратиш мумкин:

1. Муаммоли вазият ҳосил қилиш.

2. Муаммони ечиш тахминларини шакллантириш.

3. Ечимнинг тўғрилигини текшириш (олинган ечим билан боғлиқ ахборотни тизимлаштириш орқали).

Муаммоли вазият ҳосил қилишда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

Муаммолар назарий ёки амалий йўналишда бўлади. Дарсда ҳосил қилинадиган муаммоли вазият ҳамда тингловчиларга ҳал этиш таклиф этиладиган муаммога қўйиладиган энг асосий талаб-тингловчиларнинг қизиқишини оширадиган, энг камида эса тингловчиларда қизиқиш ҳосил қиладиган бўлиши кераклигидан иборат. Акс ҳолда кўзда тутилган натижага эришиш имкони бўлмайди.

Муаммо тингловчиларнинг билим даражаларига ҳамда интеллектуал имкониятларига мос бўлиши шарт.

Ҳосил бўлган муаммоли вазиятни ечиш учун топшириқлар янги билимларни ўзлаштиришга ёки муаммони аниқлаб, яққол ифодалаб беришга ёки амалий топшириқни бажаришга йўналтирилган бўлади.

Тингловчиларнинг муаммоли вазиятни тушунишлари, унинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда нималарга, қанчалик даражада боғлиқлигини идрок қила олишлари натижасида ҳосил бўлади. Бундай тушуна олиш эса тингловчиларга мустақил равишда муаммони ифодалай олиш имкониятини беради.

Муаммони ечиш тахминларини шакллантиришда тингловчи ўзлаштирган билимлари асосида кузатиш, солиштириш, таҳлил, умумлаштириш, хулоса чиқариш каби ақлий фаолиятларни бажаради.

Ақлий фаолиятдаги асосий жараён фикрлаш жараёни бўлиб, фикрлашнинг сифати унинг мантиқийлиги, мустақиллиги, ижодийлиги, илмийлиги, асослиги, ўзвийлиги, тежамлилиги, мақсадлилиги, тезлиги, таҳлилийлиги, қиёсийлиги, умумлаштирилганлиги, хусусийлаштирилганлиги, кенглиги, чуқурлиги, ишонарлилиги, реаллиги, ҳаққонийлиги даражаси билан белгиланади.

Шу билан бирга интеллектуал сифатлар хотира, тасаввур, англаш ва шу каби психологик жараёнларнинг тезлиги ҳамда бошқа параметрлари билан боғлиқ.

Интеллектуал тараққиёт даражаси ўқитувчиларда ҳамда тингловчиларда қанча юқори бўлса, шунчалик яхши натижаларга эришиш имконияти ҳосил бўлади.

Шунга кўра тингловчиларда муаммони сезиш, уни аниқлаш, ечимига доир тахминни тўғри белгилаш ва ечимнинг тўғрилигини текшириш қобилиятлари ривожланиб боради.

Муаммони ҳал этишни 3 та босқичга ажратиш мумкин:

Исботлаш — бу муаммонинг илгари тўғри деб тан олинган сабаблар билан боғлиқликларини топиш асосида амалга оширилади.

Текшириш — буни танланган сабабнинг оқибатида ҳал этилаётган муаммо ҳосил бўлиши тўғрилигини асослаш билан амалга оширилади.

Тушунтириш — бу муаммонинг ечими нима учун тўғрилигини тасдиқловчи сабабларни аниқлаш асосида амалга оширилади.

ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ФАОЛЛАШТИРИШ АҲАМИЯТИ ВА ОМИЛЛАРИ

Ярашев С.С.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ривожланиб бориши, олий ва ўрта махсус, олий таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини янада такомиллаштириш; фан-техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда талабаларни касб-ҳунарга ўргатишда уларнинг изланувчанлик, ижодкорлик, фикрлаш қобилиятларини юксалтириш, нутқ маданиятини

ўстириш; касб-хунар сирларини пухта эгаллашларида ахборот-коммуникацион технологиялар хизматидан мақсадли равишда самарали фойдаланиш; таълим оловчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммолардан биридир.Замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларда касбий малакаларини шакллантиришда уларнинг мустақил ўрганиши ва муаммони ҳал этишда ижодий ёндашиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хусусиятлар таълим оловчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва билим олишларини фаолиятини фаоллаштириш орқали шакллантирилади.

Таълим оловчиларнинг онглилиги ва фаоллигини ошириш учун ўқитиш жараёни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.Бернард Шоу бир кун: “Агар сиз одамни ўқитиб, бирор нарсага ўргатмоқчи бўлсангиз, у ҳеч қачон ҳеч нарсани ўрганмайди” деган экан. Материални яхши ўзлаштириб олиши учун таълим оловчи шу материал устида фаол ишлаши керак. Шунчаки қулоқ солиб тинглаш ёки кўздан кечириб чиқишнинг ўзи етарли эмас. Таълим оловчи материални ўйлаб кўриши, муҳокама қилиб чиқиши ёки мазкур мавзуга доир мустақил иш топшириғини бажариши керак.Таълим оловчи мустақил ва ижодий фаолияти объект-жараён ва ҳодисаларни кузатиш, таққослаш, бир-биридан фарқли жиҳатларини аниқлаш, умумлаштириш каби хусусиятлар орқали кўзланган мақсадига эришиши мумкин. Демак фанларни ўқитишда ҳам таълим оловчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолияти ўз-ўзидан фаоллашмайди, у энг аввало ақлий ва онгли муносабат натижасида юзага келади[10]. Таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштиришдан олдин уларнинг дастлабки билим даражаси, ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллаш олиши кўникмаларни ҳамда мустақил ишлаш қобилиятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу хусусиятларни ҳар томонлама таҳлил қилмай туриб, талабаларнинг фаол фаолият кўрсатиш даражаси ҳақида фикр юритиб бўлмайди.Демак, таълим оловчиларнинг ўқув-билиш ва ўқув амалий фаолиятларини фаоллаштиришга йўналтирилган фаол таълим методларини ўрганиш, уларнинг педагогик технологиялар тизимида ўрни ва ролини аниқлаш ва ўқув жараёнида қўллаш методикаларини ишлаб чиқиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таълим тизимида метод тушунчасига тўхталадиган бўлсак унинг маъноси-кўзланган ўқув мақсадига эришиш учун аввалдан белгиланган энг аниқ ва қисқа йўлдир. Тадқиқотларда метод бир муаммони ечиш, бирор тажрибадан натижа олиш, бир мавзунини ўрганиш ёки ўргатиш каби мақсадларга эришиш учун билиб танланган ёки шунга қараб бориладиган йўлдир деб таърифланади.Баъзи педагогик адабиётларда метод атамаси ўрнига метод сўзи ҳам ишлатилиб келинмоқда. Масалан, метод – (грекча *metodos* сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади) конкрет вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўллариининг йиғиндиси деб таъриф берилади.

Кейинги пайтларда педагогик амалиётда кўпдан “Таълимнинг фаол шакл

ва методлари” атамаси қўлланила бошлаган. У талабалар ўқув фаолиятининг юксак даражасини таъмин этувчи қатор педагогик технологиялар гуруҳини ўзида уйғунлаштиради. Сўнгги вақтларда эса яна бир атамаси кенг тарқалган бўлиб, у-“интерфаол таълим” дир. Interactive Learning атамаси инглиз тилида таълим субъекти (ўқитувчи, тренер, раҳбар, бошқарувчи) билан фаол алоқадорликка асосланган таълим маъносини англатади. Моҳиятан у коммуникатив технологиянинг вариантларидан бири (модел)ни билдиради. Бошқачароқ қилиб айтганда, интерфаол таълим-таълим объекти ва субъекти ўртасидаги аъло даражада ташкиллаштирилган ўзаро ҳамкорлик муносабатидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иккиёқлама (тескари) ахборот алмашинувига асосланади. Таълим методи белгиланган ўқув мақсадига кафолатли эришиш учун ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг тартибга солинишидир. Фаол таълим методларисиз қўйилган ўқув мақсадига, эришишда билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришга, таълим натижаларига эришиш қийин.

Ўқитувчи томонидан бундай фаол методларни тадбиқ этилиши талабаларни меҳнат қилишга, диққатини тортишга ўзустида мустакил ишлашга, фикрлашга, изланишга ундайди, дарсларга қизиқиши ортиб, қатнашиши фаоллашади. Биз, фаоллаштиришни таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган асосий факторлардан бири сифатида қараймиз. Фаоллаштириш лотинча сўздан олинган бўлиб -фаол, ишчан) маъносини англатади, яъни шахснинг ақли ва иродасини кучайтириш орқали унинг билим олиш ва ўргатиш, фаоллаштириш қобилиятини тушунилади. Фаол таълим деганда, - биз таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақил ва ижодий қобилиятларини ривожлантирувчи омиллар мажмуини тушунаемиз.

Таълим олувчининг умумий фаоллиги унинг билим ва кўникмаларни эгаллаш, жараён ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаб олишга қаратилган фаолиятини билдиради. Я.Я.Юрченко таълим олувчиларни фаоллаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланиш юқори самара беришини таъкидлаган:

ўрганилаётган ўқув материалларини долзарблаштириш;

муҳим ўқув материалга таълим олувчилар диққат-эътиборини тортиш;

таълим олувчиларда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиш ва унинг тўғрилигини ҳимоя қилишга шарт-шароит яратиш;

ўзлаштирилган материални илмий-амалий жиҳатдан баҳолашга ундаш;

- ўрганилаётган мавзу, бағишланган манбаларни мунтазам равишда кўргазмалар тарғиб этиш. Фаоллик туфайли шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар таълим олувчининг “шахсий мулки”га кўчади ва бу билимларни истаган пайтда ишга солиш имкониятига эга бўлади. Дастлабки изланишлар шуни кўрсатдики, таълим олувчиларни фаоллаштириш қуйидагиларга имконият яратади:

таълим берувчи ва таълим олувчилар орасида онгли муносабатларни ўрнатилишига;

таълим олувчиларнинг мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга;

таълим олувчиларнинг ахборот манбалари билан мустақил ишлашларига;

таълим олувчиларнинг машғулотларга мунтазам ва тўлиқ иштирокини

таъминлашга;

таълим олишга қизиқиш уйғотади;

Ўқитувчи қанчалик таълим олувчиларда ёқимли эмоционал тасаввурлар ҳосил қила олса, янги ўқув материални ўзлаштириш жараёнида уларнинг фаоллигичунчаошади. Шунитаъкидлашжоизкиўқитишнингмуваффақиятли бўлиши учун таълим олувчи томонидан билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш жараёнининг ҳар бир босқичида ўқитувчи уларнинг онгли фикр юритиш фаоллигини вужудга келтиради ва ташкил этади.

Онглилик аввало таълим олувчи эришиш керак бўлган ўқув мақсадларини, ҳамда ўрганилаётган материал мазмуни ва ўзи бошқариш лозим бўлган топшириқларнинг мазмунини тушунишдан иборатдир. Шунингдек онглилик шуни такозо киладики, таълим олувчи ўқув материални механик тарзда ёдлаб олмайди, ёки топшириқни механик тарзда бажармайди, балки топшириқни шу тарзда бажарганлигининг моҳиятини тушунтириб бера олади, ўқитувчининг саволларига берган ўз жавоблари билан у ўрганилаётган ўқув материалнинг маъносини ҳақиқатан ҳам тушунишини намоён қила олади.

Онглилик, шунингдек таълим олувчининг топшириқларини бажаришга масъулиятли муносабатини билдиради. Онгли фикрловчи ва ишловчи таълим олувчи ҳар қандай ўқув топшириғини ўз вақтида ва аниқ бажаришга ҳаракат қилади. У зарурий ҳолларда ўқитувчиларнинг ёки иқтидорли ўқувчиларининг ёрдамига таяниб топшириқнинг мустакил бажаришга интилади. Тадқиқотларда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш масаласи ўқув жараёнининг муҳим вазифаларидан кўп таъкидланади. Ўқув жараёнини оқилона, тўғри ташкил қилиш, ўқитишни замонавий усуллари ва хориж тажрибаларидан фойдаланиб ташкиллаштириш дарс самарадорлигини оширибгина қолмасдан, таълим олувчиларнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини ва эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

И.А.Аллаёров «фаол таълимнинг дидактик асослари – бу, жараён иштирокчиларининг онгли, оқилона муносабатларини ўрнатилиши ва юқори сифат ҳамда самарадорликни таъминланиши» деб талқин этган [6].

Таълим олувчининг фақатгина ўрганилаётган объектга, жараёнга ёки ҳодисага онгли муносабати натижасида билим, амалий кўникма ва ижобий шахсий хислатлари ҳамда фазилатлар шаклланади. Таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришда психологик ҳамда педагогик муаммолар юзага келади. Чунки, психологлар таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаоллигини психологик хусусият сифатида, педагоглар эса таълим жараёнининг асосий қонуниятини ва замонавий талаби сифатида қарайдилар. Ўқитувчи таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаоллигини ошириш учун ўқув материали мураккаблик даражасидан келиб чиқиб машғулоти ўтказишнинг турли шакллари ва усуллари ишлаб чиқиши керак.

Г л о с с а р и й

«Технология» - юнонча «techne» сўзидан олинган бўлиб, маҳорат, санъат ва «logos» - сўз, маълумот маъносини англатади.

Таълим технологияси – таълим моделларини оптималлаштириш маҳсадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш ва билимларни ўзлашти-риш жараёнини яратиш, қўллаш

ва аниқлаш тизимидир (ЮНЕСКО).

Педагогик тизим деб, -тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функци яни бажарувчи элементлар тўпламига айтилади.

Педагогик тизим – шахснинг бор сифатларини шакллантириш учун ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва педагогик таъсир кўрсатишни кўзлаган, ўзаро боғлиқ восита, усул, жараёнларнинг йиғиндисини ифода қилувчи аниқ яхлитликдир (В.П.Беспалько).

Таълим модели – бу белгиланган вақтда ва мавжуд шароитда белгиланган мақсадни амалга ошириш ва башорат қилинган ўқув натижаларига эришишни кафолатлайдиган таълимнинг энг мақбул шакллари, усуллари ва воситалари мажмуидир.

Метод (усул) – юнонча сўздан олинган бўлиб, *metodos* - бирор нарсага эришиш йўлини англатади.

Таълим бериш усули – ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини тартибга солиш йўли.

Фаол таълим бериш – талабаларнинг фаолиятларини рағбатлантирувчи усулдир. Бунда фикрларни эркин алмашинуви назарда тутилади.

Интерфаол – суҳбатли таълим.

Интерфаол таълим бериш - бунда ўқитувчи, ўқувчи ва бошқа таълим воситаларининг ўзаро фаол ҳаракати тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар

I.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т, 1997.

Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Т, 1997.

4.Ўзбекистон Республикасининг “Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил.

5.«Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909 – сонли Қарори.

6.“Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги 2956- сонли Қарори.

7. “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги 3151 - сонли Қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсийжавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т.: Ўзбекистон, 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Т.:2016.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 жилд.

Т.:Ўзбекистон, 2002

6. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12 жилд. Т.:Ўзбекистон, 2004

7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.:Маънавият,2008

8. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.Т.:Ўзбекистон, 2015

III. Махсус адабиётлар

Авлиёқулов Низом Ҳаётович. Замоनावий ўқитиш технологиялари. Тошкент 2001. 17 – 18 б.

2.БоймировҚ.. Ўқитишнинг замонавий усули. Касб-хунар таълими илмий методик журнал. 2003. №2.

Голиш Л.В. Таълимнинг фаол усуллари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш. Экспресс-қўлланма. –Т.: 2001.- 68 б.

Жалолова Д.Ф. Махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш. Пед.фан.номзодлик диссертацияси. Тошкент. 2009 йил. 140б.

Ишмухамедов Р., Абдукодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент-2008.181.

Матюшкин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. – М., 2002.145б

IV. Интернет сайтлари

1.www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат сайти

2.<http://www.ilm.uz> - Ўзбекистоннинг йирик миллий ўқув-ахборот портали

3.<http://www.edu.uz>- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

“ҲАРБИЙ ТОПОГРАФИК КАРТАЛАР БИЛАН ИШЛАШ”

МОДУЛИНИ ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРЛАР ЁРДАМИДА ТИНГЛОВЧИЛАРГА ЎРГАТИШ

Чуб В. Л.

“Ҳарбий топографик карталар билан ишлаш” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланишга доир алоҳида адабиётлар нашр эттирилмаган бўлса ҳам, бироқ инновацион таълим технологиялари, интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларига доир республикамиз ҳамда хорижда кўплаб адабиётлар нашр эттирилган.

Жумладан, республикада инновацион технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш ва уни фан сифатида эътироф этишни биринчилардан бўлиб педагог олимлардан Б.Л.Фарберман (Янги педагогик технологиялар. - Т.: Фан, 2001), Н.С. Сайидахмедов (Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. –Т.: РТМ, 2000.), М.Очилов (Янги педагогик технологиялар. – Қарши, Насаф, 2000), Н.Н.Азизходжаева (Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. –Т.: Низомий номли ТДПУ, 2000; Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: ТГПУ, 2003), Ў.Қ.Толипов (Педагогик технология асослари // «Мактаб ва ҳаёт» журнаliga илова. – Т.: ЎзПФИТИ, 2003), Б.Зиёмухаммедов (Янги педагогик технология: назария ва амалиёт. -Т.:Chinoz ENK, 2002.) ва бошқалар талқин қилдилар. Мазкур олимлар

томонидан педагогик технологиянинг мазмун моҳиятини аниқлаштириш, унинг мослашувчан вариантларини яратиш, таълимни технологиялаштириш воситасида ўқувчи шахсини шакллантириш, ўқитувчи педагогик маҳоратини юксалтириш масалалари илгари сурилди.

Сўнгра педагогика фанлари доктори, профессор Н.Н.Азизходжаева томонидан яратилган илмий мактаб доирасида ташкил этилган “Инновацион технологиялар” Марказида интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини ўқув жараёнига татбиқ этишга доир бир қанча услубий қўлланмалар чоп этилди. Айниқса, мазкур даврда Р.Ишмухаммедов томонидан қатор услубий қўлланмалар (Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004; Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).- ДАП,2004) нашр эттирилди.

2005-2013 йилларда республикамиз узлуксиз таълим тизимида инновацион технологияларни татбиқ этишда “Истеъдод” жамғармасининг масофавий таълим маркази ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Инновацион технологиялар” Маркази яхши натижаларга эришди. “Истеъдод” жамғармаси томонидан таълим жараёнида интерфаол таълим технологияларини қўллашга доир салмоқли илмий ишлар (Ишмухаммедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т., 2010; Ишмухаммедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. – Т., 2010; А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова. “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба.-Т.: “Tafakkur qanoti”, 2012; Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. “Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланиши”. – Т., 2013) нашр эттирилди.

Бироқ аксарият адабиётларда бир нечта типик хатоликка йўл қўйилган ҳолатлар мавжуд:

“технология” ва “метод” тушунчаси бир маънода қўлланган. Масалан, аксарият адабиётларда “Ақлий ҳужум” технологияси деб ёзилган. Аслида у метод;

“инновацион технологиялар” ва “интерфаол технологиялар” тушунчаси синоним сўзлар сифатида ишлатилган. Моҳияти ва қўлланилишига кўра уларни бир хил тарзда тушуниш мантиқан тўғри эмас;

График органайзерларни восита деб талқин қилинган ҳолатлар мавжуд. График органайзерлар икки хил функцияни – ҳам метод, ҳам восита сифатида қўлланилиши эътибордан четда қолдирилган ва бошқалар.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш ва педагогик атамаларни тўғри қўллаш мақсадида 2013 йилда педагогика фанлари доктори, профессор Н.М.Эгамбердиева ва Б.Х.Ходжаевлар томонидан “Педагогиканинг айрим долзарб муаммолари: моҳият, ечим ва талқин” номли услубий қўлланма нашр эттирилди. Муаллифлар олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтишган:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий

қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, ақлий ҳужум, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

2) профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, тингловчиларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим. Оддий бир мисол: профессор-ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотида кластер методини қўллайди. Энг қизиғи, мазкур метод орқали ўқув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати кўп учрайди. Бундан ташқари, уч-тўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод тингловчиларнинг маълум бир нарса-ҳодиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади;

3) таълим технологияларини яратиш учун профессор-ўқитувчилар ўқув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Барча машғулотларнинг технологик ишланмаларини яратиш жараёнида идентив ўқув мақсадларини вазифаларга айлантириш учун бир хил феъл туркумидаги сўзлар (маълумот бериш, очиб бериш, ёритиб бериш, изоҳлаш кабилар)дан фойдаланиш ўринли бўлмайди. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар Блум таксономиясини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Идентив ўқув мақсадларини ўқув вазифаларига айлантириш кўникмасига эга бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини мувафаққиятли лойиҳалашга эришиш мумкин эмас;

4) олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиш тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллашга зарурият йўқ. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўқув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг технологик ёндашувни нотўғри

талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини тингловчиларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишлари ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошиши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини тингловчиларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим¹.

Юқорида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, 2014 йилда педагогика фанлари доктори Д.И.Рўзиева раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан “Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши” номли услубий қўлланма лотин ва кирилл алифбосида нашр этирилди. Эксперт Б.Х.Ходжаевнинг таклифлари асосида интерфаол методларнинг хилма-хил намоён бўлиши, бир қараганда метод, бошқа ҳолатда техника, яна бир ҳолатда шакл ифодасига эга эканлигини ҳисобга олиб, умумий тарзда “стратегия” тушунчасини қўллашни таклиф этган. Таклифни ҳисобга олган ҳолда муаллифлар “интерфаол таълим стратегиялари” тушунчасини қўлланмага татбиқ этишган.

Интерфаол сўзи инглизча сўз бўлиб, «inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ маъноларини билдириб, уларнинг умумий мазмуни интерфаол - яъни ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини англатади. Бундай ўзаро ҳаракат турларига “тингловчи – ўқитувчи” ва “тингловчи-тингловчи”нинг мақсадли ҳаракатларини киритиш мумкин. Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, ўқувчи бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Интерфаол ўқитиш бу билиш фаолиятини ривожлантиришнинг махсус ташкилий шакли бўлиб, интерфаол ўқитиш жараёнида таълим олувчи ўқитишнинг объектидан ўзаро ҳамкорликнинг субъектига айланиши, ўқув жараёнида фаол иштирок этиши билан тавсифланади.

Интерфаол ўқитиш тингловчилардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнида фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, таълим мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Бунда таълимнинг қуйидаги концепциялари фундаментал асос сифатида хизмат қилади:

ўқитувчининг жадал фаолияти – ўқув фаолиятининг асосий кўриниши сифатида намоён бўлиб, у мазкур ҳаракатнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатади;

ўқув фаолиятининг асосий негизи ва натижаси, мазкур фаолиятнинг субъекти – тингловчи ҳисобланади;

муваффақиятли ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи, унинг натижаси ўқувчининг фикрлаш усулларини ўрганиш ва амалий масалаларни ижодий ҳал этиш, эркин, мустақил ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат;

ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи ўқув топшириқлари ҳисобланади. Бунда таълим жараёнининг асосий субъекти бўлган тингловчида фикрлаш, билиш ҳаракати усулларини ривожлантирувчи ўқитиш тактикаси муҳим ўрин тутаяди;

ўқув фаолиятини амалга ошириш жараёни тингловчидан ўзининг

шахсий билиш маҳорати ва кўникмаларини ўзлаштириб олиши учун замин ҳозирлашдан иборат.

“Ҳарбий топографик карталар билан ишлаш” модулини ўқитишдаги инновациялар ҳамда хорижий тажрибалар

Айни даврга келиб, ҳарбий соҳада ривожланган давлатлар (Россия, АҚШ, Англия, Исроил ва бошқалар)нинг олий ҳарбий таълим муассасаларида “ҳарбий топографик карталар билан ишлаш”га доир назарий ҳамда амалий машғулотларда қуролланишга янги киритилаётган замонавий навигация қурилмалари, GPS ва GPRS тизимларидан унумли фойдаланилмоқда. Ушбу замонавий техник воситалар қисқа вақт давомида бирон бир объектнинг аниқ координаталарини аниқлаш, жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудуддаги оператив вазиятни узлуксиз кузатиб бориш имконини беради. Бу албатта яхши. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд. Барчамизга маълумки, 1894 йилда Англиянинг Лондон шаҳри яқинида жойлашган эски Гринвич обсерваториясида ўз даврининг етук астроном, географ ва топограф олимлари йиғилиб, бутун дунёда ягона координаталар тизимини (Гаусс-Крюгер проекциясига асосан) яратишган ва ҳозирги кунга қадар ушбу тизим ўзганмаган ҳолда давом этмоқда. Юқорида келтирилган замонавий навигация қурилмалари, GPS ва GPRS тизимлари оддий топографик карталардаги аниқликни бера олмайди. Масалан: замонавий навигация қурилмалари, GPS ва GPRS тизимлари ҳудудни фақатгина табиий кўринишда кўрсатиб бера олади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, рельеф қияликлари градуслари, ўсимликлар қопламининг турлари ва уларнинг хусусиятлари, ҳудуднинг ўтиб бўлишлик даражалари, иншоотларнинг қурилиш ашёси ва ҳоказолар тўғрисида маълумот бера олмайди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунини таъкидалаш жоизки, юртимизнинг олий ҳарбий таълим муассасаларида “ҳарбий топографик карталар билан ишлаш”га доир назарий ҳамда амалий машғулотларда қуролланишга янги кириб келаётган замонавий навигация қурилмалари, GPS ва GPRS тизимлари билан бир қаторда топографик карталардан ҳам фойдаланиш давом эттирилса янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин:

1. Муаммоли таълим технологиялари.
2. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.
3. Ҳамкорлик технологиялари.
4. Модулли технологиялар.

Модуллитехнологиялар–энгзамонавийтехнологиябўлиб,модульблокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, тингловчининг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларида фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

Модуль - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

Модуль дастур- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндисидир бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир.

Ўқув модули – нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида тингловчиларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модул бу шундай мақсадга йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

Бугунги кунда тингловчи шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида тингловчининг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз-ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу субъект-объект муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундй ёндашувда педагог субъект рлини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай тингловчиларни ишлаб чиқиш, тингловчилар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Тингловчилар эса пассив ҳолда объект ролини бажаради. Тингловчиларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушиниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парагдимага қарши ғояни америкалик педагог Д. Дьюи ишлаб (1859-1952) чиқади. Унинг фикрича нимани ва қандай ўқиш лозим деган саволларга жавоб топишда тингловчига ҳам эркинлик бериш ва унинг ҳохишларини ҳисобга олиш лозим. Токи тингловчи ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустақил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди.

“Модулли таълим ” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалнинг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М.Гольдшмид – модулни тингловчига маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, ўқувчи, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киритади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модуллари ажаратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модул мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блоklarни ўзида мужассам этади;
- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;
- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Редакционная коллегия

Проректор по учебной работе. Проф Боймурадов Ш.А,

Заведующая учебным отделом проф. Азизова Ф.Х.

Серетарь ЦМК доцент Ахмадалиева Н.О.